

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА
ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ
ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

Мирсодик Исҳоқов, Бобир Ғойибов

“МУҒ АРХИВИ”НИНГ ТАРИХИЙ ТАЛҚИНИ

Тошкент – 2025

УДК: 9 (575.1)

Исҳоқов Мирсодик, Ғойибов Бобир / “Муғ архиви”нинг тарихий талқини / Масъул муҳаррир Ғ.Бобоёров. Тошкент: ИЦМ, 2025. – 110 б.

Мазкур монография илк ўрта асрлар Суғд тарихининг бевосита гувоҳлари томонидан ёзиб қолдирилган “Муғ архиви” ҳужжатларининг тарихий талқинига бағишланади. Тадқиқотда “Муғ архиви”нинг бутунлай сақланиб, қолган йирик ҳужжатлари тавсифланган.

Тадқиқот тарихчилар, ахеологлар, этнологлар ва Ватан тарихи билан қизиққан кенг жамоатчиликка мўлжалланган.

Масъул муҳаррир

ЎзР ФА Миллий археология маркази “Фанлараро тадқиқотлар” бўлими бошлиғи, профессор, тарих фанлари доктори – Ғ.Бобоёров

Такризчилар:

Тошкент давлат шарқшунослик университети профессори, филология фанлари доктори – Қ.Содиқов

ЎзР ФА Тарих институти етакчи илмий ходими, “Қадимги ва ўрта асрлар тарихи” бўлими бошлиғи, тарих фанлари доктори – А.Атаходжаев

*Монография Ислон Цивилизацияси маркази Илмий кенгашининг 2025 йил
..... даги-сонли мажлис баённомаси билан нашрга тавсия этилган.*

© Мирсодик Исҳоқов, Бобир Ғойибов
© Тошкент: ИЦМ, 2025 йил

СЎЗБОШИ

Суғдиёна. Бу географик ном аллақачонлар тарихий маъно касб этган. Ўтмишда бир неча бор дунё маданияти марказларидан бири даражасига етган Мовароуннахрнинг марказий қисми, хусусан Зарафшон ва Қашқадарё воҳалари бўйлаб жойлашган қадимий деҳқончилик воҳалари Араб халифалиги истилосига қадар “Суғд” деб аталарди. Суғд милоддан аввалги I мингйилликнинг бошларида Ўрта Осиёда шакллана бошлаган илк давлатлар (“шаҳар – давлат”, “воҳа давлати”)дан бири сифатида қадимий эроний битикларда *Сугуда*, юнон манбаларида *Согдиана* шаклида тилга олинади. <swyδ-> /suyδ-/ , <sywδ-> /səyud-/ шаклларда ёзилган “Суғд” қадимги ёзма манбаларда *suūda* (Авесто), *Σογδιανή* (*Sogdia* – юнон), *Sugda* ёки *Suguda* (қадимги форсий), *šū-ug-da* (элам), *su-ug-du* (аккад) тарзида қайд этилган. “Авесто” китобида “Гава ўлкасида суғдийлар яшайди” деб келтирилади. Антик давр манбаларида ҳам *Sogdiane* ўлкаси (Суғд) ва *sogdianoī* аҳли (суғдий) ҳақида тафсилотлар келтирилган.

Бу мамлакат муқаддас китоб Авестода ҳам алоҳида таъкидланган. Суғд – Суғдиёна билан боғлиқ маълумотлар турли даврларга оид, Хитойдан тортиб Ўрта Осиё, Яқин Шарқ, араб ва арман, қадимги туркий ва юнон халқларининг тарихий ёдгорликларида сочилиб ётар эди. Бу ёдгорлик ва китобий манбалар эрадан аввалги I минг йиллик ва эрамизнинг биринчи минг йиллигидек, қарийб II минг йиллик тарихни ўз ичига оларди. Уни ўрганиш ўз-ўзидан катта меҳнат ва илмий жасорат талаб этарди. XX аср бошларидан бошлаб то ҳозирга қадар олимларимизнинг бир неча авлоди бундай масъулиятни шараф билан адо этиб келмоқда. Айниқса, тарихий манбаларнинг лингвистик таҳлили билан бирга тарихий талқинини амалга ошириш долзарб бўлиб қолмоқда.

Қадимги Суғдиёна, унинг бой маданий-тарихий мероси XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларигача халқларимиз ўтмишининг сирли жумбоғи бўлиб келган эди. Ўрта Осиё халқлари, хусусан, ўзбек ва тожик халқлари

тарихига бағишланган умумлаштирувчи тарихий нашрларда ўтган асрнинг қарийб 30-50-йилларигача эрамизнинг дастлабки асрлари, айниқса, араб истилосигача бўлган даври ҳақидаги маълумотлар ниҳоятда оз ва узук-юлуқ эди. Бунга сабаб ўтмишнинг шу муҳим босқичи бўйича ёзма манбалар мукаммал ўрганиб чиқилмагани, қолаверса, мазкур ҳудудларнинг ўзидан қадимиятга оид, хусусан араб истилосига қадар давр ёзма ёдгорликлари жуда кам топилганлигидир.

Ваҳоланки, ўрта аср манбаларига кўра, Суғд, Хоразм ва бошқа ўлкаларда саводхонлик, китобат ишлари ривожланган эди. Масалан, Берунийнинг келтиришича, Қутайба ибн Муслим (705-715) аскарлари Хоразмни забт этганда у ердаги қадимий ёзув билан битилган китобларни ёндирган, саводхон, билимдон кишиларни ўлдирган. Суғдиёнада ҳам қадимги ва ўрта аср суғдий ёзувнинг тақдири ана шундай бўлди. Суғдча ёзилган барча матнлар – ўрамлар, китоблар араб истилочилари томонидан ёқилди. Суғдийларнинг ибодатхоналарни вайрон қилинди, улардаги ажойиб санъат обидалари оёқ ости қилинди, хазиналар таланди, халқнинг узок ўтмишдан сақланиб келган анъанавий маданияти таҳқирланди.

Араб истилоси Ўрта Осиё халқлари ўртасида тил муносабатларига ҳам таъсир қилди. Халқаро иқтисодий ва маданий муносабатларда кенг қўллана бошлаган форсий тилнинг (араб тили билан бир қаторда) шаҳар маданияти тилига айланиб бориш жараёни оқибат натижада суғдий тилнинг амалий доирасини торайтира бошлади. Бунинг устига туркий тилнинг тобора кенг ёйилиши ҳам суғдий тилнинг мавқеини чеклаб қўйди ва у амалиётдан чиқа бошлади. X аср тарихий обидаси бўлмиш «Тарихи Бухоро»да келтирилишича, унинг муаллифи Абу Бакр Муҳаммад Наршахий суғдий тил фақат қишлоқ ҳудудларигина сақлангани, шаҳарларда эса асосан форсий тил амал қилганининг гувоҳи бўлганини келтириб ўтган.

X асрга қадар суғдий тил тарихан “ўла бошлаган” эди. Бу тилнинг ёзма ёдгорликлари муаммоси фанда XX аср бошларидагина тўла шаклланди. Чунки бу даврда Шарқ

халқлари, хусусан Ўрта Осиё халқлари маданий ўтмишига қизиқиш ниҳоятда кучайди. Англия, Франция, Россия олимлари ташаббуси билан Шарқ мамлакатлари тарихий-маданий ёдгорликларини ўрганиш бўйича катта-катта экспедициялар, миссиялар уюштирилди. Натижа эса узоқ каватирмади. 1902-1906 йиллардаёқ А.Стейн бошлиқ инглиз экспедицияси Хитойнинг ғарбий ҳудудларида – Дунхуан номли манзилда қазилма ишлари олиб бориб, юзлаб хитойча, туркча ва бошқа хат-ҳужжатли материаллар орасида суғдий ёзув билан битилган нодир қўлёзмаларни ҳам топишга муваффақ бўлди¹.

XX аср бошларига келиб 1889 йили Н.И.Ядринцев томонидан Урхун дарёси ҳавзасидаги Қораболғасун деган ердан топилган уч хил ёзувли тош лавҳадаги учинчи ёзув суғд тилида – “суғдий ёзуви” деб аталадиган ёзувда битилгани аниқланди². Кетма-кет Шарқий Туркистон ҳудудларида суғдий қўлёзмалар топила бошланди. Бу ёзувнинг суғдийларга тегишлилиги ва суғдий тилда эканини улардаги айрим этник, хронологик атамалари ўрта аср манбаларида сақланган суғдий атамалар, айниқса, тақвим атамалари билан солиштириш асосида (улар Берикийнинг “Ўтмиш халқлар ёдгорликлари” асарида сақланган) аниқлашга муваффақ бўлинди³.

Шарқий Туркистондан топилган юқорида таъкидланган ҳужжатлар Ф.В.К.Мюллер ва Ф.К.Андреас томонидан бошланган бўлиб, мазкур ҳужжатларнинг немис, француз, инглиз тилларида дунё юзини кўришида К.Залеман (суғдий тилнинг грамматикаси тафсилотларини ёзган), Э.Захау (христиан матнларини нашрга тайёрлаган), Р.Готье (суғдий тилнинг транслитерациясини ишлаб чиққан), Э.Бенвенист (буддавий ва христиан матнлари асосида суғдий тил сўз туркумлари, уларнинг категориялари ва сўз тузилишини ишлаб чиққан), П.Тедеско (суғдий тилдаги сўз ясовчи ва сўз

¹ Xavier Trembley. Pour une histoire de la Serinde (Le manichéisme parmi les peuples et reregions d'Asie Centrale d'après les sources primaires). WIEN: DER ÖSTERREICHISCHEN AKADEMIE DER WISSENSCHAFTEN, 2001. P. 190-207.

² Hansen O. Zur soghdischen Inschrift auf dem dreisprachigen Denkmal von Karabalgasun // Journal de la Société Finno-Ougrienne, XLIV, 3. Helsinki, 1930. P. 3-39.

³ Бобоев Ю.А. Абурайхон Берики - основоположник согдологии //Номаи Донишгоҳ. Хучанд. №4 (45) 2015. С. 13.

ўзгартувчи грамматик воситалар масалаларига бағишланган бир қатор муҳим тадқиқотларни амалга оширган), В.Б.Хеннинг (буддавий, моний, христиан матнларининг солиштирма тадқиқини амалга оширган) каби олимларнинг ишлари кейинчалик И.Гершевич, Д.Н.Маккензи, М.Шварц, В.Зундерман, Н. Симс-Вильямс томонидан давом эттирилди⁴. Айниқса, И.Гершевичнинг суғдий тилнинг фонетик тизими ва грамматикаси борасидаги фикрлари суғдшуносликнинг кейинги тараққиёти учун хизмат қилди⁵.



Суғдшуносликнинг илк тадқиқотчилари
Ф.В.К.Мюллер (1863-1931) Ф.К.Андреас (1846-1930)

Қизиғи шундаки, тарихий манбалардан маълум бўлган қадимги Суғдиёна ўлкаси ҳудудидан – Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларидан 30-йилларнинг бошларига қадар бирорта ҳам суғдча ёзув намунаси топилмаган эди. Айни бир пайтда суғдий ёзма ёдгорликлар Шарқий Туркистондан “Буюк ипак йўли” номи билан машҳур қадимги савдо карвон йўли бўйлаб жойлашган манзиллардан – қисқаси Суғднинг ўз ерларидан ташқарида топиларди. Чунки суғдийлар ғарбий ўлкалар – Яқин

⁴ Лившиц В.А., Хромов А.Л. Согдийский язык / Основы иранского языкознания. Среднеиранские языки. Москва: Наука, 1981. С. 350-354.

⁵ Gershevitch I. A grammar of Manichaean Sogdian. Oxford, 1954. – I –X, 2-ed. Oxford, 1961. P. 12.

Шарқ мамлакатлари, қадимги Рим, Византия билан Шарқ мамлакатлари ўртасидаги савдо муносабатларини уюштиришда муҳим воситачилик ролини ўйнагани кўп ёзма манбалардан маълум.

Айниқса, бу ҳақда Хитой сайёҳларининг кундаликлари, йўл ёдномаларида, Хитой подшоларининг сулола йилномаларида, юнон, Рим, Византия ва араб тарихчилари, географлари асарларида қатор хабарлар сақланган. Суғдийлар Узоқ Шарққа бўлган минглаб чақирим карвон йўллари бўйлаб ўз савдо манзиллари – қишлоқларини ташкил қилиб халқаро савдода катта улушга эга бўлганлар. Натижада бир қанча халқлар маданиятининг тараққиёти жараёнига салмоқли ҳисса қўшганлар. Суғдий тил эса қарийб минг йил давомида халқаро савдо, маданий алоқалар тили сифатида хизмат қилган.

Суғд тилининг амалий кўлами шу даражада кенг бўлганки, Ўрта Осиё ва Еттисув вилояти ҳамда Шарқий Туркистоннинг кўп ерларида аҳоли суғдий ва туркий тилларда бемалол сўзлашаверган, яъни, шаҳарларда суғд-турк икки тиллилиги расмий ҳолат бўлганлиги Махмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асаридаги хабардан маълум⁶. Бу асарда Болосоғун (Еттисув – ҳозирги Қирғизистон, илгари бу шаҳар Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистон оралиғида турган) аҳолиси суғдий ва туркий тилларида сўзлашади, бир тилдан иккинчисига бемалол ўтаверади, деб кўрсатилган. Дарвоқе, ушбу икки этнос ёзувларининг ҳам бир-бирига таъсир этгани маълум⁷.

Суғдий ёзма ёдгорликлари ҳам ёзув алифбо турлари, уларда акс этган диний дунёқараш мазмуни бўйича турличадир. Масалан, будда диний масалалари акс этган ёзма ёдгорликларнинг аксарияти “самарқанд ёзуви” ёки “Суғд миллий ёзуви” номи билан юритиладиган ёзувда битилган. Христиан диний китобларининг суғдийчага таржималари сурёний ёзуви деган ёзув турида, Моний эътиқоди матнлари

⁶ Махмуд ал-Кашғари. Дивъан Лугъат ат-Турк / перевод, предисловие и комментарии З.А.М. Ауэзовой. Индексы составлены Р. Эрмерсом. Алматы: Дайк-Пресс, 2005. С. 852.

⁷ Исҳоқов М., Ғойибов Б. Туркий ва суғдий ёзувлар яратилишининг тарихий бирлиги асослари / O‘zbekiston tarixi. 2023 йил 2-сон. Б. 10-22.


орамий алифбонинг яна бир турида ёзилганки, бу ҳол “суғдий ёзуви” тушунчаси бир неча алифбо тизимидан ўсиб чиққан⁸ турли ёзувларни кўзда тутишидан далолат беради.

Ёзма манбаларга суяниб В.В.Бартольднинг келтиришича, Самарқанд вилоятининг ҳозирги Ургут тумани Суғдиёнада, балки Ўрта Осиёда христианлик тарғиботининг марказларидан бирига айланган экан⁹. Шу ўринда Ургут яқинидаги Қўштепа номли ёдгорликда 1973 йили топилган хумнинг парчаси ҳақида айтиб ўтиш лозим. Бу сопол парчасида христианлик эътиқодидаги чўқинтириш маросими акс эттирилган муҳр излари сақланган. Унда қўлида китоб ва салиб (крест) тутган коҳин узун, тўкилиб турган пурвиқор кийимда тасвирланган. Унинг олдида тиз чўккан бош яланг киши коҳин қўлидаги салибни тиз чўккан киши боши узра тутган ҳолда турибди. Чап қўлида эса китоб. Бу тасвир айни христиан диний маросимини, яъни чўқинтириш маросимини акс эттирган. Табиийки, халқ орасида шунчалик расм бўлган диний тарғибот ёзувсиз, саводхонликсиз иш кўролмаган.

Суғдий ёзма ёдгорликлари орасида 1904-1906 йилларда топилган ва фанда “Кўҳна хатлар” номи билан юритилган ёдгорликлар айниқса диққатга сазовор. Чунки бу ёдгорликлар суғдий ёзувнинг хитойи ипак қоғозда акс этган энг қадимги намунасидир. “Кўҳна хатлар” В.Б.Хеннинг томонидан IV асрнинг бошларига, хусусан 313 йилга мансуб деб топилган. Бунга қадар Кушонлар империясининг сўнгги босқичларига, яъни эрамиз бошларига (I-II асрлар) оид тангалардагина суғдий ёзув учрар эди (бу тангаларнинг бир туркуми юзасида камон ва ўқ ушлаб турган киши тасвирлангани учун “камончи тасвирланган танга” номи билан ҳам юритилади). Умуман суғдий ёзуви эрамиздан аввалги III-II асрларда орамий алифбоси асосида шаклланган деб ҳисобланади. Юқорида қайд этилган “Кўҳна хатлар” дастхат услубига кўра суғдий ёзув тараққиётининг бир қадар ривожланган босқичидаги шаклини акс эттиради.

⁸ Исроқов М. Уч алфавитли ёзув // Фан ва турмуш. Тошкент, 1983. №3. Б. 18-19

⁹ Сулейманов Р., Исроқов М. Древний Самарканд. Ташкент: Фан, 1980. – 120 с.



“Кўхна хатлар”. 313 йилга оид. Британия музейида сақланади.

VII-VIII асрларда Дуньхуан ва унга қўшни минтақалардаги аҳоли манзилгоҳлари Суғддан, асосан, Самарқанддан борганлар ҳисобига шаклланган. Бу эса “Кўхна хатлар”да келтирилган маълумотлар асосида ўз тасдиғини топади¹⁰. Турфондаги суғдийлар Самарқанддаги ўзларининг

¹⁰ Лившиц В.А. Согдийские «Старые письма» (I, III) // ППВ. Москва, 2008. № 1 (8). С. 173.

қавмдошлари билан доимий алоқада бўлиб турганлар. Бу ҳақда тахминан 313 йилларда битилган “Кўҳна хатлар”да ҳам маълумот келтирилган бўлиб, мактуб Турфондан Самарқандга жўнатилган, аммо манзилига етиб келмаган. “Кўҳна хатлар” санаси эроншунос В.Б.Хеннинг томонидан аниқланган¹¹ бўлиб, бунга асос сифатида олим 307 йилда Е ва 312 йилда Лоянг шаҳарларининг эгалланишини келтиради. Ушбу фикр Ф.Гренэ ва Н.Симс-Вильямс томонидан ҳам қўллаб-қувватланган. Я.Харматта эса ушбу ҳужжатларнинг санаси милодий 196 йилга дахлдор деб кўрсатишни таклиф этиб, бу санани юз йилдан ортиқроқ муддатга қадимийлаштиришга ҳаракат қилади. Бизнингча, В.Б.Хеннинг талқини тўғри бўлиб, унда хунларнинг ҳужумлари ва Лоянгнинг ёнғин остида қолиши билан боғлиқ тарихий жараён ҳақида гап боради. Бу эса ўша замон тарихий жараёнларига мос келади.

Шуниси диққатга сазоворки, “Кўҳна хатлар” Дунхуан шаҳри (Шарқий Туркистонда) яқинидаги савдо қишлоғида яшаган суғдий тижорат, савдо аҳлининг Самарқандга – ўз она юртларига ёзган шахсий хатларидир¹². Бу ёдгорликлар мазмунида ўша даврнинг турмуш ташвишлари, кундалик ҳаёт тарзи, орзу-умидлари ўз ифодасини топган. Масалан, Меванча исмли қизнинг онасига ёзган мактубида қиз ўз ҳомий отахони Нанедоддан арз қилади. Хатда Нанедод унга уйланиш истагини билдиргани, лекин ўртада муҳаббат йўқлиги, Нанедодга тегиб яшагандан кўра чўчкага тегиш маъқулроқ экани куйиб-пишиб ёзилган. Лекин бу хат Самарқандга етиб келмаган. Меванча ҳам, бошқа хат эгалари ҳам бундан бехабар бўлганлар. Улар юборган чопар узоқ йўл азобидан ташқари ўз жонининг ташвишини ҳам қилишга мажбур бўлган. Чунки худди шу йилларда Шарқий Туркистон районларига хунларнинг ҳужуми бошланган, чопарнинг йўли эса уруш майдонлари орқали ўтмоғи лозим эди. Чопар кўп сарсон бўлган, аммо 5 йил ўтгач, 317/318 йили у ўзи жўнаган манзилга қайтиб келишга мажбур бўлган. Чопар иккинчи марта йўлга отланиб (эхтимол бошқа

¹¹ Henning W.B. The date of Sogdian Ancient Letters // BSOAS. 1948. vol. 12. P. 601-615.

¹² Henning W.B. The date of Sogdian Ancient Letters // BSOAS. 1948. vol. 12. P. 601-615.

йўлдан юрмоқчи бўлган, эҳтимол карвонлардан бирига қўшилиб йўл босган) янги хатларни ҳам қўшиб халтасига жойлаб олган. Лекин бу хатлар ҳам илгариги хатлар сингари Самарқанд юзини кўрмаган. Чопар хатларни Дунхуан яқинидаги ташландиқ қоровул минорасига яширишга мажбур бўлган. Лекин бу хатлар орадан бир ярим минг йилдан кўп вақт ўтгач, 1900 йили ўз адресатларига эмас, олимлар қўлига етиб келди ва катта эътибор топди. Дарвоқе, 317 йили ёзилган хатлар орасида Меванчанинг иккинчи хати ҳам бор. Нанедод Меванчага уйланган. Энди Меванча Нанедодга турмушга чиққани, куёвнинг меҳрибонлиги ва ғамхўрлигидан ниҳоятда бахтиёр экани ҳақида онасига ҳаяжон билан ёзади.

“Кўҳна хатлар” эрамизнинг бошларида шаклланган насрий мактуб жанри намунаси сифатида ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳол қай даражададир суғдий тилнинг адабий меъёрлари ҳам расмийлашиб қолганидан, бу тил халқ тили сифатида шаклланиб улгурганидан ҳам далолат бериб турибди. Лекин шуни таъкидлаш лозимки, суғдий тил ёзма нутқ анъанаси оғзаки нутқ шаклларидан кўра тил тараққиётининг бир оз эскироқ меъёрларини акс эттиради. Бу ҳолатни, масалан, ўзбек ёки тожик сўзлашув нутқи формаси билан адабий нормалари ўртасидаги тафовутга ўхшатиш мумкин.

Муғ тоғи суғдий ҳужжатлари 1932-1933 йилларда топилган бўлса-да, уларнинг 1962-1963 йилларга қадар нашр этилмаганлиги сабаб илмий жаоматчилик суғдий ёзувдаги мавжуд ҳужжатлар буддий, христиан, моний ҳужжатларидаги диний мазмундаги матнлардан иборат деб тасаввур этган. Ўз даврида суғдшунос В.А.Лившиц Муғ тоғи суғдий ҳужжатлари лингвистик жиҳатдан ўрганилганини ва уларни тарихий таҳлил қилиш илк ўрта асрлар Марказий Осиё халқлари маданиятидаги муҳим бўшлиқларни тўлдириши таъкидлаб ўтган эди. Шу боис ушбу суғдий ҳужжатларни тарихий талқин этиш муҳим ва бугунги кундаги долзарб масала эканлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

МУҒ ТОҒИ СИРИ

1932 йилда Туркистон тоғ тизмаларидаги Қум дарёси қирғоғида жойлашган Қалъаи Муғ харобларидан топилган суғдий ҳужжатлар архиви, қарийб юз йил бўлмоқдаки, Марказий Осиё, Турон-Туркистон халқлари тарихининг фавқулодда қимматли манбаи бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Бу архив фанда Муғ тоғи суғдий архив номи билан машҳур. Муғ тоғи архивидаги саксонга яқин ҳужжатларнинг алоҳида қиммати шундаки, уларнинг барчаси VII аср охири – VIII аср биринчи чорағида, айти Мовароуннахрнинг араб халифалиги томонидан босиб олиниши давомида, шу жараённинг бевосита гувоҳи сифатида ёзилганидир¹³.


Хўш суғдийлар кимлар эди? Уларнинг тарихи, ижтимоий ҳаёти, иқтисоди, сиёсий муносабатлари, маданияти ҳақида нималарни биламиз? Суғдийларнинг тарихий тақдири қандай кечган? Мазкур архив ҳужжатларида ўқилган Панч (ёки Панчикант) мулки, унинг ҳукмдорлари, ушбу мулкнинг бошқаруви, Турк хоқонлигига мухторият асосида тобе бўлмиш Суғд давлати таркибида Панчнинг ўрни, араб истилоси кунларида ҳарбий-сиёсий вазияти ва ниҳоят милодий 722 йилда халифалик қўшинлари устун келиб, таслим бўлиши бу каби саволларнинг барчасига жавоб топилади.

Муғ тоғи архиви ҳужжатларида акс этган воқеаларни ҳаётининг манбаси Қайнарсув булоғи бўлган қадимги Панжикентдаги археологик қазилмалар тўла-тўқис тасдиқладигина эмас, балки аксинча ҳужжатлар мазкур Панч мулки тақдирининг жонли гувоҳлари бўлиб чиқди.

Қайнарсув – қайнаётган сув. Ер қаъридан отилиб чиқаётган булоқ туркийчасига *Қайнарсув* дейилган. Баъзилар уни “иссиқ” ёки “қайноқ” деб ўйлайдилар. Бу қадимий булоқ қарийб ўн уч аср бурун ҳам Панжикент аҳолисини сув билан таъминлаган асосий манба бўлган. Бу даврда Зарафшон дарёси “Суғд дарёси” деб номланиб, унинг ҳавзасида жойлашган


¹³ СДГМ I; СДГМ II; СДГМ III.

Самарқанддан то Бухорогача бутун водий Турк хоқонлиги таркибида сиёсий автономиясини сақлаган Суғд конфедерацияси тасарруфидаги ерлар ҳисобланган.



Суғд конфедерацияси харитаси (хитой йилномалари асосида)

Орадан бир неча юз йилликлар ўтган бўлишига қарамай, Зарафшон воҳасининг юқори қисмидаги тоғлар ён бағридан муздай булоқ отилиб турибди. Лекин олдинги Панжикент энди йўқ! Унинг ўрнида фақат қадимги шаҳарнинг харобаларигина қолган холос. Бу шаҳар харобалари афсонага ўхшайди ва бу афсона қадимги халқлардан бири тўғрисида маълумот беради. Бу ўлкада қадимги ота-боболаримиз – суғдийлар ва туркийлар ёнма-ён яшаганлар. Нима учун ҳозирги Панжикент шаҳри ёнида қадимий шаҳар харобалари мавжуд деган фикрга келинган?



Панжикент шаҳрининг умумий лойиҳаси. VII-VIII асрлар

Зарафшон дарёсининг юқори оқимиға қуйилувчи ирмоғи Қум дарёси ёқасидаги баланд чўққида мудофаа мақсадида қачонлардир қурилган қалъа маҳаллий тожик тилида “Қалъаи Муғ” номини олган. Бу қадимий қаср антик даврларда ҳам бўлган. Македониялик Александр қўшинларига жиддий қаршилиқ кўрсатган ҳарбий истехком сифатида юнон манбаларида бу қаср “Суғд қояси” номи билан қайд этилган.



Муғ қалъасининг космосдан кўриниши – Google Earth

Муғ қалъаси дейилишига сабаб қаср харобаларининг маҳаллий анъанага кўра қадимий зардуштийлик даврлари билан боғланишидир. Қалъа қоя устидан Зарафшон дарёси томонга осилиб тургандай кўринади. Аҳоли орасида бу қалъа атрофида ёвуз руҳлар айланиб юради, деган афсоналар тарқалган. Ҳар ким ҳам бу ерга юрак ботиниб чиқа олмаган. Бу афсона ва ривоятлардан хабари бўлса ҳам, Ҳайробод қишлоғидан бўлган чўпон Жўрали Маҳмудали қўйларни тоғ атрофида ўтлатгани ҳайдади. Қўйлар хароба атрофига ёйилиб кетади. Уларни қайтариш мақсадида чўпон ҳам қалъа харобасига чиқади. Унинг кўзи ердан чиқиб турган тол новдасига тушади. Учи чиқиб турган толнинг новдасини

суғурмоқчи бўлади. “Бу ерда тол ўсмайдику, новда қаердан пайдо бўлди?” – ўйланиб қолади чўпон. Новдани суғуриш учун пичоқдан фойдаланишга тўғри келади ва бу тол новдадан тўқилган бутун бошли сават бўлиб чиқади. Саватнинг тубида тупроқ аралаш ипак толалари қўшиб ишланган юқа, аммо пишиқ қоғозга ёзилган матн кўриниб турарди. Чўпон номаълум алифбода ёзилган хатни диққат билан кўздан кечира бошлади. Умри бино бўлиб чўпон бундай номаълум ёзувни кўрган эмасди. Сирли мактуб чўпонни қизиқтириб қолади.



Абдулхамид Пўлодий.

*Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими
(1970-1991 йилларда Самарқанд давлат университети
қўлёзмалар бўлими мудири лавозимида фаолият кўрсатган)*

Мактуб бир муддат қишлоқ аҳолиси орасида қўлдан-қўлга ўтиб юради. Ниҳоят мактуб Захматобод туманининг собиқ партия котиби бўлган Абулҳамид Пўлодий қўлига етиб келади.

– Бу, ахир, жуда қадимий мактуб-ку! – дейди ҳаяжон билан Пўлодий. – Ахир, ушбу мактуб қадимги аجدодларимиз ҳақида маълумот берувчи ёдгорликдир! Биз мактубни мутахассис олимларга жўнатамиз.

Пўлодий сирли мактуб топилганлиги тўғрисида дастлаб Душанбега хабар беради ва у ердан Москва ҳамда Ленинградга қадимги Суғдиёна тарихининг тадқиқотчиларига, шарқшуносларга хатнинг фото нусхаси жўнатилади. Мактубнинг нусхаси суғдшунос профессор А.А.Фрейманга юборилади¹⁴. Мактубнинг суғд тилида ёзилганлиги душанбелик олимлар томонидан тахмин қилинган эди.



Фрейман Александр Арнольдович. Академик
(22.08.1879 – 19.01.1968)

Москвада Тожикистонга экспедиция уюштириш тўғрисида муҳокама кетаётган бир пайтда Пўлодий 1933 йилнинг май ойида¹⁵ Муғ тоғида қазилма ишларини бошлаб юборади. Кўп ўтмасдан, Москвага дарахт новдаларига, терига, қадимги хитой қоғозига битилган ёзув намуналари топилганлиги тўғрисида яна хабар етказилгач, экспедиция уюштириш тўғрисида қарорга келинади. Бу қўлёзмалар ҳам аввалги мактуб жойидан топилган эди¹⁶.

¹⁴ Моисеева К. Тайна горы Муг. Москва: Детская литература, 1964. С. 204.

¹⁵ Бу даврда СССР ҳукуматининг қатағонлик сиёсати юқори чўқкига чиққан бўлиб, ҳар қандай тарихий ҳужжатнинг топилиши тўғрисида давлат раҳбарлари эшитишни ҳам истамас эдилар. Буни яхши тушунган Пўлодий ҳеч қандай расмий рухсатсиз қазилма ишларини бошлаган – *И.М., Ф.Б.*

¹⁶ СДГМ II. С. 7.

1933 йилнинг ноябр ойидан бошлаб, СССР ФА нинг мухбир аъзоси профессор А.А.Фрейман бошчилигидаги археографик экспедиция Муғ тоғига келди ва қазилма ишлари бошлаб юборилди.

Экспедиция иши давомида тоғ шароитидаги кузнинг ёғин-сочинли совуқ кунлари бошланди. Лекин дастлабки топилмалар экспедиция аъзоларида шунчалик катта қизиқиш уйғотган эдики, ҳеч ким қазилма ишларини кейинги йилга қолдиришни хоҳламас эди. Олимлар қазилма якунларини интиқлик билан кутарди. Уларни турли ашёлар қатори суғдий ёзма ёдгорликлар топиш кўпроқ қизиқтирарди. Гап шундаки, ўша вақтга қадар олимларга маълум суғдий ёзма ёдгорликлар Буюк ипак йўллари бўйлаб жойлашган суғдий савдогарларнинг Синьцзян (Шарқий Туркистон/Ғарбий Хитой)да тарқалган манзилларидан топилган эди. Муғ тоғидан топилган ҳужжатлар бевосита Суғднинг ўзидан топилган дастлабки суғдий матнлар эди. Бу эса нафақат суғдшуносликка, балки умуман минтақамиз халқлари, хусусан биродар ўзбек ва тожик халқлари тарихига доир тадқиқотлардаги чалкашликларни ойдинлаштиришда ўта муҳим рол ўйнаши тайин эди. Бундан ташқари, Муғ тоғида Суғдиёна тарихи, маданияти билан боғлиқ бошқа қимматли топилмалар ҳам бўлиши мумкинлиги янада қизиқарли эди.

Нихоят, экспедиция қалъаи Муғдан Суғднинг Панч ҳукмдорлигининг маъмурий архиви ҳамда унинг таркибига кириб қолган бир қатор шахсий архивларга тегишли 80дан та ҳужжатдан иборат бутун бир архивни топишга эришди. Улар орасида арабий, хитой, қадимги турк алифбосидаги ҳужжатлар ҳам борлиги архив қимматини янада оширди¹⁷.

Илгари олимлар фақатгина биттагина суғдча ҳужжатни қадим Суғдиёна ҳудудидан топишни орзу қилишган бўлса, энди уларнинг ихтиёрида бутун бошли архив бор эди. Бу ҳужжатлар гўё асрлар қаъридан кимдир юборгандай, қадимги тарихимиз тўғрисида кўплаб маълумотларни берарди. Улар ушбу манбалар орқали аввал номаълум бўлган суғдийча сўзлар

¹⁷ Лившиц В.А. Правители Панча (тюрки и согдийцы) / НАА. 1979. №4. С. 27-39.

билан, мактуб ёзилган даврдаги ижтимоий-сиёсий ва маданий-иқтисодий ҳаёт билан танишишди. Мана шу манба Хитой билан маданий ва савдо алоқаларининг кенг ривожланганлигини кўрсатди. Суғдий ёзув намунаси билан бирга арабча ва хитойча мактуб намуналарининг топилганлиги тўғрисида юқорида айтиб ўтилган эди. Араблар томонидан ўн икки аср муқаддам вайрон этилган Муғ тоғи қалъаси харобаларидан олимлар учун бебаҳо хазинанинг топилганлиги Шарқий Туркистондаги Турфон ёки Қумрон ёзувлари каби дунё фанида пайдо бўлган фавқулодда янгиликлар қаторидан ўрин олди¹⁸. Қадимги қўлёзмалар билан бирга бу ердан кўплаб ашёвий ёдгорликлар, шу жумладан, ҳарбий анжомлар, рўзғор буюмлари ва зебу-зийнатлар топилган.

Жумладан, Суғд отлиқ аскарининг тасвири туширилган қалқон олимларнинг диққатини ўзига жалб қилди. Қалта қилич таққан, башанг кийинган, камон осиб олган киши от чоптириб кетаяпти. Отнинг қалин ёли худди жонли тебранаётгандай. Эгар ўқдон-садок ва камон билан тўсилганлиги учун кўринмайди. Отлиқ чап қўлида чўқмор тутган ва ўнг қўли билан отнинг тизгинини ушлаган ҳолда елиб бормоқда. Қалқоннинг сақланиб қолган қисмида чавандознинг боши кўринмайди. Бу қалқон бўлаги тарихчиларнинг қизиқарли хулосаларига туртки бўла олди. Қалқон уларга узоқ Шарқий Туркистон (Синьцзян)даги будда ибодатхонасининг тасвирий суратларини эслатди. У ерда ҳам худди ана шундай тасвирлар акс эттирилган ашёлар бор эди. Суратда ҳам, отлиқнинг ҳарбий кўринишида ҳам ўхшашлик бор¹⁹.

Лекин бой зодагонларнинг буюртмасини бажарган суғдий рассомларнинг Шарқий Туркистон рассомларига таъсири кучли бўлган кўринади. Қадимдан Хитой ва Суғд мамлакати ўртасида теран тарихий ва маданий алоқалар айнан Шарқий Туркистондаги Турфон, Кошғар, Хўтан каби воҳа ҳукмдорликлари воситасида амалга ошган. V асрдаёқ кўплаб

¹⁸ Нудельман Р.Э., Загадки Кумрана // Библийская археология. Научный подход к тайнам тысячелетий. Феникс, Неоглори, 2008. – 640 с.

¹⁹ Беленицкий А.М. Монументальное искусство Пенджикента. Живопись, скульптура. Москва: Искусство, 1973. – 63 с.

суғдийлар Суғд ва Хитой ўртасидаги мазкур воҳаларда аҳоли масканлари – колониялар барпо эта бошлаганликларини эслайлик. Бундан ташқари, Буюк ипак йўли тармоғи бўйлаб суғдийлар йирик савдогарлар ва маданий бойликларнинг ташувчилари бўлганликлари фикримизга асос бўла олади. Чунки бу йўл бўйлаб суғдийларнинг манзилгоҳларини кўплаб учратиш мумкин эди. Моҳир ҳунарманд ва савдогарлар ўзлари билан қадимги маданиятни ҳам олиб келганлар ва натижада маданиятларнинг ўзаро қоришиш жараёни юз берган. Буни биз иккала маданиятда ҳам кузатишимиз мумкин. Баъзи бир суғдийлар ўз маданияти ва динини унутиб, будда динини қабул қилган бўлса, баъзилари ўз маданияти ва эътиқодини йўқотмади ва уни сақлаб қолдилар. Синган қалқон парчаси бутун бошли тарихий ва маданий алоқалар тарихи тўғрисида хулосалар чиқаришга асос бўлганлиги жуда қизиқарлидир.



Панжикентдан топилган қалқон бўлаги. VIII аср.

(Қаранг: Беленицкий А.М. Монументальное искусство Пенджикента. Живопись, скульптура. Москва: Искусство, 1973).

Аслида, қалқон топилган Муғ тоғи қалъаси кимга қарашли эди? Унинг асосчилари кимлар? Ҳужжатлар қай тарзда бу ерда пайдо бўлган? Кимлар бу қадимги қалқондан фойдаланган? Суғдий алифбодаги ҳужжатлар архиви кимга (ёки кимларга) тегишли?

ДЕВАШТИЧ ИСМИ – АРХИВНИНГ “КАЛИТИ”

Машхур арабшунос олим, академик И.Ю. Крачковский Муғ тоғи архивининг Ленинградга етиб боришини сабрсизлик билан кутар эди. Чунки Игнатий Юлианович у архивда терига ёзилган арабий тилдаги мактуб борлигини эшитган эди. Бу қандай қўлёзма? У нима ҳақда сўзлайди? Дунё бўйлаб терига ёзилган фақатгина *олтитагина* мактуб маълум эди²⁰.

Ниҳоят, экспедиция Ленинградга қайтиб келди. Суғд ёзувлари архиви минг йилдан кўп вақт давомида тупроқ остида қолиб кетган ва ўз ҳолатини йўқотган. Мактубда нима ҳақда сўз бориши билан ҳамма қизиқар ва олимлар унинг сирини очишга астойдил бел боғлаган эдилар.

Академик И.Ю.Крачковскийнинг архив сирини очишдаги улуши араб алифбосида куфий хат усулида ёзилган мактубни ўқиш эди. У таъкидлаганидек, мактубнинг сирини ундаги кишилар исмларида бўлган. Мактубни ўқишдан кўра, ундаги исмларни аниқлаш жуда катта машаққат талаб этарди. Академик қаттиқ бетоб бўлиб, шифокорлар унга тўшакдан туришни таъқиқлаб қўйишган эди. Лекин сени шундай қизиқарли иш кутаётган бир пайтда тўшакда михланиб ётиш мумкинми? Ахир, бу ҳужжат Муғ тоғи архивининг сирини бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ҳар қандай тўсиқ ва қаршиликка қарамай, академик институтга қараб шошилди.

Ленинградда Тожикистондаги қазишмаларда қатнашган таниш олимлардан асл нусхани олгунига қадар академик бу арабий ҳужжатда **Ибн Тархун** (Тархуннинг ўғли) ҳақида эшитган эди. Шунинг ўзиёқ ишни бошлашдаги тўғри йўналишни белгилаш учун муҳим бўлди.


Тарихий манбаларда арабларнинг Ўрта Осиёга юришлари даври билан боғлиқ 700-710 йилларда ҳукмронлик қилган ҳукмдор *Тархун* номи тилга олинади. Лекин бу номнинг ҳали шу ҳукмдор эканлигига шубҳа бор эди. Баъзида эса бу исмининг

²⁰ Крачковский И.Ю. Избранное сочинения. Над арабскими рукописями. Москва-Ленинград: Наука, 1955. Том. I. С. 185.

тархон унвони билан қоришиб ишлатилиш ҳоллари ишни янада чигаллаштирар эди.

Ҳужжатдаги сўзлар ва ҳатто, айрим сатрларнинг ўчиб кетганига қарамай, олим уни катта қийинчилик билан ўқий бошлади. И.Ю.Крачковский биринчи қаторни ўқиди: - “.....Оллоҳ номи билан....” кейин эса қандайдир нотаниш исм “Дивасти” (кейинги ўринларда Деваштич (708-722) деб келтирилади). Бу исм эмасми? Минглаб арабий матнларни ўқиган бўлса ҳам, олим бу сўзни илгари учратган эмасди. Агарда бу исм бўладиган бўлса, у қандайдир аслзоданинг исми бўлиши керак. Йўқса, нега *Дивасти* араб ноибига мурожаат қиляпти? Суғдиёна тарихи билан боғлиқ тарихий маълумотларда академик И.Ю.Крачковский бу исмни учратган эмасди.

“Ким ўзи бу *Дивасти*”? – ушбу савол билан академик манбашуносларга мурожаат этди. Лекин бу исм тўғрисида унга ҳеч ким маълумот бера олмади.



Муғ тоғи Абаргар қалъасидаги сарой деворига чизилган ҳукмдор тасвири. Тасвир ҳукмдор Деваштичнинг расми деб тахмин қилинади.

(Қаранг: Беленицкий А.М. Монументальное искусство Пенджикента. Живопись, скульптура. Москва: Искусство, 1973).

Узоқ кунлар, соатлаб И.Ю.Крачковский араб қўлёзмаларининг варақларини ўқиш билан овора бўлди.

Биринчи қатордан шундай сирли бўлса, қолгани нима бўлади? Бу орада академикнинг миясига келган биринчи фикр ат-Табарийнинг асари бўлди. Ахир, Табарий ҳам ўз асарида Ўрта Осиё тарихига, унинг араблар томонидан босиб олинишига бир неча боб ажратган эди-да.

Шарқшунослик институти қўлёзмалар бўлимида И.Ю. Крачковскийнинг саъй-ҳаракатлари билан ат-Табарийнинг ўн икки томлик “Тарих” асари сақланади. Юқорида келтирилганидек, бу ерда Суғдиёна тарихига бағишланган боб мавжуд. Бу бобларда арабларнинг Ўрта Осиёга юришлари, шаҳарларни босиб олиб, ислом динини тарғиб қилганликлари, ибодатхоналарни масжидга айлантирганликлари, араб халифалигининг ривожига учун маҳаллий олим ва моҳир ҳунармандларни олиб кетганликлари тўғрисида гап борарди. Аммо унда *Деваштич* хусусида ҳеч қандай гап йўқ эди.

Лекин ҳали сабр билан қўлёзмани варақлаш керак эди. Табарийнинг асари И.Ю.Крачковскийга *Дивастич* номини ва араблар босқини билан боғлиқ бўлган кўплаб маълумотларни берди. Лекин ҳамон *Деваштич* номи учрамаётган эди. Нима учун айнан суғдийнинг исми? Чунки бундай исм арабда бўлмайди. Бундан ташқари, мактуб Суғдиёна ҳудудидаги қалъадан топилган. Исмнинг мактубдаги маълумотларни англашда калит эканлиги кундай равшан эди. Ҳали изланиш керак.

Кўп ўтмай, И.Ю.Крачковский сирнинг замирига етди. Кутубхонада унинг хурсанд овози эшитилди. – “Дивасти бор”! – хурсандчилигини яширолмаган олим кутубхоначига уни кўрсата бошлади.

Ат-Табарий *Деваштич* тўғрисида гапириб, ал-Мадоиний маълумотларига (афсуски, ал-Мадонийнинг асари бизгача етиб келмаган) таянади. Мадоиний маълумотлари асосида у шундай ёзади: - “.... ва Бунжикат одамлари билан Дивасти Абаргар қалъасига кетди, Корзанж ва Суғд кишилари эса Хўжандга...”.

Кейинги varaқларда Панч ҳукмдори Деваштич ҳақида қатор маълумотлар келтирилади²¹.



Крачковсий Игнатий Юлианович. Академик
(16. 04. 1883 – 24. 01. 1951)

Деваштич Суғднинг *вилоятга* тенг маъмурий бирлиги бўлган Панч ҳукмдори бўлиб, Муғ тоғи қалъаси унинг қароргоҳи бўлиши мумкин. Ҳали бу маълумот асосли эмасди. Бунинг учун мактубнинг қолган қисмини ўқиб чиқиш керак эди. Биринчи қатор кутилгандан ҳам ортиқ қимматли маълумотларни берди.

Панжикент (Панч ҳукмдорлигининг маркази) ҳукмдори Деваштич Араб халифалигининг 717-719 йилларда Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилган ноиб Амир ал-Жарроҳга мактуб йўллаган: - “Муқаддас ва раҳмдил Аллоҳ номи билан. Абдуллоҳ ўғли амир ал-Жарроҳга, унинг мавлоси²² Деваштичдан. Сенга тинчлик ва Аллоҳнинг раҳми бўлсин. Аллоҳ сени ёрлақасин, ундан бошқа илоҳ йўқ....”.

Деваштичнинг амир ал-Жарроҳга мактубининг таржимаси:

²¹ Крачковская В.И. и акад. Крачковский И.Ю. Древнейший арабский документ из Средней Азии // Согдийский сборник. Ленинград, 1934. С. 53-54.

²² *Мавло* - тарихий нуктаи-назардан “бир кишининг бошқа бир кишига яқин боғлиқлигини” билдирган.

1. Меҳрибон ва раҳмдил оллоҳ номи билан.
 2. Абдуллоҳ ўғли, Амир ал-Жарроҳга, унинг мавлоси Дива-
 3. стидан. Эй амир сенга тинчлик,
 4. ва Аллоҳ раҳми бўлсин. Мен сенга Аллоҳни улуғлайман,
 5. ундан бошқа илоҳ йўқ.
 6. Сўнгра -, Аллоҳ амирга йўлласин ва сақласин
 7. уни, мен....²³
 8. амир менинг заруратим ва иккала Тархун фарзандларининг заруриятини , ахир а -
 9. мир, Оллоҳ уни сақласин, Тархуннинг ўғилларини яхшилик учун эслади.
 10. агарда амир қарор қабул қилишни лозим кўрса [ва ёзса]²⁴
 11. Абу-с-Сорийнинг ўғли Сулаймонга, чунки у иккаловини ҳам жўнатсин [амирга],
 12. у ҳолда майли бажарсин. Ёки амир менга хабарчилардан бир от буюрсин,
 13. ва мен у билан иккаловини олиб келиш учун ўз қулимни жўнатай
 14. амирга. Ахир, Аллоҳ амирни оиланинг²⁵ элчиси этди-ку
 15. ёрдам ва раҳм-шафқат.
 16. Ва мен Аллоҳдан сўрайман шунинг учунки, ва сенга тинчлик тилайман, эй амир, ва Оллоҳнинг раҳму-шафқатини²⁶.
- Матндаги исмлари келтирилган шахслар мактубнинг тарихий аҳамиятини очиб беришда катта аҳамиятга эга эди. Матнда тўртта шахс исми тилга олинган бўлиб, *бешинчи* кишининг мактубда келтирилган воқеаларда иштирок этганлиги тахминдир. Мактубдаги икки киши араблар томондан ва икки киши суғдийлардан келтирилган.
- Манбаларда бошқаларига нисбатан кўпроқ маълумот келтирилган шахс **амир ал-Жарроҳ ибн Абдуллоҳдир**. Йирик лашкарбоши бўлган бу шахс халифаликнинг чегара вилоятларида турли маъмурий лавозимларда ишлаган. У


²³ Сақланмаган сўз ўрнида “хабар бердим” ёки “у ҳақда хабар юбордим” сўзлари бўлиши мумкин.

²⁴ Квадрат шаклидаги қавсга олинган сўзлар қўлёзмадан қўчиб кетган ва тахминан тикланган сўзлар.

²⁵ ل - аҳл сўзи “яшовчилар” маъносини ҳам англатиши мумкин. *Аҳоли* сўзи аҳл нинг кўплик шакли.

²⁶ Крачковский И.Ю. Избранное сочинения. Над арабскими рукописями. Москва-Ленинград: Наука, 1955. Том. I. С. 185.

халифаликнинг Ироқдаги ноиб машхур ал-Ҳажжож (660-714) мактабининг вакили бўлиб, унга “ал-Ҳажжож қиличларидан бири” дея таъриф берилгани бежиз эмас.



Панч ҳукмдори Деваштичнинг Амир ал-Жарроҳ ибн Абдуллоҳга мактуби. 718 йил боши ва 719 йил апрели оралиғида ёзилган.

Россия Фанлар академияси Шарқ қўлёзмалари бўлимида сақланади (Санкт-Петербург)

Ал-Ҳажжож даврида амир ал-Жарроҳ Месопотамияда бир қатор вазифаларни адо этган. Қисқа муддат Хуросонни (Ўша пайтларда *Хуросон* тушунчаси кенг маънода қўлланилган. Халифалик ноиблари Марвда турганлар ва Мовароуннахр устидан назоратни амалга оширганлар) бошқарган. Араб халифаларининг унга қарши ҳаракатлари унинг ҳарбий обрўйига таъсир кўрсата олмаган. Амир ал-Жарроҳ Арманистон ва Озарбайжонда муҳим давлат лавозимларида

ҳамда давлат бошқарувида иштирок этган²⁷. Қутайба ибн Муслимнинг ўлиmidан сўнг, Ўрта Осиёда издан чиққан бошқарувни қайта тиклаш мақсадида араблар томонидан 99/717 йилда амир ал-Жарроҳ Хуросон ноиби этиб тайинланган. Ал-Жарроҳ арабларнинг аввалги ҳукмронлигини сақлай олди. Ҳаттоки, араблар ҳокимиятини Сирдарё томонларга ёйишга ҳам ҳаракат қилди. Лекин унинг бу ҳаракатлари муваффақиятсизлик билан тугади. Манбалар асосида айтиш мумкинки, амир ал-Жарроҳнинг халифа билан муносабатлари бузилишига ички сиёсатнинг беқарорлиги сабаб бўлган.

Бу даврда Хуросонда ҳам мусулмон динини қабул қилганлардан маълум солиқ ва мажбуриятлар олинмаган. Бу эса хазинага келиб тушадиган даромадга салбий таъсир кўрсатган. Шунинг учун унга ҳамма халифа ва ҳукмдорлар ҳам риоя этмаган. Умар II даврида бир қатор шикоятлардан сўнг, бу тўловлар тўхтатилган. Сўнгра Амир ал-Жарроҳ исломга ўтишни янада қийинлаштирадиган талабларни жорий қилди. Жумладан, исломни қабул қилганларнинг **суннат - хатна** қилиниши кўпчиликнинг норозилигига сабаб бўлди. Бу, ўз навбатида, халифанинг норозилигига ҳам сабаб бўлди ва 100/719 йилнинг апрелида Хуросон ҳукмдори ўз лавозимидан четлаштирилди²⁸. Халифа Хуросондаги мусулмон бўлмаган маҳаллий аҳолига нисбатан келишув асосида иш кўришни маъқул кўрган бир шароитда амир ал-Жарроҳ бу ҳудудни фақат қилич ва тиг билан бошқариш мумкин дер эди. Уларнинг бу борадаги фикрлари бир жойдан чиқмади.

Мактубдаги иккинчи шахс *Сулаймон ибн Абу-с-Сорий* бўлиб, у *Уваф* қабиласининг мавлоси эди. Ал-Мадоиний келтирган маълумотлар асосида унинг қариндоши бўлган Абу-с-Сорийни Хуросон ёки Марвдан эканлигини ҳисобга олган ҳолда Сулаймоннинг келиб чиқиши араблардан бўлмаган деган

²⁷ 730 йилда Мардж Ардабил (Ардабил - Эроннинг шимолий-шарқдаги шаҳар) жангида амир ал-Жарроҳ ҳалок бўлган (Қаранг: Крачковская В.А. Эволюция куфического письма в Средней Азии / Эпиграфика Востока. Москва: Изд. АН СССР, 1949. Вып. 3. С. 3).

²⁸ Крачковская В.И. и акад. Крачковский И.Ю. Древнейший арабский документ из Средней Азии // СС. Ленинград, 1934. С. 53-56.

хулосага келиш мумкин. У асли мусулмон динини қабул қилган суғдий ҳам бўлиши мумкин.

101/719/720 йилларда Сулаймон ибн Абу-с-Сорий Самарқандда пайдо бўлади. Лекин қайси лавозимда эканлиги маълум эмас. Халифа Умар томонидан унга карвонсаройларни ташкил этиш ва почта хизматини йўлга қўйиш мазмунидаги мактуб йўлланган²⁹. Бу эса унинг юқори лавозимда эканлигидан далолатдир. 104/722-723 йилда халифаликнинг бу ердаги бошқаруви Саид ал-Хароший қўлига ўтгач, унинг буйруғи асосида Сулаймон бир қатор Суғд қалъаларини талайди ва босиб олади. Жумладан, мактубда келтирилган Деваштич қароргоҳи ҳам босиб олинади. Кўп ўтмай, у Кеш ва Насаф ҳукмдорликларининг бошқарувига масъул этиб тайинланади. 110/728-729 йиллар унинг солиқ ва тўловларга масъул бўлганлиги тўғрисида маълумот келтирилади. Лекин Табарий маълумотларида у ҳақда ҳеч нарса дейилмаган. У араблар вакили сифатида Мовароуннаҳр ва Хуросонда фаолият олиб борган³⁰.

Мактубда тилга олинган иккала суғдий шахс ҳам араб манбаларида кам тилга олинган. Тархуннинг фарзандлари (ёки ўғиллари) тўғрисида манбаларда маълумот келтирилмайди. Бу икки шахснинг воқеалардаги роли тўғрисида мактубдаги жараёнларни кузатиш асносида тахминий тўхтамга келиш мумкин. Тархун номи *тархон* унвони билан қориштириб талқин қилинганлиги учун тарихий ҳақиқат бузилган ва бу номлар киши номи ёки унвон эканлиги яқин кунларгача ноаниқ қолган эди.

²⁹ Крачковская В.А. Эволюция куфического письма в Средней Азии / ЭВ. Москва: Изд. АН СССР, 1949. Вып: 3. С. 4-5.

³⁰ Камалиддинов Ш.С. Из истории Арабских завоеваний в Средней Азии: к биографии Сулеймана ибн Абу-с-Сари / Цивилизация скотоводов и земледельцев Центральной Азии. Самарканд-Бишкек: МИЦАИ, 2005. С. 203-209.



Суғд ихшиди Тархун (700-710) тангаси.
(Қаранг: [zeno.ru #299469](https://zeno.ru/#299469))

Ушбу масала юзасидан Муғ тоғи суғдий хужжатларининг талқин қилинишида баъзи камчиликларга йўл қўйилганига дуч келиш мумкин. Ҳолбуки, ёзилиши жиҳатдан бир-бирига яқин сўзларни талқин этишдаги бирор хато тарихий ҳақиқатни бузиши мумкин. Мисол учун Беруний Самарқанд ҳукмдорларининг унвонини *тархун* деб келтирган бўлиб, бир қатор араб тарихчиларининг келтирган маълумотларида, жумладан, Табарийда Деваштич *тархонлар* бошлиғи сифатида тилга олинади³¹. Ҳақиқатдан ҳам қуйида кўриб ўтилганидек, бу сўзларнинг арабча ёзилиши бир-бирига жуда яқин. Айтилишда улар қарийб бир хил эшитилади. *ناخرط* ва *نوخراط* сўзларининг араб графикасидаги ёзилиш хусусиятлари уларни чалкаштирувчи *و* ҳарфи тарихий ҳақиқатни бузиб бошқа маънони англатадиган даражада талқин этилишига олиб келган. Бу эса суғдий ёзма ёдгорликларда *тархон* унвони мавжудлигидан далолат беради. Жумладан, Муғ архивининг А-13 рақамли хужжатида “*Панжикент божкироми (бож олувчиси / солиқ йиғувчиси) ва халқидан тархонга*” хабар юборилгани ҳақида маълумот учрайди³².

³¹ Беруний, Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар / А. Расулов тарж. Танланган асарлар. 1-жилд. Тошкент: Фан, 1966. Б. 129-130.

³² Исҳоқов М. Унутилган подшоликдан хатлар. Тошкент: Фан, 1992. Б. 26-28.



А-13. Панжикент солиқ йиғувчиси ва халқидан Тархонга юборилган хабарнома.

*Россия ФА Шарқ қўлёзмалари институтида сақланади
(Санкт-Петербург)*

Суғдий А-13 ҳужжатидаги хат тегиши лозим бўлган кишининг исми эмас, фақат унинг лавозими айтилган бўлиб, “тархон” деб ўқилади. Қадимги туркча “тархон” сўзи ижтимоий-ҳуқуқий мақом, амал, лавозим номи сифатида кенг маълум. Хусусан, Турк хоқонлиги даврида ушбу унвон хоқонлик марказий бошқарувида кенг қўлланилиши баробарида вассал ҳукмдорликларда ҳам тарқалган эди. Жумладан, Чочда *Инал тархон* (650-йй.), Фарғонада *Арслон тархон* (740-йй.) ва ҳоказо.

Ўрта асрларда солиқ ва бошқа мажбуриятлардан озод қилинган ижтимоий табақа ҳам шу унвон билан аталган. Тадқиқотларда бу унвон Суғд ихшидининг номи Тархун (700-710) билан чалкаштириб келинган. В.А.Лившицнинг кўрсатишича, чалкашлик араб графикасида бу икки сўзнинг ёзилиши ва талаффузи яқинлиги туфайли рўй берган³³. Шу муносабат билан “Осор ул-боқия» асарида *نوخراط* – Самарқанд подшоларининг унвони, деб кўрсатилиши, Берунийнинг бу

³³ СДГМ II. С. 67.

масалада араб манбаларидан хабардор бўлганлигидан далолат беради.

Шу ўринда *дархон* унвонига ҳам изох бериш ўринлидир. *Дархон* (мўғулча – темирчи, косиб, озод киши) – Чингизхон ва унинг ворислари даврида ҳукмрон синф вакилларига, оддий халқ орасидан чиқиб, ҳокимларга алоҳида хизмат учун берилган унвон. *Дархонлик* имтиёзига эга бўлган киши ҳар қандай солиқ ва мажбуриятлардан озод қилинган, улуғ хон ҳузурида бўлиш ҳуқуқидан ҳам фойдаланган. Ундан ташқари, *дархонлар* жиноят қилиб қўйганда ҳам, бундай жиноят 9 марта содир бўлгунча жавобгарликка тортилмаган. *Дархонлик* мўғуллар, темурийлар ва шайбонийлар даврида Мовароуннаҳр ва Яқин Шарқда кенг тарқалган эди³⁴.

Бир сўз билан айтганда *дархон* ва *тархон* унвонлари қайси даврда бўлмасин жамиятда маълум хизматлари эвазига ҳукмдорлар томонидан берилган имтиёзли унвон саналган. Фақатгина тадқиқ этилаётган давр манбаларида бу унвон *тархон* шаклида бўлганлиги учун уни шу шаклда ишлатиш ўринли ҳисобланди.

Балазурий маълумотларида эроний ҳукмдор Яздигирднинг Марв яқинидаги ҳалокати баёнида *тархон* унвонига эга бўлган *Низак-тархоннинг* номи тилга олинган. Албатта у суғдий эмас, туркий бўлган. *Тархун* ҳукмдор сифатида гоҳида араблар билан келишиб, гоҳида уларга қарши чиққан ва оқибатда фитна натижасида ўлдирилган ёки жонига қасд қилган. *Тархон* унвони эса ўрта асрларда маълум имтиёзларга эга бўлган, солиқлардан озод қилинган кишиларга берилган. Баъзида эса алоҳида шахс сифатида ҳам ишлатилган. Масалан, Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Узлуғ Тархон Фаробий. Бу ерда Фаробийнинг бобоси Тархон исмли шахс эканлиги келтирилаяпти. *Тархун* исмининг унвон билан алмаштириб айтилишига асос бўлмасанда бу ҳол такрорланаверган.

Тархун арабларнинг Ўрта Осиёга юришлари даврида ва воқеа жараёнларида катта роль ўйнаган. Араб халифалиги

³⁴ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2002. Б. 210.

кучларига қарши ўн йил давомида уруш олиб борган. Табарий асаридаги 85/704 йиллар баёнида Тархуннинг Мусо ибн Абдуллоҳга қарши курашганлиги ҳақида маълумот келтирилади. Хитой манбалари асосида айтиш мумкинки, Тархуннинг тарих саҳнасига келиши анча олдинги даврга яъни 696 йилга бориб тақалади. У тўғрисида алоҳида маълумот эса 88/707 йилда Қутайбанинг Бухорони эгаллаши баёнида келтирилади³⁵.

Табарийнинг ёзишича келишув ва шартномалар 90/709 йилга тўғри келади. Бухоронинг араблар томонидан эгалланишининг тарихий санаси борасида манбаларда баъзи қарама-қаршиликлар мавжуд. Кейинчалик бу шартнома Тархуннинг ўлимига сабаб бўлган. Кейинги йилда Қутайба укаси Абдурахмонни Самарқандга Тархундан бож олиш учун жўнатади ва Тархун унга бож тўлайди. Орадан кўп вақт ўтмасдан, Тархун яқин кишилари томонидан тахтдан ағдарилган ва ўз жонига қасд қилган ёки ўлдирилган бўлиши ҳам мумкин. Лекин Ёқубий берган маълумотларда Тархунни ўлдирган деб келтирилади³⁶.

Самарқанд ҳукмдорлари бўлмиш Тархун ва муносабатлари турли даражаларда ўзгариб турганлиги маълум. Тарихчиларнинг фикрларига кўра, 93/711-712 йилда Самарқанд араблар томонидан эгалланганидаёқ уларнинг ҳокимиятини тан олиши керак эди. Лекин у араблар таъсирини оғизда тан олган бўлса-да, амалда Хитойдан ёрдам сўраганлиги тўғрисида мактуб сақланиб қолган. Бу эса баъзида нинг хатоси сифатида тилга олинади³⁷.

Воқеаларни бир-бирига боғлаб турган *Деваштич* исми тарихга биринчи мартаба ушбу арабча ҳужжат талқини натижасида кириб келди. Мазкур исм араб манбаларида бўлган бўлса-да, ундан хабардор бўлмаганмиз. Бу исм шунчалик бузиб ишлатилган эдики, шу давр тарихи билан шуғулланган

³⁵ Мухаммад Наршахи. История Бухары / перевод с персидского Н.Лыкошинь. Ташкент, 1897. С. 15-17.

³⁶ Bibliotheka geograforum arabikorum edidit M.J.De.Goeje. I-III. Lugduni Batavorum, I, Viae regnorum..... auctore Abu Ishak al-Istakhri, 1870; III, Descriptio imperii moslemiki auctore.... Al-Mokaddasi, 1877. P. 269.

³⁷ Kurat A.N. Kuteybe bin Muslim'in Hvarizam ve Semerkend'i zabti (higri 93-94 – miladi 712) // Ankara Universitesi Dil ve Tarih – Geografi dergesi. Cilt VI. №4. S. 407.

тадқиқотчилар ҳам уни ўзларининг тадқиқотларида келтирмаганлар.

Л.Каэтани маълумотларида унинг исми биринчи маротаба келтирилиб, у *Дивашни* тарзида талқин қилинган. Араб шоири Собит Кутнийнинг шеърида исм қисқартирилган шаклда берилган. Афтидан бу исм тарихи масаласида асосий манба Табарий маълумотларидир³⁸. Бошқа бу давр тўғрисида маълумот берганлар (Ибн ал-Асир, Ибн Хавқал, Ибн Хурдодбех, Балазурий) бу жараёни қисқартириб, одатда *Деваштич* исмини қайд этмаганлар³⁹.

Деваштич шахси унинг тарихда тутган ўрни борасида манбалар бизга етарлича маълумот бера олмайди. Хужжатда у ўзини ҳеч қандай маънони англатмайдиган *мавло* деб келтиради. Бу жараёнда у фақат арабларнинг саркардасини тан олган ҳолда келтирилган. Табарийнинг китобида у “Самарқанд деҳқони” деб тилга олинади⁴⁰. Унинг сўнгги тақдири *Абаргар* қалъаси билан боғлиқ экан унда бу маълумотлар ўқувчида чалкашлик туғдиради. Деваштич йирик ер эгаси, мулкдор шахс бўлган. Муғ тоғи суғдий хужжатларида унинг унвонини аниқлаш қийин. Чунки Суғд подшоси билан унинг унвони бир хил (бу ҳақда қуйида тўхталамиз). Дастлабки тадқиқотларда бу ҳол тадқиқотчиларнинг иккиланиш ва чалкашишларига сабаб бўлди. Лекин кейинги давр изланишлари натижасида маълум бўлдики, ва Деваштич Самарқанд тахти учун кураш олиб борганлар. Бу даврда **қўшҳокимиятчилик** мавжуд бўлган.

Арабий манбада келтирилган Деваштич билан боғлиқ воқеалар унинг ўлими сабабларини тушунишга ёрдам беради. Ушбу хужжат ёзилгач, орадан уч йил ўтиб Деваштич хуфёна ўлдирилади. Амир ал-Жарроҳ арабларнинг Ўрта Осиёдаги мавқеини ушлаб туриши мумкин бўлган. Лекин Қутайбанинг ўлиmidан сўнг арабларнинг Ўрта Осиёдаги мавқеи хавф остида эди. Эндиликда маҳаллий халқни бўйсундира оладиган

³⁸ История ат-Табарий / Перевод с арабского В.И. Беляева. Ташкент: Фан, 1987. – 439 с.

³⁹ Bibliotheka geograforum arabikorum edidit M.J.De.Goeje. I-III. Lugduni Batavorum, I, Viae regnorum. ... auctore Abu Ishak al-Istakhri, 1870; III, Descriptio imperii moslemiki auctore.... Al-Mokaddasi, 1877. P. 271.

⁴⁰ Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. Тошкент: ART-FLEX, 2010. Б. 67.

каттиққўл саркарда керак эди. Натижада 103/721 йилда ўзининг шафқатсизлиги билан ном қозонган Саид ал-Хароший ноиб этиб тайинланди.

Суғдиёналиклар учун унинг қисқа муддатли ҳукмронлиги йирик “жазо экспедиция”си бўлди. Бу даврда Суғднинг бир қисм аҳолиси арабларнинг таъсири кам бўлган ёки араблар таъсири остида бўлмаган ҳудудларга кета бошлади. Аҳолининг асосий қисми нинг маслаҳати билан Турк хоқонлигининг назоратида турган **Фарғонага** кўчиб ўтишди⁴¹.

Яна бир қисм аҳоли эса Саид ал-Харошийга бўйсунитишни хоҳламай, Самарқандни тарк этиб **Хўжанд** сари юзланадилар. Улар Хўжанд ҳукмдоридан ўзларига паноҳ сўраб борадилар⁴². Бу даврда Суғд ҳукмдори бўлган ноилож ўзини араблар томонида қилиб кўрсатса-да, қулай фурсат топиб бундан қутилиш пайида бўлган кўринади. Бир неча маротаба у арабларга қарши **Хитойдан** ёрдам сўраб элчи юборгани шундан далолат беради.

Мактубда қайд этилган шахслар маълум бўлгач, ундаги воқеаларнинг таҳлили мактубда акс этган воқеаларни тўлиқ англаш имконини беради.

Мактуб бошланишидан маълумки, Деваштич ўзини араб маъмуриятига мусулмон қилиб кўрсатган. Умар II даврида араб маъмуриятининг **исломлаштириш** сиёсати халифаликнинг чегара ҳудудларига қаратилган эди. Бу сиёсат олдин қўлланилган бўлиб, у яхши самара берган эди. Шунинг учун ҳам араблар Деваштичдан ислом динини қабул қилишни талаб қилган бўлишлари табиий ҳолдир. Бас шундай экан Деваштичнинг ўзини мусулмон қилиб кўрсатиши ҳам тасодифий эмас. Буни билган ҳам Умар II га элчи юбориб ўзини унинг динида эканлигини кўрсатиш орқали ўз ҳокимиятини сақлаб қолишга ҳаракат қилган. Воқеалар жараёнининг қизиқ жиҳати шундаки, халифага элчи орқали мактуб жўнатиш билан бирга Хитой императорига ҳам

⁴¹ Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. Москва: Наука, 1970. С. 242.

⁴² Исҳоқов М.М. Суғдшуносликнинг айрим масалалари // Марказий Осиё тарихи: манбашунослик ва тарихнавислик изланишлари. Илмий тўплам. Тошкент, 2009. Б. 4-13.

арабларга қарши ёрдам сўраб мактуб жўнатган. Бу эса исломни қабул қилиш фақат мақсад ёки манфаат йўлидаги бир дипломатик қадам эканлигини кўрсатарди. Суғд ҳукмдори исломни қабул қилганидан кейин орадан юз йилдан кўпроқ вақт ўтгач, яъни халифа ал-Мутаъсим даврида Самарқандда ислом динини ёйишга ҳаракат давом этгани маълум. Бу ҳол маҳаллий халқ узоқ муддат ўз динида қолишга ҳаракат қилганини кўрсатади. Демак Деваштич ҳам ислом динини ўз мақсади йўлида номигагина қабул қилган.

Деваштичнинг саройида мусулмон дини ва араб мактуботидан хабардор котиб бўлган. У араб тилли ёзишмалар услубини яхши билган. Масалан, мактубнинг 4-чи қаторидаги “Мен сенга Аллоҳни улуғлайман” каби жумла ўша даврга тегишли араб мактубларида ҳеч учрамайди⁴³. Ушбу кичкинагина сўз санъати араблар билан Деваштич муносабатларига илиқлик бағишлаган..

Юқорида келтирилганидек, ҳужжатда Деваштич ўзини оддий *мавло* деб келтиради. Бу сўзни “мижоз” деб таржима қилиш мумкин. Ушбу ўринда “*мавло*” ва “*маволий*” атамаларига тўхталиб ўтиш жоиз кўринади. Араблар Ўрта Осиё ҳудудига илк юришларини **Эрон орқали** амалга оширган. Ушбу мамлакатнинг шимоли-шарқида жойлашган Хуросон ўлкасида ислом динини қабул қилган ғайриараб маҳаллий аҳоли “арабларга тобе бўлди” ёки “арабларга эргашди” маъносида “*маволий*” деб юритилган⁴⁴. Аслида, ушбу сўз тарихий нуқтаи-назардан “бир кишининг бошқа бир кишига яқин боғлиқлигини” билдирган.

Айниқса, араблар босқини даврида *маволик* мақомидаги кишилар араблар учун керак бўлган. Шунинг учун раблар Самарқандни бошқаришда маҳаллий ҳукмдорлар ва халқ билан яхши муносабатда бўла оладиган киши сифатида Деваштични Суғд ҳукмдори сифатида тан олган бўлсалар керак. Самарқандга юриш мақсадида Қутайба ҳам Тархунни ўзининг

⁴³ Крачковский И.Ю. Избранные сочинения. Над арабскими рукописями. ... С. 185.

⁴⁴ Мамадалиев Х. М. Этническое положение в Средней Азии в IX – XII вв. (на основе материалов арабоязычных источников): Автореф. дисс. на соиск. учен. степ. канд. ист. наук. Ташкент, 2010. – 28 с.

ҳимояси остидаги мавло деб эълон қилганини эслаш кифоя. “Мавло” сўзининг чалғитувчи хусусиятга эга эканлиги юқорида фикрлар орқали маълум бўлади.

Мактубда “почта” (*ал-барид*) атамасининг келтирилган. **Почта** хизмати уммавийларнинг дастлабки даврлариданок маълум. Араблар халифаликнинг чегара ҳудудларида ҳам *почта* хизматини кенг ўрнатишга ҳаракат қилгандлар. Халифа Умар II Самарқанд бошқарувчиси Сулаймонга ёзган мактубида у ерда *почта* хизматини яхшилаш ва мустаҳкамлашни топширгин бежиз эмас эди. Мактубда почта билан бир вақтда Тархуннинг ўғиллари ҳам тилга олинади⁴⁵. Бу эса Тархун фарзандларининг бу жараёнда қандай рол ўйнаганликлари ҳақида саволни кўндаланг қўяди. Уларга нисбатан ишлатилган оҳангдан ғамхўрлик ва қайғуришлик сезилиб турибди. Уларнинг душман эмасликлари сўзсиз аниқ. Мактубда сўз бораётган Тархуннинг ўғиллари афтидан жуда ёш бўлиб, уларни махсус қул орқали жўнатишга алоҳида эътибор қаратилганлиги бежиз эмас.

Тархуннинг ўлими ҳижрий 91 йилга тўғри келадиган бўлса, ҳижрий 100 йилда унинг ўғиллари 10-11 ёшда бўлган. Тархун ўғилларининг араблар томонидан тахтга муносиб **даъвогар сифатида** кўрсатилиши, энг аввало қа қарши қаратилган эди. Бундан ташқари, араблар нинг Хитой билан муносабатларидан хабардор бўлган бўлишлари мумкин. Кейинги тадқиқотлар натижасида Деваштичнинг фаолияти бу тахминларга ойдинлик киритди. Яъни, араблар Ғўракка ишонч билан қарамаганлари сабабли Деваштични қўллаб-қувватлагандек сиёсат юритган лар.

Ҳозирги кунга қадар мактубнинг кимнингдир буйруғи асосида жўнатилганлиги масаласи очиқлигича қолмоқда. Агарда жўнатилган бўлса, нима учун мактуб ёзилган жойидан топилаяпти. Мактубнинг ташқи кўриниши ўрганилганда унинг жўнатишга тайёрланганлиги маълум бўлади. Ал-Жарроҳ қисқа муддат ҳукмронлик қилган ва Деваштич унинг ҳокимият

⁴⁵ СДГМ II. С. 63-68.

тепасидан кетганлигини эшитгач, мактубни архивга ташлаб қўйган бўлиши мумкин. Бу борада бошқа фикр ҳам бор. Суғд ҳужжатчилигида маҳкамада ёзилган ҳар қандай ҳужжатдан нусха олинганлиги маълум. Деваштичининг ал-Жарроҳга жўнатган мактубидан ҳам нусха олинган бўлиши табиий.

Ҳужжатнинг ички қисмидаги тушунарсизликларни ҳисобга олмаганда, воқеалар жараёнининг қайси даврга тегишли эканлиги маълум.

Арабларнинг Ўрта Осиёга юришлари аста-секинлик билан ва бир вақтнинг ўзида кучли стратегия асосида олиб борилди. Араблар босиб олган мамлакатлар орасида Ўрта Осиё маданий жиҳатдан энг илғор ва уларга жиддий қаршилик кўрсатган ҳудуд бўлиб, бу ерни босиб олишга жуда катта куч сарфланган. Араблар Шимолий Африкани босиб олганларида *берберлар* уларга ана шундай жиддий қаршилик кўрсата олганлар. Арабларнинг Ўрта Осиёга юришлари арафасида бу ерда Турк хоқонлигининг таъсири нисбатан пасайган эди. Мамлакат майда ҳукмдорликлардан иборат **конфедератив** тузилма шаклидаги бошқарувга асосланган эди. Маҳаллий ҳукмдорлар ўз номларидан танга пуллар зарб қилганлар. Мамлакатнинг асосий даромади Хитой билан олиб бориладиган савдодан келган⁴⁶.

Арабларнинг босқини эса мувозанатни бузиб, бир муддат савдо тараққиёти ва ҳунармандчиликни издан чиқарди. Ҳарбий жиҳатдан эса Суғд Самарқанд босиб олингач (93/711-712), эгалланди (Панч ҳукмдорлигини инобатга олмаганда). Буни ҳарбий ҳаракатларнинг якуни дейиш хато албатта. Самарқанд эгаллангач, орадан уч йил ўтиб (715 й.) Қутайба Фарғонада исёнчи сифатида ўлдирилгандан сўнг ҳарбий ҳаракатлар қисман тўхтайди. Кейинги жангларда арабларнинг натижалари камроқ бўлиб, ҳаттоки ҳарбий ҳаракатлар маҳаллий қўзғолончилар фойдасига ҳал бўлаётган эди.

Эндиликда Ўрта Осиё устидан арабларнинг ёки Хитойнинг ўз ҳукмронлигини ўрнатиши масаласи яна муаммоли бўлиб

⁴⁶ Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах обитавших в Средней Азии в древние времена. Москва-Ленинград: АН ССР, 1950-1953: Том. II. 1950. С. 271.

қолаверди. Бундан ташқари, Хитой ва Араб халифалигига қарши маҳаллий сулолалар ҳам Суғдни ўз мулклари қилиб олишга ҳаракат қилаётган эдилар. Араблар мустамлакачилик бошқарувига хос бўлган сиёсат юритиб, қўлга киритилган ҳудудларда ўзларининг ноибларини қўйиб мамлакатни бошқарганлар. Маҳаллий зодагонларнинг катта қисми Хитойга нисбатан арабларга кўпроқ мойиллик билдиришга ҳаракат қилдилар. Чунки араблар уларни кўпроқ қўллаб-қувватлар эди. Хитойнинг эса ҳақиқий ёрдамига ишонч йўқ эди. Шунинг учун ҳам арабларга муҳолифатда бўлиш фойдали эмасди. Бу асос эса зодагонларни араблар билан келишувга ундарди. Бунга Тархун ва нинг араблар билан келишувини мисол қилиш мумкин. Тархун араблар билан келишишга унчалик ҳам кўнмагани учун тахт тепасида кўп вақт тура олмади ва аксинча эса улар билан келишиб 738 йилгача умрининг охирига қадар тахт тепасида турган.

Ўрта Осиё тарихи тўғрисида араб манбалари етарлича ва улар кўп жиҳатдан ўрганилган. Ушбу манбалар юзасидан турли даврларда В.В.Бартольд Ю.Вельхаузенлар тадқиқот олиб борганлар. Х.А.Гиббнинг арабларнинг Ўрта Осиёга босқини тўғрисида махсус монографияси ҳам мавжуд⁴⁷. Бу олимлар араб манбаларидаги маълумотлар асосида тадқиқот олиб борганлар. Араб манбаларидаги маълумотлар йилнома тарзида берилган бўлса-да, қайта-қата кўриб чиқишга ва илмий талқинга муҳтож.

Бироқ манбалардаги баъзи маълумотлар ҳозирги кунда ҳам қимматли ҳисобланади. Жумладан, қўлимиздаги ҳужжатда келтирилган *Деваштич* номи ва унинг араблар билан сўнгги жанги бўлган Қум қишлоғи тўғрисидаги маълумотлар баъзи тахминларни йўқ қилиб, аниқ илмий хулосани беради. Чунки ҳозирда ҳам Қум қишлоғи бор ва унинг юқори қисмидан Деваштичнинг архиви топилган. Шунинг учун ҳам Ўрта Осиё тарихи хусусида ушбу тарихий ҳужжатнинг аҳамияти беқиёсдир ҳамда Деваштич исми – тадқиқ қилинаётган жараёнлар учун ўзига хос **калит** вазифасини бажаради.

⁴⁷ Gibb H.A.R. The Arab conquests in Central Asia. – London, 1923.

СУҒДА КЎШҲОКИМИЯТЧИЛИК (Деваштичининг Суғд тахтига даъвоси масаласи)

Араб халифалиги кучларига қарши курашган ватанпарвар шахслардан бири Деваштич бўлганлиги юқорида таъкидланди. Деваштич томонидан йўлланган кўпгина мактубларда у ўзини *šwδyk MLK' sm'rkndč MRY' δuw'stys* – “Суғд подшоси Самарқанд ҳукмдори Деваштич” деб атайдди.

Муғ тоғидан топилган В-4 ҳужжатида ҳам “Суғд подшоси Самарқанд ҳукмдори” деб мактуб юборилганлиги маълум. Бу ўз навбатида Деваштичининг маълум вақт Самарқанд ҳукмдори бўлганлигини билдиради. Деваштичининг ўз-ўзини эмас, балки унинг номига йўлланган мактубларда унга нисбатан ана шундай мурожаат қилинган. I.1 рақамли Абдурахмон ибн Субҳнинг (Абдурахмон ибн Субҳ 720-721 йилларда Суғда фаолият олиб бориб, Саид Хорошийнинг Деваштич фаолиятини назорат қилиб турувчи вакили бўлган) мактубида Деваштичга ана шундай мурожаат шакли ўрин олган.

Деваштичдан олдин тахтни бошқарган Ғамаукийон, Чакин чур Билга қариндош бўлишмаган. Бу эса Панчда тахт наслдан-наслга ўтмаган деб тахмин қилишга имкон беради. Шундай экан сулолавий бошқарув ҳам мавжуд бўлмаган. Лекин Панч ҳукмдорларининг сулолавий жиҳатдан бир-бирига боғлиқликлари тўғрисида маълумотлар ҳам йўқ эмас.



Бичут

#299194

Чакин чур Билга

20331

Нандибанпан

#81165

Тадқиқотчилар Деваштичининг келиб чиқишини суғдий ҳисоблаш билан биргаликда, унинг бир тармоғи туркийларга бориб тақалишини ҳам илгари сурадилар. Баъзи маълумотларга

кўра, Деваштичнинг аждодлари Баҳром Гўр (421-438) асос солган “*Микола хонадони*”га бориб тақалади. В.А.Лившиц Деваштичнинг отаси *Ywδ'γšytk=Yōδxšētak – Йодхшетак* исмини сўзма-сўз таржима қилиб “**жангда ярқираган, порлаган**” шаклида ўгириб, ушбу исмни эроний тил гуруҳига мансуб деб таъкидлайди. Айти тадқиқотчи манбаларда келтирилган Деваштич шажарасида *Шур* исми учраши, бу эса туркий “*чур*” унвонига алоқадор эканлигини ёзади⁴⁸. Шу тариқа, Деваштичнинг эронийлашган “*чур*”лар сулоласига мансуб десак, у ҳолда В-14 ҳужжатида кўра, Деваштич Йодхшетак ўғлининг туркий Чакин чур Билгадан сўнг, 708 йилда Панч ҳукмдорлиги тахтига келиши тасодиф эмаслиги аён бўлади.

Нумизмат олима О.И.Смирнова Панч ҳукмдорлари орасидаги сулолавий боғлиқликни улар томонидан зарб қилинган тангалардаги сулолавий тамға-белгиларга асосланган ҳолда изоҳлашга ҳаракат қилади⁴⁹. Тангалардаги сулолавий белги - тамғалар ҳукмдорлар ўртасидаги наслий боғлиқликни ифодалаган бўлиб, бу белгиларда айрим қўшимчалар билан шаклий жиҳатдан ўхшашлик кўзга ташланади. Бу эса давлат рамзларидан бири бўлган тангалардаги белги-тамғаларнинг сақлаб қолишга ҳаракат қилинганлигидан далолат беради. Шунга ўхшаш фикр Дж.Я. Ильясов томонидан илгари сурилиб, тадқиқотчи тангалардаги белгиларни эфталийлар даврига тегишли бўлиши мумкин деб ҳисоблайди⁵⁰.

Панч ҳукмдорлари томонидан зарб қилинган тангалардаги тамғаларда туркий тамға элементлари учрайди. Бу эса Чакин чур Билга ва Ғамаукийон (Амоғйан) ўртасидаги муносабатларни ойдинлаштириб, Чакин чур Билга Ғамаукийоннинг вориси бўлган, деб ҳисоблашга имкон беради.

⁴⁸ Лившиц В.А. Правители Панча // НАА. Москва, 1979. № 4. С. 27-32.

⁴⁹ Смирнова О.И. О титуловании согдийских правителей. Москва: ИВЛ, 1962. С. 393-398.

⁵⁰ Ильясов Дж.Я. Об этнической принадлежности правителей Пенджикента // Нумизматика Центральной Азии. Вып. VIII. Ташкент, 2004. С. 58-59.



Амогйан (Қаранг: zeno.ru #18743)

О.И.Смирнова Деваштични *подшо* бўлган деб кўрсатиб, “*pncu MR’Y*” унвонини этимологик жиҳатдан таҳлил қилишга ҳаракат қилган. Олима ҳужжатлардаги *βutyk* сўзини туркийча “*qutluγ*” сўзи билан солиштириб, уни мазмунан «бахтли» маъносини англатади деб изоҳлаган⁵¹. Шу ўринда Деваштич исмининг мазмуни тўғрисида тўхталиб ўтиш лозимдир. Аз-Забидийнинг “Таж ал-арус” (“Келинлик тожи”) асарида *Деваштич* исмига тўхталиб, уни “Жин билан” деган маънога эга эканлиги тўғрисидаги фикр келтирилади. Бошқа бир манбада эса Деваштич – “ҳаракатчан” дегани эканлиги таъкидланади⁵².

Суғдий манбаларга асосланган В.А.Лившиц Суғднинг VII аср охири – VIII аср бошларидаги ҳокимлари масаласига тўхталиб, Деваштич “Суғд подшоси Самарқанд ҳукмдори” унвони билан иш кўрган икки йилни 717-719 йиллар билан белгилайди⁵³. Зеро, А-14 ҳужжатининг ёзилган санаси ҳам шу икки йилдан бирига тўғри келади, деб кўрсатади. М.М.Исҳоқов ҳам бу фикрни маъқуллайди. А.Отахўжаев эса Деваштичнинг Суғд тахтига даъвосини 712-714 йилларга тўғри келади деб ҳисоблайди⁵⁴. Юқорида келтирилган фикрларни асосли деб қабул қилган ҳолда айтиш жоизки, Тархун вафотидан (710 й.) кейин доимий равишда Деваштич Суғд тахтига ўз даъвосини намоиш этиб турган. Тархуннинг ўғиллари унинг тахтга даъвосига баҳона бўлган.

⁵¹ Смирнова О.И. О титуловании согдийских правителей. Москва: ИВЛ, 1962. С. 393-398.

⁵² Лившиц В.А. Правители Панча // НАА. Москва, 1979. № 4. С. 27-29

⁵³ СДГМ II. С. 58.

⁵⁴ Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. ... Б. 129.

Турли йилларда ёзилган ҳужжатлар мазмунидан Деваштичга турлича унвонлар билан мурожаат қилинганлиги аён бўлади. Уларнинг бирида Деваштичга “Суғд подшоси, Самарқанд ҳукмдори”, яна бирида эса “Панч ҳукмдори” сифатидаги мурожаат шакли учрайди. Бу эса Деваштич ўз ҳукмронлигининг маълум босқичида Суғднинг марказий ҳокимиятига даъво қилганлиги билан изоҳланади. Деваштич “Панчи хвабу” деб аталган ҳужжатлар сонининг нисбатан кўплиги эса, бу ҳукмдорликда маҳаллий ҳокимият араб истилоси пайтларида ҳам бир қадар барқарор бўлганидан далолат беради. Бир сўз билан айтганда, Деваштич араблар кўшинига қарши мустақил сиёсат олиб борган.

Деваштич даврида Панч ҳукмдорлиги Суғд марказий ҳокимиятига ва Турк хоқонлигига нисбатан нисбий автономиясини баъзи бир ҳолларда намоёниш эта олганлигини айтиш жоиз, Турк хоқонлигининг сиёсий бошқаруви мавжудлигини ва асосий ҳукмрон куч эканлигини инкор этмаган ҳолда. Хусусан, бу Панч ҳукмдорларидан бирининг исми (шу ўринда Чакин чур Билгани эслаш кифоя), унвонлар тизими (*чўр, тархон*), танга зарби ва ҳоказоларда ўз тасдиғига эга.

Панжикент шаҳри харобаларида олиб борилган тадқиқотлар натижасида мингдан ортиқ тангалар топилган. Тангаларда Панжикент ҳукмдорларининг номлари ўрин олган. Бу тангаларни тадқиқ этиш натижасида **аёл ҳукмдорлар** ҳам Панжикент тахтида ўтирганлиги маълум бўлди. Шу ўринда ушбу аёл ҳукмдор ким бўлган мазмунда савол туғилади. Тадқиқотлар натижасида бу аёл ҳукмдор Деваштичнинг хотини малика *npδβ'npnh* - *Нандибанпан* эканлиги аниқланган. Деваштич **ихшид** яъни, ҳукмдорлар хонадонидан бўлмаганлиги учун ўз номидан танга пуллар зарб қилмай хотини малика Нандиманпан номидан танга-пул чиқарган. Хотини номидан танга пуллар зарб этиш тўғри қарор бўлиши мумкин. Лекин қуйидаги фикрни ҳам инкор этиб бўлмайди. Деваштич мустақил мулк ҳукмдори бўлиб, ўз номидан танга пуллар зарб қилолмаслиги мумкин эмас. Агарда у бу ишни қилмаган экан,

маълум мақсадни кўзлаган бўлиши ҳам мумкин. Яъни бевосита Самарқанд тахтига даъвогарлик қилаётган Деваштич уни эгаллаб, Панчга ўз вакили сифатида хотинини қўйиб, унинг номидан тахтни бошқаришни кўзлаган бўлиши ҳам мумкин. Деваштич Панчнинг автономиясини танга пуллар зарб қилиш орқали кўрсатган. Қолаверса, Панжикентнинг ўзида зарбхонанинг бўлганлиги бу нисбий автономиянинг тасдиғидир. Суғд ихшидидан сўнг **хитойча квадрат шаклдаги** танга-пул зарб қилиш ҳуқуқининг фақатгина Панч ҳукмдорлигида бўлганлиги юқоридаги фикрни тасдиқлайди⁵⁵.

Хотини томонидан ихшидийлар хонадони вакили бўлганлиги учун Деваштич **Оқсоқоллар кенгаши** томонидан Панч ҳукмдорлигига сайланган. Унинг рафиқаси подшолик хонадонидан бўлганлиги сабабли Деваштич тангаларида хотинининг номи қайд этилган. Бу масалада В.А.Лившицнинг фикри маъқул. Бу муаллиф *Нандибанпан* тангалари Деваштич томонидан рафиқаси номидан зарб қилинган, дейди.

Деваштичнинг Самарқанд тахтига даъвоси масаласига келсак, унинг қўлида подшо Тархуннинг икки ўғли бўлиб, улар баҳонасида **тахтга даъвогарлик** қилиши мумкин эди.

Суғд подшоси Тархуннинг фарзандларини айнан Деваштич ҳомийликка олганлиги қуйидагича изоҳланади: биринчидан, Суғднинг шарқий қисми ҳали араблар томонидан истило қилинмаганлиги учун бежавотирроқ эди; иккинчидан, Деваштичнинг Тархунга қариндошлиги бўлиши ҳам мумкин эди. М.Исҳоқов Деваштични оддий зодагон бўлган ва у Тархунга куёв бўлган деб тахмин қилади. Шу сабабли у Тархуннинг ўғилларига ҳомийлик қилган⁵⁶. Деваштич болалари аммаси ёки опаси ҳузурида паноҳ топишган. Балки Тархуннинг беваси – Суғд маликаси паноҳ излаб ўз қариндоши Панч ҳукмдорининг олдига борган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Самарқанд 712 йилда босиб олингач, бу ерда араблар ҳукмронлиги ўрнатилади. Орадан кўп ўтмай, 715 йилда

⁵⁵ Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. Бронза. Москва: Наука, 1981. 548 с.

⁵⁶ Исҳоқов М. Унутилган подшоликдан хатлар. Тошкент: Фан, 1992. Б. 36.

Қутайба ибн-Муслимнинг Фарғонада ўлдирилиши Суғдда араблар ҳокимиятини заифлаштира бошлади. Натижада арабларга уларнинг йўриғи билан иш кўрадиган киши зарур бўлди. Сўзсиз бундай талабга Деваштич қарамоғида бўлган Тархуннинг ўғиллари мос келарди. 710 йилда Тархун вафот этган бўлса, орадан 9 йил ўтиб, арабларга нима учун унинг ўғиллари керак бўлиб қолди? Афтидан, араблар Суғд тахтига ўзларининг измида бўладиган **қўғирчок ҳукмдорни** қўйишмоқчи ва шу йўл билан тахтни бошқармоқчи бўлган кўринади⁵⁷.

Муғ тоғи суғдий хужжатларининг нашрлари ҳақида ҳали гап ҳам бўлмаган бир вақтда бундай фикрнинг илгари сурилиши жуда аҳамиятлидир. Деваштич қўлидаги Тархуннинг ўғиллари жуда ёш бўлиб, уларнинг давлатни бошқаришларига ҳали эрта эди. Буни тушунган Деваштич эса арабларга ўзини мусулмон динида деб кўрсатиб, тахтга даъвосини намойиш этади.

Ушбу масалага қуйидаги асос ҳам ойдинлик киритиши мумкин. Саид ал-Харошийнинг Деваштич фаолиятини назорат қилувчиси Абдурахмон ибн Субҳ ҳисобланса-да, Деваштич Саид ал-Хароший билан шахсан ўзи боғланишга ҳаракат қилган. Бу борада Деваштич Нижитак ва Коҳин Кўрчини Саид ал-Хароший ҳузурига юборган. Бундан кўзланган мақсад араблар билан яхши муносабатда бўлиш ёки уларга ён босиш эмас, балки Тархун болаларининг оталиғи сифатида тахтга бўлган даъвосини мустаҳкамлаш эди.

Турк хоқонлигига таянган ҳолда Деваштичнинг Суғд тахтига келишини тезлаштирадиган яна бир тахминни келтириш мумкин. Курсул бошчилигидаги турклар 720 йилдаги **Суғд қўзғолонини** қўллаб-қувватлаш мақсадида Самарқандга келадилар, Араб халифалиги қўшинлари эса улар билан тўқнашмасданоқ сулҳ истаб 40 минг дирҳам товон тўлайдилар. Айни пайтда Амир Абдурахмон Мусайиб ибн-Башир ар-Риёҳ бошчилигидаги қўшинни қўзғолончи суғдийлар устига

⁵⁷ Крачковский И.Ю. Избранное сочинения. Над арабскими рукописями. ... С. 185.

жўнатади⁵⁸. Лекин бу ҳаракат ҳам муваффақиятсизлик билан тугаб, араблар Самарқанд теварагини тарк этишга мажбур бўладилар.

Ушбу ҳаракат турк-суғд қўшинларининг Араб халифалиги қўшинлари устидан қозонган йирик ғалабаси эди. Лекин бу иттифоқ доимий тарзда бирлашган ҳолда умумий душманга қарши кураш олиб бормади. Бундан фойдаланган Араб халифалиги қўшинлари “нафас ростлаб оладилар” ва кейинги ҳаракатлар учун замин тайёрлайдилар. Кутайба ибн-Муслим Самарқандни босиб олганидан сўнг, шаҳарни Саид ибн-Абдулазиз босиб олгунига қадар суғдликлар масжидларни ёндириб ўз динларига қайтганлар. Шаҳар Саид ибн-Абдулазиз томонидан қайтиб олингандан кейин қўзғолончилардан шафқатсизлик билан ўч олинган.

Ана шу воқеадан сўнг, Деваштич “Суғд подшоси, Самарқанд ҳукмдори” бўлган. Бу фикр Абдурахмон ибн Субҳнинг “Суғд подшоси, Самарқанд ҳукмдори Деваштичга” деб бошланувчи мактуби орқали ўз тасдиғига эга. Мактуб мазмунидан Деваштичнинг араблар томонидан Суғд подшоси, Самарқанд ҳукмдори” сифатида тан олинганлиги аён бўлади. Деваштич бу унвон билан 721 йилдан бошлаб тахтга ўтирганлигини ва умумий ҳисобда тўрт ой ҳукмронлик қилгани ҳақида ҳам маълумотлар манбаларда акс этган⁵⁹.

Бошқа воҳа ҳукмдорликларидан фарқли ҳолда Панч Араб халифалиги қўшинлари томонидан босиб олинмаганлиги Деваштичнинг арабларга қарши очик ҳаракат қилмай ёзишмалар асосида ҳаракатланганлигидан далолат беради. Ваҳоланки, араблар Суғд қўзғолончилари изидан Панжикент яқинидаги **Варагсаргача** келган эдилар.

Кейинги тадқиқотлар натижасида Деваштичнинг “Суғд подшоси, Самарқанд ҳукмдори” унвони билан иш кўрган даври анча олдинги йилларга тўғри келиши аниқланди. “Суғд подшоси, Самарқанд ҳукмдори” Деваштичга унинг энг

⁵⁸ Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. Москва: Наука, 1970. С. 217.

⁵⁹ Grenet F., Vaissière de la É. The last days of Panjikent // Silk Road Art and Archeology. Kamakura, 2002. VIII. P. 157.

эътиборсиз кули Фатуфарндан деб бошланувчи А-14 рақамли хужжатдаги мурожаатдан Деваштичнинг Суғд подшоси эканлигини англаш мумкин.

Маълумки, мактуб араб истилоси натижасида юзага келган мураккаб вазиятда 717-718 йилларда Чочда турган панчлик элчи Фатуфарн томонидан Деваштичга йўлланган эди. Фатуфарннинг мурожаати юқорида келтирилган Деваштичнинг суғдийлар қўзғолонидан кейин, 720 йилда “Суғд подшоси, Самарқанд ҳукмдори” унвонини олганлиги ҳақидаги тахминни рад этади⁶⁰. Бу хужжат Панчнинг нисбий автономиясининг хронологик чегарасини олдинроққа, яъни 717 йилга суради. Чунки турк ҳоконидан унинг қўл остидаги вассал сифатида эмас, балки, ўз иттифоқчисига мурожаат қилгандай мадад сўраш Деваштичнинг анча-мунча мустақил сиёсат юритганлигининг аломатидир.

Қутайба ибн Муслимнинг ўлимидан сўнг вужудга келган озодлик учун ҳаракатлар кайфияти кўпгина ҳудудларда, шу жумладан, Панч ҳукмдорлигида ҳам нисбий мустақилликка асос солиш учун учкун бўлган. Бинобарин, Турк ҳоконлигининг умумий ҳукмронлиги амалдаги сиёсий ҳокимият сифатида Суғдда тан олинган. Шунга қарамай, Суғднинг конфедератив ички сиёсий тизими, Чочда ҳоконликнинг ноиби **Баҳодур (Мохэду)** тудун назорати остидаги маҳаллий Чоч бошқаруви, Фарғонада ихшид каби маҳаллий бошқарув амал қилмоқда эди. Б.Х.Матбобоев ўз тадқиқотларида майда ер эгаликлари *ихшидлар* ва уларнинг конфедерацияси “*малик*” бўлган деган хулосага келган. “*Малики Фарғона ат-Тар*”ни эсланг⁶¹.

Шундай бир вазиятда Деваштич ўз элчисини Чочга, ундан сўнг Фарғонага йўллагани, унинг арабларга қарши иттифоқ ташаббускорларидан бири бўлганлигидан далолат беради. А-14 хужжатидан маълум бўладики, Деваштич турк ҳоконининг вазиятга фаол мунособатда бўлишидан умидвор бўлган. Бу

⁶⁰ Лившиц В.А. Согдийский посол в Чаче (Документ А-14 с горы Муг) // СЭ. Москва, 1960. №2. С. 34-51.


⁶¹ Матбобоев Б.Х. Раннесредневековая культура Ферганы (на основе анализа археологических источников V-VIII вв.): Автореф. дисс. доктора ист. наук. Самарканд, 2009. С. 49.

пайтда араблар ни Суғднинг подшоси сифатида тан олган эдилар. Бу эса Деваштични янада фаол ҳаракатлар олиб боришга ундарди.

Шу ўринда айтиш жоизки, суғдийларнинг яна бир тармоғи Корзанч бошчилигида арабларга қарши кураш олиб борганлар. Фарғона подшоси Алутар билан шартлашган Корзанч суғдларнинг катта гуруҳига бош бўлиб, Хўжанд орқали Фарғонага ўтиши керак эди. Аммо Алутар Корзанчга хиёнат қилади. Уни ва одамларини арабларга тутиб беради ва тинимсиз жангларда қуролсизлантирилган суғдийлар очик қўл билан арабларга қарши охирги нафасларигача курашдилар. Суғдийлар ва Корзанчнинг ҳарбий ҳаракатлари фожевий якун топади. Фақатгина 400 бадавлат хонадон араблардан ўзининг хунини сотиб олади.

МАСЛАҲАТЧИНИНГ ПЎПИСАСИ (Абдурахмон ибн-Субҳнинг мактуби)

Араб халифалиги истилосининг 720-721 йиллари даври. Араб истилочиларига қарши ватанпарварлик курашининг, озодлик курашининг янги тўлкини жўш урган палла. Ўзини Суғд подшоси, Самарқанд ҳокими деб эълон қилган Деваштич Абдурахмон ибн Субҳ деган кишидан мактуб олади. Мактуб суғд тилида, ниҳоятда гўзал ҳуснихат билан ёзилган.



1.I. “Суғд подшоси, Самарқанд ҳукмдори Деваштичга” амир Абдурахмон ибн Субҳ томонидан йўлланган мактуб (720-721).

*Россия ФА Шарқ қўлёзмалари институтида сақланади
(Санкт-Петербург)*

Хат эҳтимол Хуросонда битилган, чунки бу шаҳар Ўрта Осиё ҳамда унга яқин ҳудудлар устидан халифалик ҳокимиятининг назорат маркази бўлган ва халифа ноиби шу ерда турган. Балки Деваштич олган мактуб Ўрта Осиё шаҳарларидаи бирида битилгандир. Ҳар ҳолда ўшанда араблар

ҳокимияти тинимсиз халқ қўзғолонлари натижасида қалқиб турган замон эди. Абдурахмон ибн Субҳ ҳам воқеалар тўлкинида шу яқин атрофларда, яъни Суғдиёнада ҳам бўлган бўлса, ажабмас. Лекик бу эмас, балки хатнинг мазмуни ва таркибига хос айрим маълумотлар ҳикоямиз учун муҳимроқ.

Матн 28,9х28,2 см. – қарийб квадрат юзалик юқа оқиш-кулранг, қисман ипак толалари аралаштириб ишланган қоғозга ёзилган. Ўша замоннинг ўзидаёқ махсус жилдга (ҳозирги шаклдаги конверт XX аср бошларида расм бўлган деб ҳисобланади) жойлашга мўлжаллаб тўртга букланган. Шу ҳолда узоқ қўлда юрган бўлса керак, букланган изларидан йиртила бошлаган. Қоғознинг чап бурчагидан озгина узилган. Матн жойлашган қисмига эса деярли путур етмаган. Варақнинг остки қисмида унга ширач билан бошқа қоғоз улангани кўриниб турибди. Лекин уланган бўлак йўқолиб кетган.

Мактуб эҳтимол дастлаб араб тилида ёзилган. Котиб – суғд котиби уни суғдчага таржима қилгап. Шунинг учун ҳам адрес формуласидан олдин арабчадаги “Бисмиллоҳир-рахмонир-рахим”ни суғдча ифодалашга уриниб кўрган ва “пар нам вағи домданақ” жумласини хат бошига киритган. Аслида эса одатда суғдча ёдгорликларда бу каби жўнатув адрес формуласи учрамайди. Жумланинг мазмуни “Раҳму шафқатли Аллоҳнинг номи билан”. Котиб буни суғдча таржимасида “Ҳар нарсани яратгувчи худо номига” деб талқин этган. Хатнинг 2-сатри тўлиқ ва 3-сатрининг ярми адрес формуласи билан тўлатилган⁶². Бу формула Муғ тоғи ҳужжатларининг кўпига хос бўлиб, бу ўринда айрим тарихий хулосалар чиқаришга ҳам имкон беради.

Хусусан, “Амир Абдуррахмон ибн Субҳдан Суғд подшоси, Самарқанд ҳокими Деваштичга иззат-ҳурмат (билан)” деб баён этилган жумладан маълумки, Деваштичнинг подшолик даъвосини, у асли подшо сулоласидан эмас эди, халифалик тан олган экан. Дарвоқе, тахтни Тархундан тортиб олгач (710 й.),

⁶² Каталог памятников согдийской письменности в Центральной Азии (Catalogue of sogdian writings in Central Asia) (Составители: Б.Гойибов, П.Лурье, А.Бегматов, В.Распопова, Г.Бобоёров. Самарканд: МИЦАИ, 2022. С. 61-67.

кўп ўтмай Тархун ўзини ўлдирган ва тез орада Қутайба ибн Муслим шу воқеани баҳона қилиб, гўё Тархуннинг қасосини олиш мақсадида Суғдга хужум қилган. Тархуннинг болалари эса амакиси Ғурак ихтиёрида эмас, Панжикент ҳокими Деваштичнинг ҳомийлигида қолган⁶³. Шу туфайли Деваштичнинг тахт даъвоси араблар томонидан қувватланиши ҳамда асосий душман – Ғуракнинг кучини қирқишга хизмат қилган бўлиши мумкин.

Ана шу мураккаб муносабатларнинг гувоҳи сифатида 1.I рақамли ҳужжатнинг кириш формуласи ғоят муҳим маъно касб этади. Хатнинг давомида Абдуррахмон ибн Субҳ қуйидагиларни хабар қилади: “Мана кеча Нижитак келди ҳамда коҳин Кўрчи ва улар амирдан менга шундай хат келтирдиларки, унда амирнинг сенинг номингга норозилиги ифодаланган”. Шу ўринда Абдуррахмон ибн Субҳ амир томонидан унинг ўзига йўлланган хатдан кўчирма парча келтирдик. Бундан биз Деваштич амирга илгарироқ хат ёзганлиги ҳақидаги муҳим маълумотни билиб оламиз. “Қачонки у (Деваштич) сенга (яъни Абдуррахмонга) хат ёзганида, менга ҳам (яъни араб котиби ёрдамида) худди шундай хат юборди. Агар Деваштич шу хатни (унинг нусхасини) сенга юбормаган бўлса, у тақдирда мен бу нусхани сенга юборай (токи ишонч ҳосил қилгин)”⁶⁴.

Шу ердан Абдуррахмоннинг Деваштичга йўллаган хати матнда давом этади: “Ва мен шу тариқа сенга ўша хатни (яъни амирнинг Абдуррахмонга ёзилган) юбораман, токи сен уни кўргин ва эшитгин. Лекин мен у хатингни (яъни, сен амирга ёзган ва менга нусхасини юборишинг лозим бўлган) кўрмаганман – аввал ҳам, кейин ҳам ва яна ундан сўнг ҳам (яъни ҳеч қачон). Агар сен ўз ташаббусинг ва ироданг билан амирга қачон бўлмасин шу тариқа хат ёзадиган бўлсанг, менга ҳам айнан шундай хат ёзгин. Агар сен уни ишончли тарзда менга жўнатоилмасанг, буни амирдан яширма.

⁶³ Ғойибов Б. Деваштич. Тошкент: Наврўз, 2012. Б. 5-13.

⁶⁴ Yakubovich I. Mugh I. 1. revisited // *Studia Iranica*, T. 21. 2002. Fasc. 2. P. 231-240.

Шундай қилиб, ёзган хатингга амир Нижитак ва коҳин Кўрчилар орқали оғзаки жавоб йўллабди, лекин бу жавобни хатда ёзмабди. Ахир сен ўзинг биласанки, Нижитак ва коҳин Кўрчилар сенинг энг яхши (комил) дўстларингдир ва улар сенинг фароғатинг ва саодатинг учун қайғурадилар ва сенга бахт-иқбол тилайдилар, айти пайтда улар амирнинг ташвишга тушиши (ва норозилиги)ни ҳам ўйлайдилар. Сен энди шундай қилгин: улардан амирнинг хатини олгин, Нижитак ва коҳин Кўрчилар келтирган оғзаки жавобни диққат билан эшитгин ва доимо шу йўлга амал қилгин ва ҳеч бир ҳолатда бошқача иш тутма. Ва бирор лаҳза на эрта, на бугун тўхтама, қилишинг лозим бўлган ишларни (“ҳозироқ”) кечиктирмай бажаргин. Агар сен амирнинг буйруғини шу заҳотиёқ бажармас экансан, у ҳолда тез орада амирдан бошқа кўплаб буйруқлар келади ва кўп...”⁶⁵. Шу ўринда хат узилган.

Кўриниб, турибдики, мактуб огоҳлантириш маъносига эга бўлиб, араблар Деваштичдан ўз ҳокимиятларини мустаҳкамлаш мақсадларида фойдаланишга уринганликлари кўриниб турибди. Дарвоқе, Деваштичнинг хатти-ҳаракатларидаги 720 йилдан кейинги кескин бурилиш – арабларга қарши курашнинг етакчиларидан бирига айлангани ҳам шу муносабатлар доирасида балки тушунарли бўлур.

1.1. рақамли хатнинг муаллифи Абдуррахмон ибн Субҳнинг шахси ҳақида араб истилоси тарихи билан боғлиқ ёзма манбаларда қатор маълумотлар сақланган. Жумладан, 720-721 йил воқеалари баёни орасида унинг исми биринчи бор тилга олинади. Халифалик ноибни Саид бин Абд ул-Азизнинг Суғдиёна ва турклар устига юришида Абдуррахмон ибн Субҳ қатнашган. Кейинроқ Асад бин Абдуллоҳ ал Қасрий Хуросонда ноиб бўлгач, Абдуррахмон ибн Субҳ Балх вилоятининг омили этиб тайинланган. Табарийнинг маълумотида кўра, Абдуррахмон ибн Субҳ шундан олдинроқ Хуросон ноибининг маслаҳатчиси – “соҳиби раъй” деган унвонга эга бўлган.


⁶⁵ Livshits V. A. Sogdian epigraphy of Central Asia and Semirech'e / tr. from the Russian by T. Stableford. Ed. by N. Sims-Williams. London: School of oriental and African studies, 2015. (Corpus inscriptionum iranicarum. Part II: Inscriptions of the Seleucid and Parthian period and of Eastern Iran and Central Asia. Vol. III: Sogdian). P. 88-94.

Шундай қилиб, мазмуни баён этилган мактуб 720-721 йиллардаги сиёсий вазият мушкуллигини, маҳаллий зодагонлар ва араб истилочилари ўртасидаги муносабатлари – халқнинг курашчан руҳини жонли ифодалаган. Шу жараёнда Абдуррахмон ибн Субҳ Деваштичга амир буйруғини эслатиб қўйиш лозим деб топган. Агар буйруқ адо этилмаса, оқибати яхши бўлмаслигини таъкидлаган. Лекин амирнинг кўрсатмаси нима эканлиги номаълум бўлиб қолган. Афтидан, Деваштич унга амал қилмаган. Чунки биз уни тез орада кўзғолончи суғдийларнинг бошлиғи сифатида кўрамиз. Деваштичнинг араблар томонидан қатл этилиши ҳам шу билан изоҳланади.


ЧАТА ВА УТТЕГИН (Бугунги никоҳ шартномасининг тарихий асослари)

Муғ тоғи архиви ҳужжатлари комплекси маъно ва мақсад доирасига кўра бир неча гуруҳга бўлинади. Масалан, улар орасида турли хўжалик қайдлари, тилхатлар, харид рўйхатлари, сарф рўйхатлари каби қатор ҳужжатлар бор. Яна бир гуруҳ ёдгорликлар эса амалдорларнинг ўзаро ёзишмалари – хатлардан иборат.

Ҳужжатлар устида олиб борилган тадқиқотлар давомида В. А. Лившиц бир гуруҳ ёдгорликларни юридик ҳужжатлар деб атади. Ҳақиқатан ҳам бу ёдгорликлар ҳуқуқ масалалари билаи алоқадорлигига кўра ажралиб туради. Айниқса архивда энг яхши сақланган ҳужжатлардан иккитаси Nov. 3 ва Nov. 4 рақамли никоҳ битимлари мазмун жиҳатдан эътиборга лойиқ.



Nov. 3. Recto



Nov. 3. Verso

Никоҳ шартномаси.

*Россия ФА Шарқ қўлёзмалари институтида сақланади
(Санкт-Петербург)*

Бу ҳужжатлар VII-VIII асрлардаги оила ва никоҳ шартлари, шу билан бир қаторда оилавий мулкӣ муносабатлар, никоҳланаётган шахсларнинг ўзаро ва ҳар бирининг иккала томон қариндошлари билан муносабатлари, айниқса, куёвнинг келин қариндошлари олдидаги мажбуриятлари ҳақида қимматли тарихий маълумотлар беради. Nov. 3 никоҳ битими – ҳозирги тил билан айтганда никоҳ гувоҳномасидир.

Ҳужжат Суғд подшоси Тархун ҳукмронлигининг 10 йили Масвуғич ойининг Осмонруч куни билан белгиланган, яъни унинг аниқ санаси ҳам мавжуд. Шу ҳужжатнинг 2- ва 6-сатрларида лақаби Нидан, исми эса Аватегин бўлган киши “ўз-ўзига” хотин қилиб Навикат ҳокими Чер Вағзанак ўғлининг ҳимоятида – оталиғида турган Дуғдғунча исмли, лақаби эса Чата бўлган аёлни олгани ҳақида гап боради⁶⁶. Чатанинг отаси Вийус эканлиги қайд этилади. Чер ўз ҳомийлигидаги аёлни ўз ихтиёри билан қонунга биноан Аватегинга шу шарт билан бағишлайдики, Аватегин Чатани севимли ва ардоқли хотин сифатида озиқ-овқат, кийим-кечак, зебу зийнат билан таъминламоғи ва ҳурмат-иззат қилмоғи даркор. Ўз ўрнида Чата ҳам Аватегинни севимли ва ар-доқли эр сифатида тутмоғи, унинг бахтли турмуши ҳақида қайғурмоғи, унинг буйруқларини қонун каби тингламоғи лозим.


Шундан кейин тарафлардан бири иккинчисининг хоҳишидан ташқари никоҳ битимини бузиши шартлари баён этилади. Жумладан, агар Аватегин Чатанинг рухсатисиз унинг устига уйланса, хизматкор аёл ёки шунга ўхшашни олса, бу тақдирда у Чатага тоза сифатли 30 динарий драхма товон тўлайди ва уни на хотин, на хизматкор сифатида тутиб турмай озод қилади. Бу ҳолда Аватегин Чатага озиқ-овқат, кийим-кечак беради, бошқа мажбуриятлар олмай жўнатади. Кейин ўзи хоҳлаган аёлни хотин қила олади. Сўнгра Чата ташаббуси билан ажрим ҳолати шартлари баён этилади. Унда ҳам ажрим формуласи такрорланади.

⁶⁶ Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика Средней Азии и Семиречья. Санкт-Петербург: Филологический факультет Санкт-Петербургского университета, 2008. С. 18-48.

Чата Аватегин билан унинг хотини сифатида қолишини истамаса, ундан ажралса ёки уни ташлаб кетса, уанга кийишга лойиқ кийим-кечак беради, Аватегиндан тўйда олган тақинчоқларини қолдиради. Ўзи келтирган мол-сепини олади, қарз ҳам бўлмайди, тўламайди ҳам. Шундан сўнг ўзига ёққан кишини эр қилиши мумкин⁶⁷.

Никоҳ ҳужжатининг давомида турли ижтимоий қарам табақалар ҳақида, айрим ҳолларда никоҳ муносабатлари қайта кўриб чиқилиши мумкинлиги ҳақида гап боради. Масалан, агар Аватегин жинойт қилса, бирор кишига қул бўлиб қолса, қарз ҳисобига қул қилинса, асир тушса, бирор кимсага ҳимоятга топширилса, Чата ўзидан кўпайган болалари билан бирга ўзини озод ҳисоблайди. Аксинча, Чата ҳам қарз бадалига қул бўлиб, биров томонидан олиб кетилса, асир қилинса, Аватегин ҳам болалари билан биргаликда озод бўлади. Хотини олдида ҳеч қандай мажбурият олмайди⁶⁸.

Nov.4. рақамли ҳужжат куёвнинг келиннинг васийси олдидаги мажбуриятлари ҳисобланади.



Nov. 4 Recto



Nov. 4 Verso

Куёвнинг келиннинг васийси олдидаги мажбуриятлари.

⁶⁷ Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. Москва: Наука, 1970. С. 74-80.

⁶⁸ Исҳоқов М. Никоҳ битими янгиликми? // Ҳуқуқ ва бурч. 2011. №1.

*Россия ФА Шарқ қўлёзмалари институтида сақланади
(Санкт-Петербург)*

Nov.4. рақамли ҳужжатда Чатани узатаётган Черга ва унинг ўғилларига Аватегиннинг васиқаси акс этган: “Чата бугундан бошлаб, келажакда, то абад менинг хотиним бўлиб қолади... Сенинг ва (худо) Митранинг иштирокида мажбурият оламан: уни сотмайман, қарз ҳисобига қуллика бермайман, бирор кимсага ҳимоятга бермайман. Борди-ю, уни мендан кимдир тортиб олса, хўрласа, уни зиён-заҳматсиз (сизларга) жўнатаман. Чата ўзи кетишни хоҳласа ҳам шу тариқа зиён-заҳматсиз жўнатаман ва соғ-саломат топшираман. Агар,.. топширмасам, у ҳолда муомалага яроқли, яхши сақланган, тоза сифатли 100 динорий кумуш драхма тўлайман. Агар тўламас эканман, унинг 10 драхмасига 2 драхмадан боқимондаси – устамаси (проценти) билан қарз сифатида тутаман...”⁶⁹ ва ҳоказолар.

Бу икки ҳужжат илк ўрта аср оила ва никоҳ қонунчилигининг ўта нодир ёдгорлиги эканлиги унинг мазмунидан яққол кўриниб турибди. Бундан ташқари қатор ижтимоий муносабатларга тегишли далиллар ҳам уларда акс этганлиги диққатга сазовордир. Жамиятнинг ижтимоий табақаланиши ҳақида келтирилган аниқ маълумотлар қимматлидир. Масалан, озодлар, қуллар, уларнинг турлари, ҳимоятга олиш ёки ўтиш ҳуқуқ нормалари, асирлик ҳолати ва бошқалар шулар жумласидандир. Умуман, Муғ тоғи ҳужжатлари жамият табақалари ҳақида анчагина маълумотлар беради. Чунончи, ихшид – подшо; хватов – ҳукмдор, подшо; хвабу – вилоят ҳокими; бозкиром – солиқ йиғувчи; ағушмарик – ҳисобчи; тархон – турклардан ўзлаштирилган амалдорлик номи; озодкор – эркин жамоачи; корикор – қора ишчи; ғувокар – савдогар; вағнпат – коҳин, ибодатхона бош мулозими ва ҳоказо.


⁶⁹ Якубович И.С. Проблемы согдийской этимологии: диссертация на соис. ученой степени кандидата филологических наук. Москва, 2009. С.144-163

Булар орасида ўша давр зодагонлар синфининг ижтимоий асосини ташкил қилган озодлар синфи алоҳида ажралиб турибди. Матндаги “подшоҳона хотин” атамаси жамиятда расмий деб қаралган кўп хотинликни, шу ўринда эса тўла ҳуқуқли бош хотин бўлишни билдирса керак. Аватегин ва Чатага келганда, улар ҳам ана шу озодлар синфининг типик вакиллари дир. Шуниси қизиқки, Аватегин – турк халқи вакили, Чата эса суғдий қиз. Навекат ҳозирги Қирғизистонда жойлашган (қадимги Еттисув ерлари) савдо карвон йўлидаги қадимги вилоятнинг маркази. Унинг ҳоками Чер ўз ихтиёрида – ҳимоятида бўлган (балки хотини ҳам бўлиши мумкин, чунки “вадух” сўзи суғдийчада эрли хотин маъносига эга, “инч” сўзи эса умуман хотин кишига нисбатан қўлланилган. Матнда эса ҳар икки атама Чатага нисбатан ишлатилган) хотинни Аватегинга бергани ҳақида гап боряпти. Яна шуниси қизиқки, Аватегин Чер ва унинг бола-чақаси олдида мажбуриятлар олар экан, ўзи ва ўз болалари кафилигида сўзлайди. Демак, бу никоҳ ҳам Аватегин учун ҳаётидаги биринчи никоҳ эмас.


Хуллас, Чата ва Аватегинларнинг никоҳ ҳужжати 1300 йилдан ортиқ вақт ўтгач фанга қатор жумбоқлар олиб келди. Мулк ва уни истифода қилиш масалалари ер-мулкчилик муносабатлари ривожланган даврида турли кўринишда бўлган. Суғдий ёзма ёдгорликлари орасида шу маънодаги ҳужжатлар ва ривоятнома матнлар ҳам сақланган. Айрим ҳужжатлардан шу нарса маълум бўлдики, илк ўрта асрларда Суғдда ер-мулк муносабатлари шаклланган бир босқич бўлган ва бу жараёнда Суғд зодагонлари – озодлар синфи муҳим ўрин тутган экан. Озодлар деб ном олган аслзода зодагонлар синфи бошида турли даражада Самарқанд суғди подшолигига тобе бўлган маҳаллий ҳокимлар турган. Энг катта ер-мулк эгаси сифатида ихшид ва унга тобе ҳокимлар ўз тасарруфида умумдавлат мулкдан ташқари шахсий мулк ҳам тутган. Ҳар бир ҳоким (ҳатто ихшиднинг ўзи ҳам) тасарруфидаги шахсий мулкдан мулкдор сифатида фойдаланган. Муғ архиви ана шундай мулк муносабатлари моҳиятини очиб берувчи қатор ҳужжатлар билан яна ҳам қимматлидир.

ИЖАРАГА БЕРИЛГАН ТЕГИРМОН (ер-мулк муносабатларининг ёрқин намунаси)

Илк ўрта асрлар даврига келиб мулкчилик муносабатларида чуқур ўзгаришлар юз берди. Эндиликда ҳар бир шахс, ҳаттот ҳукмдорлар ҳам хусусий мулк эгаси бўлиши баробарида уни эътироф этиш билан бирга, ўз мулкини ижарага бериши, ундан даромад олиши мумкин бўлди. “Муғ архиви”ида ушбу муносабатлар бир неча ҳужжатлар мисолида ўз аксини топган. Айниқса, тегирмон ижараси тўғрисида В-4 рақамли ҳужжат бунга ёрқин мисол бўлади.



В-4 - Recto



В-4 – Verso

В-4. Тегирмон ижараси ҳақидаги шартнома.
Росия ФА Шарқ қўлёзмалари институтида сақланади (Санкт-Петербург)

“Бу йил суғд подшоси, Самарқанд ҳокими Деваштичининг бир йилидир. Жимтич ойи, апвах руч куни Махйон Допатшир ўғли подшо Деваштичдан, Йодахшетақ ўғлидан Тутискат деган жойдаги 3 тегирмонии новлари (ариклари) билан бирга олди, шу шарт биланки, Махйон бу тегирмонларни бир йил давомида ижарага тутсин ва Махйон йил давомида шу уч тегирмондан ижара тўлови сифатида Деваштичга 460 кафч...” ун берсин. Ва бу унни келишув бўйича (тушунтирилгаидек) ҳар ой юзасидан ҳаммасини тўлаб борсин⁷⁰.

Хужжат матннинг давомида ижара ҳақиға унни ўз вақтида тўламаса, қаллоблик, ёлғон ва адолатсизлик Махйон томонидан содир бўлган ҳисобланиши ва Деваштич бу иш юзасидан ўша замон ҳуқуқ органиға – “урником”ға мурожаат этиши мумкинлиги, бу амалдор ёки ижтимоий функцияға эға бўлган орган унни тўла ундириб бериш ҳуқуқиға эғалиги ҳақида сўз боради.

Бу хужжатнинг қизиқлиги яна шундаки, унда ижарачи билан муносабатға киришаётган шахс ҳукмдорнинг ўзи – Деваштич. Кўринадики, Деваштич подшо бўлиш билан бир қаторда йирик ер мулк соҳиби ҳамдир. Тутискат деб аталган ер унинг тасарруфидаги мулкка тааллуқли бўлган.

Хужжатда тилға олинган 460 кафч рақами ва унинг ун ўлчови сифатидаги маъноси илк ўрта аср метрологияси – ўлчов бирликларининг амалдаги моҳиятидан дарак беради. Шу муносабат билан “кафч” ҳақида баъзи мулоҳазаларни айтиш ўринлидир. Бу ўлчов бирлиги. ҳақида А.А.Фрейман, Х.В.Бейли, В.И.Абаев, В.Б.Хеннинг каби олимлар турли фикрлар айтишган. Араб тилидаги манбалар “кафиз” деб берадиган ўлчовнинг аниқ маъносини очиб бермайди. Лекин В.А.Лившиц Муғ хужжатларида бир киши томонидан топширилган вино ва дон маҳсулотлари 5 кафчдан ошмаганиға эътибор беради. Демак, бир киши кўтариши мумкин бўлган юк миқдоридан келиб чиқилганда кафч 8-10 кг дан ортиқ эмас. Яъни, бир киши 40-50 кг юкни бир йўла кўтариб келиб топширган. Бу фикрдан

⁷⁰ Смирнова О.И.Очерки из истории Согда. М: Наука, 1970. С. 112-117.

хулоса қилиб, В.А.Лившиц юқоридаги тегирмонлар тўлови йилига 3680 кг ундан иборат деб ҳисоблайди⁷¹. Кафч сўзининг бошқа варианты суғд манбаларида капчак шаклига эга. Бу кафч сўзига кичрайтириш маъносидаги -ак аффикси қўшилишидан келиб чиққан.

Энди ўзбек ва тожик тилларидаги *кепчик* сўзини эсласак, ўлчов маъносига анча яқинлашган бўламиз. Хусусан, *кепчик* сўзи ўзбек тилида ошланмаган хом теридан ёғоч гардишга тортиб ясалган идишни англатади. Бу идишдан яқингача дон маҳсулотларини елпиб тозалашда фойдаланиб келинган. Унинг сиғимига келганда, одатда 5-8 кг атрофида дон бўлиши мумкин эди. Демак, узоқ ўтмишда *кафч*, *капч* деб аталган идиш ўлчов бирлиги сифатида ҳам қўлланган. Тўлатиб ўлчанганда 8-10 кг сиғимни ҳам бериши табиий. Унинг устига ҳужжатда “капч” сўзи ёнида унинг аниқловчиси сифатида “мартшак” сўзи турадики, бу “текширилган” деган маънога эга⁷².

Тарихда турли идишлар – бочка, челак, кружка, меш, қоп ва бошқалардан метрологик мақсадларда фойдаланилгани маълум. Масалан, қадимги Русда челак 10-12 литр сиғимли ўлчов сифатида маълум. Унинг лабига темирдан қоплама ҳошия ўрнатилган, тубига ҳам темир эритиб қуйилган. Бу восита ўлчовни қирқиб кичрайтириш, остини қалинлаштириш йўли билан қаллоблик қилинишга йўл қўйилмаган. Суғддаги “мартшак”, “капч” каби атамалар ҳам шу каби қатъий белги билан таъминланган ўлчов бирлиги бўлиши мумкин.


Тегирмон ижараси ҳужжатидаги муҳим жиҳатлардан яна бири – бу ҳужжатнинг муҳрланганлигидир. Муҳр матнда “ғироймитр” (*m* товуши инглизчадаги жарангсиз-сирғалувчи тил олди товуши *θ* га ўхшаш) ибораси билан ифодаланган. *Ғирой* сўзи “лой” демакдир. *Митр* эса қадимги Ўрта Осиё халқлари орасида битим ва ишонч маъбуди сифатида (Митра худосининг эпитетлари) маълум. Шунинг учун Аватегин ҳам Чер ва унинг фарзандлари олдида мажбурият олар экан, Nov. 4 ҳужжатида Митранинг номини тилга олади: “Сенинг ва

⁷¹ СДГМ II. С. 53-63.

⁷² Исҳоқов М. Суғдиёна тарих чоррахасида. Тошкент: Фан, 1990. Б. 19.


Митранинг иштирокида (гувоҳлигида)”. Демак, муҳр сўзининг этимологияси, яъни, келиб чиқиш тарихи худо Митранинг номи билан боғлиқ экан. Муҳр ҳужжат найча қилиб ўралгач, устки чок устидан босилган. Унинг изларида ҳам ёзув қолдиғи бўлиб, суғдча экани аниқланган (В.А.Лившиц).

Ҳужжатда муҳр бўлиши суғд муҳршунослиги – сфрагистикаси учун ҳам қимматли материал бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, ҳужжатлар лой муҳр билан шаҳодатлангани тўғрисида А-13 ва А-16 рақамли матнларда ҳам қайд этилган. А-2, / А-3 – Деваштичнинг буйруқлари қайд этилган ҳужжатларда унинг шахсий муҳри – узук муҳр излари сақланган. Деваштич муҳрида зебу тасвири (қорамолнинг ёввойи тури тасвири) бўлган.



А-2. Деваштичнинг фармондор Аватга буйруғи.

Россия ФА Шарқ қўлёзмалари институтида сақланади (Санкт-Петербург)



А-3. Деваштичнинг Фармондор Аватга буйруғи.

Россия ФА Шарқ қўлёзмалари институтида сақланади (Санкт-Петербург)

ХИЛХОНА УЧУН СОТИЛГАН ЖОЙ (Суғдда ернинг нархи масаласи)

В-8 рақамли “Муғ архиви” хужжатида муайян ҳажмдаги ер бўлагини науслар қўйиш учун сотиб олиш ҳақида гап боради⁷³. Хужжат архивдаги Панч ҳукмдори Чакин чур Билга (693 – 708) давридаги ягона хужжат ҳисобланади.



В-8 – Recto



В-8 – Verso

В-8. Ер харид қилиш тўғрисидаги суғдий хужжат.
Россия ФА Шарқ қўлёзмалари институтида сақланади
(Санкт-Петербург)

Бу хужжат Деваштичдан олдин Панжикент вилоятига ҳокимлик қилган Чакин Чур Билга ҳукмронлигининг 15-йилида ёзилган (708 йил). Шу билан бирга Чакин Чур Билга Вахт

⁷³ Исҳоқов М. Суғдиёнада ернинг нархи қанча бўлган? // Ҳуқуқ ва бурч. 2011. №2; Исҳоқов М. Унутилган подшоликдан хатлар. Тошкент: Фан, 1992. Б. 13-17.

вилоятининг подшоси деб таъкидланган. Лскнн Вахт (Бағд) топоними қаерга нисбатан ишлатилганини тушуниш қийин. Подшо – ҳоким Чакин Чур Билга шахсига келганда, унинг номидан турк эканлиги кўриниб турибди. Лекин Билга сўзининг ёзилиши шу ҳужжатни нашр этган олим В.А.Лившицни ўйлатиб қўйган. Туркий орфография бўйича бошланғич ҳарф “бет” ўрнига “пе” бўлиши, “л” ўрнида эса суғдий алифбонинг жарангли сирғалувчи тил олди товуши учун ишлатиладиган “ломед” ҳарфи ишлатилиши лозим эди. Лекин ҳужжат котиби бу ўринда суғдий “бе” ҳарфи билан туркий “б” товушини ифодалаган “л” ўрнига суғдча “д” учун ишлатиладиган белгини танлаган. Бу ҳол котибнинг турк руний ёзувидан, улар орқали бериладиган фонетик ифода имкониятларидан хабардорлигини кўрсатади. В.А.Лившиц таъкидлаганича, албатта, ҳоким турк бўлгач, саройда туркий тил ва ёзув ҳам кенг амал қилган бўлиши табиий. Дарвоқе, Муғ ҳужжатларидан В-13 рақамлиги)қадимги турк ёзувида битилгани ҳам эътиборга лойиқ. Ер олди-сотдиси ҳақидаги ҳужжатнинг қатнашчилари ҳам икки томонни – сотувчи ва харидорни уларнинг номлари, насаблари билан қайд этган⁷⁴.

“Бу йил Вахт ҳукмдори Панжикент ҳокими Чакин Чур Билга, Бичут ўғли ҳукмронлигининг 15 йилидир. Жимтич ойининг *спандарматрўч* куни. Мана, Махч ва Хшумванд Асманч ўғиллари Ширвағч ва Сатафсариклардан, Фарнхунд ўғилларидан Пашхувад (деган жойдаги) қурбақазор ботқоқ ёнидаги ернинг ярмини йўли ва ғов-ўрови билан 25 динарий драхмга қуйидаги шарт билан (олдилар): Махч ва Хшумванде ҳамда уларнинг авлодлари бу ерда жасадларини қўяверсинлар ва аза тутаверсинлар, йиғи (товуш) чиқарсинлар. Агар кимда ким Махч ва Хшумзанделарни ва уларнинг бола-чақасини ернинг бу ярмида (сотиб олинган бўлагида) тўполон чиқаришга ҳаракат қилса, уларни Ширвағч ва Сатафсарик ҳамда уларнинг бола-чақалари қувиб чиқарсин ва сотиб олувчиларга зиён

⁷⁴ Маршак Б.И., Распопова В.И. и др. Отчет о раскопках городища Древнего Пенджикента в 2001 г. Санкт-Петербург: Государственный Эрмитаж, 2002. С. 68.

етмасин”. Ва бу ерда (хужжат тузилган ерда) гувоҳлар исмлари келтирилади ва котиб Ваненок ёзганлиги қайд этилади.

Суғд этнографиясига хос бўлган хусусиятлардан бири бу “йиғи маросими” бўлиб, бу аза маросими бугунги кунга қадар сақланиб қолган. Панжикент деворий суратларида марҳумнинг бошида “йиғи маросими” қатнашчиларининг акс эттирилиши ушбу маросимнинг Суғдда мавжуд бўлганини яна бир кўрсатади. Хужжатда келтирилган “*Махч ва Хишумванде ҳамда уларнинг авлодлари бу ерда жасадларини қўяверсинлар ва аза тутаверсинлар, йиғи (товуш) чиқарсинлар. ...*” мазмунидаги жумлада ҳам буни кузатиш мумкин.



“Йиғи маросими”.

(Қаранг: Беленицкий А.М. Монументальное искусство Пенджикента. Живопись, скульптура. Москва: Искусство, 1973).

Хужжатнинг ўзига хос томони шундаки, унда савдо муомаласидаги икки томон ҳам ака-укалар. Бу ҳол илк ўрта асрга оид – суғд халқи орасида оилавий – уруғ мулки категориясига, патриархал катта оила муносабатларига ишорат қилинса керак.

Сотилаётган ер ҳам, у ердан фойдаланишга халақнт бериши мумкин бўлган учинчи томон вакилларидан харидорки ҳимоя қилиш шарти ҳам ўз-ўзича қизик бир фактдир. Бу ўринда ҳужжат тадқиқотчиси харидор, сотувчи ва учинчи томон вакиллари турли диний жамоалардан бўлиши мумкинлигини ҳам назарда тутган бўлса керак. Чиндан ҳам бир турдаги этнографик маросимлар, ритуал тадбирлар иккинчи эътиқод билан боғлиқ бошқа тадбирлар ёнида мақбул кўринмаслиги мумкин эди. Шунинг учун ҳам, эҳтимол, харидорлар хилхона учун ерни (“асксак”) узоқроқдан – қурбақазор. ботқоқ ёнидан танлагандир. Қолаверса, зардуштий эътиқоди бўйича жасад уй-жойдан нарида жойлашган наусларга – махсус гўрхоналарга қўйилган⁷⁵.

Ҳужжатда ернинг бу ярмида (кейинги қисми) Хшумванда ва Махчлар жасад қўйсинлар ва аза тутсинлар, деб ифодаланган. Лекин зардуштийлик сўнгги шакли ақидаларига кўра ўликка йиғлаш қатъий ман этилган. Бу маросим, Берунийнинг айтишича, *хиум* ойининг охирида йилига бир марта бажарилган. Тасвирий санъатда ҳам илк ўрта асрга оид аза манзаралари акс этган намуналар маълум. Масалан, юқорида келтирилган Панжикент деворида ишланган “йиғи маросими” тасвирини эслаш мумкин.

⁷⁵ Gershevitch I. Sogdians on a Frogplain // *Mélanges linguistiques offerts à Émile Benveniste*. Louvan, Paris, 1975. P. 195-211.


ДЕВАШТИЧНИНГ КИНОЯСИ ВА КАНИЗАКЛАР ИЧАДИГАН МАЙ

(Ижтимоий ҳимоя ва ичкилик борасидаги эҳтиётсизлик
масаласи)

“Муғ архиви” орасидаги қатор ҳужжатлар араб истилоси туфайли пайдо бўлган иқтисодий танглик, хўжалик қийинчиликларига ишорат қилади. Уларда одамларни дон маҳсулотлари билан таъминлаш масалалари тез-тез тилга олинади. Бу муҳим иш билан ҳукмдорнинг ўзи ҳам шахсан шуғуллангани, унинг энг йирик мулозимлари, айниқса, фрамандар лавозимидаги шахс – Аватнинг фаол иштироки алоҳида диққатга сазовордир.

Архивдаги кўплаб ҳужжатларда фрамандар Деваштичнинг ёрдамчиси сифатида халққа ижтимоий ёрдам учун ҳам ҳаракат олиб боргани маълум. А-2 рақамли ҳужжат қуйидаги мазмунда:

“Суғд подшоси, Самарқайд ҳокими Деваштичдан фрамандар Аватга салом! Менинг номам билан учрашганинг ҳамоноқ (яъни, хатимни олишинг билан) Аски Разрдаги оч одамларга 300 кафч дон берилмоғи лозим бўлади, ҳеч қандай пайсалга солма! Суғд подшоси, Самарқанд ҳукмдори Деваштичдан фрамандар Аватга”⁷⁶. Қарангки, подшо Деваштич лўнда ва талабчан оҳангда ўз фармондорига бир қишлоқ аҳолисининг очлик кулфатини бартараф этишни буюрмоқда.




⁷⁶ Исоҳов М. Суғдиёна тарих чоррахасида. Тошкент: Фан, 1990. Б. 22.


А-2. Деваштичнинг фармондор Аватга буйруғи.

Росия ФА Шарқ қўлёзмалари институтида сақланади (Санкт-Петербург)

А-18 рақамли хужжат ҳам шу маънога яқин туради. Лекин унинг айрим тафсилотлари одатдаги расмий оҳангдан фарқ қилади. Мана бу хужжатнинг таржимаси: “Суғд подшоси Деваштичдан фрамандар Аватга ассалом. “Дон бергин”, – деб айтган кишиларимга дон бермайсан, беришинг лозим бўлмаганларга (яъни) мен тавсия қилмаган кишиларга балки (дон) берарсан? Айрим хабар(лар)га қараганда сен жуда бепарво эмишсан. Ахир мен сенга шундай хат юборган эдим: “Зрунбликларга ғамхўрлик қил. Сен уларга дон беришинг керак, токи улар очликдан кулфат чекмасинлар”. Мана, ҳозир улар келишди ва айтяптлар: “ҳеч нарса олганимиз йўқ”. Бу хатни олишинг биланок уларга 2001 кафч дон бер. Суғд подшоси Деваштичдан фрамандар Аватга”⁷⁷.



А-18 – Recto



А-18 – Verso


А-18. Деваштичнинг Фармондор Аватга фармони.

Росия ФА Шарқ қўлёзмалари институтида сақланади (Санкт-Петербург)

⁷⁷ Begmatov A. Sogdian Textual Materials from Central Asia: A Critical Re-edition of the Documents from Mount Mugh. Unpublished dissertation. Kyoto, 2020. P. 164-166.

Қоғознинг орқасига икки қатор хат битилган. Унда буйруққа аниқлик киритиш кўзда тутилган: “Донни эса ўзлари тақсимлаб олишади, (сен) пайсалга солма (яъни, тез бажар – тўхтатма)”. Хат мазмунидан кўриниб турибдики, Деваштич Зрунб қишлоғи аҳолисига дон бериш тўғрисидаги буйруқни иккинчи марта такрорлашга мажбур бўлган. Шунинг учун фармондор Аватга “Қил деган ишни қилмайсан, балки қилма деганимий қиларсан?” қабилида киноя қиляпти.

Архивнинг Б-18 рақамли ҳужжат ҳам жамиятда ижтимоий ёрдам кўрсатиш масаласига қаратилгани ҳужжат мазмунидан ангалшилади. Ахуфарннинг Фармондор Аватга мактуби акс этган ушбу ҳужжатда дон билан боғлиқ яна бир келтирилган бўлиб, унда Ахуфарн ва Хутачанларга 200 кафч дон бериш ҳақида гап боради⁷⁸.



Б-18. Ахуфарннинг Фармондор Аватга хати.


Россия ФА Шарқ қўлёзмалари институтида сақланади (Санкт-Петербург)

Бу ҳужжатлардаги дон миқдори ҳар гал қарийб 2-3 тоннага яқин. Омборлардан бу доннинг нима асосда истеъмолга тарқатилиши ҳақида бир нарса дейиш қийин. Ҳар ҳолда бу

⁷⁸ Каталог памятников согдийской письменности в Центральной Азии (Catalogue of sogdian writings in Central Asia) (Составители: Б.Гойбов, П.Лурье, А.Бегматов, В.Распопова, Г.Бобоёров. Самарканд: МИЦАИ, 2022. С. 149-150

олди-сотди муносабати эмас. Дон эвазига бирор нарса ундирилиши ҳам ҳужжатларда қайд этилган эмас. Бу маънода дон тарқатилиш анъанавий қишлоқ жамоачилиги даражасидаги ижтимоий муносабатларнинг бир кўриниши деб қаралиши мумкин.

Худди шу каби ҳужжатлар (А-16)дан яна бирида подшо омбордаги мусалласнинг энг хушбўйидан, яъни канизаклар ичадиганидан элтабар Кисуга бериши, бу ишни вайсалга солмаслиги (тўхтатмаслиги), май қолдиғини эса қайтадан муҳрлаши, шу ҳолда эҳтиёт қилиб асраши, мактубни эса ҳисобот ҳужжати сифатида сақлаши кераклиги буюрилади.



А-16. Деваштичнинг Фармондор Аватга канизаклар ичадиган май навидан жўнатиши тайинланган буйруқ нусхаси.

Росия ФА Шарқ қўлёзмалари институтида сақланади (Санкт-Петербург)

Ҳужжатда бир жиҳат қизиқ туюлади. Унинг охирида “Деваштич подшолигининг иккинчи йили, хваризнич оyi

нағран руч куни бу хат Деваштич томонидан муҳрланди ва унинг (подшонинг) буйруғи билан (иккинчи) нусха тайёрланди” деб таъкидланган. Май – мусалласга нисбатан бундай таъкидий оҳангдаги ҳаддан зиёд пухта расмийлаштирилган мактуб ёзилиши бежиз эмасдир. Балки Суғд жамиятида ҳам ичкилик борасидаги эҳтиётсизлик оқибатини яхши тушунишгандир.

Археология амалиётида дон маҳсулотлари, мева уруғларининг қолдиқлари топилганини кўп ёдгорликлардан билиб олса бўлади. Масалан, энеолит даври ёдгорлиги Джайтун (Туркменистон) Ватанимиздаги энг қадимий маданий деҳқончилик ёдгорликларидан биридир. У ерда доннинг турли хил қолдиқлари топилган. Сурхондарёдаги Сополлитепада қорайиб кетган дон қолдиқлари қарийб 4000 йил ер қаърида ётиб, бизгача сақланиб келган. Қулдорлик даври деҳқончилигининг асосини ҳам дон етиштириш ва мевачилик ташкил қилгани маълум. Илк ўрта аср ёдгорликларида ҳам дон қолдиқлари кўплаб топилган. Айниқса, улар кўпинча катта-катта хумларнинг тагида қолиб кетган. Бундай хумларда одатда дон, ёғ, мусаллас каби маҳсулотлар сақланган. Қадимий Парфия давлати пойтахти Ниса (Митрдаткирт) шаҳри харобаларидан топилган бино омборларидаги асосий идишлар ҳам хумлардан иборат бўлиб, уларнинг тубида узум уруғлари сақланган. Бу каби археологик далиллар Панжикент шаҳри харобаларида олиб борилган қазишмалар чоғида топилгани эса ёзма манбалардаги маълумотларнинг археологик артефактлар асосида ўз тасдиғининг нишонаси ҳисобланади.

СУҒДИЁНА ЭЛЧИСИ ФАТУФАРН ҚАДИМГИ ТОШКЕНТДА

(Суғд бошчилигидаги коалиция тузиш ҳаракатлари)

705 йилдан бошлаб Ўрта Осиёда араб истилочилик ҳаракати сурункали ва кенг кўламли йўналишга кирди. Бу, айниқса, 704 йили Хуросонга – Араб халифалигининг Шарқ ва Ўрта Осиёга қаратилган кучли ҳарбий-сиёсий юришларига ноиб қилиб Қутайба ибн Муслим тайинланганидан кейин кучайди.

Қутайба Мовароуннаҳрни забт этиш ишига бевосита киришди. Ўлкадаги сиёсий тарқоқлик, ички феодал низолар унга қўл келди. 706 йили арабларнинг катта кучи Амударёдан ўтиб, Пойкентга – Бухоро яқинидаги обод ва кўркем шаҳарга, ўз даврининг йирик савдо марказига ҳужум қилди. Шу ернинг ўзидаёқ Қутайба Балх ва Чағониён (ҳозирги Сурхондарё ва жануби-ғарбий Тожикистон ерларидаги илк ўрта аср мулки) ҳарбий кучларини Пойкентга қарши ишга сола билди. Пойкент узоқ муддат қамалда сақланди⁷⁹. Бу ерда Қутайба аскарлари биринчи бор аҳолининг кучли қаршилигига йўлиқди. Ҳатто араб қўшинларининг катта қисми суғдийлар қуршовида қолди. Қутайбанинг қўшни орти билан алоқаси узилиб қолди. Лекин Қутайба мудофаачилар орасига нифоқ солиш билангина Пойкентни олишга эришди⁸⁰.

Сўнгра у Бухорога юзланди. Вайрон бўлган Пойкент мисоли Мовароуннаҳр аҳолисига дарс бўлди. Энди Бухоро ва бошқа мулкларнинг кучларини бирлаштириш зарурлиги яққол бўлиб қолди. Ромитон яқинида турк ва суғдларнинг катта кучи арабларни яна исканжага олди. Қутайба эса ўз айёрлигини яна ишга солиб, ёлланган одамлар орқали туркларни суғдийларга қарши қарата олди. Натижада иттифоқчилар ажралиб кетди. Лекин Қутайба ҳам кўп куч йўқотгани сабабли Марв шаҳрига қайтди.

⁷⁹ История ат-Табари / Пер. с араб. В.И.Беляева с допол. О.Г.Большакова, А.Б.Халидова. Ташкент: Фан, 1987. С. 276-278.

⁸⁰ Кадырова Т. Из истории крестьянских восстаний в Мавераннахре и Хорасане в VIII – начале IX в. Ташкент: Фан, 1965. С. 63.

708-709 йиллардаги қайта-қайта ҳужум оқибатида Бухоро ва унинг атрофидаги ерлар истилочилар қўлига ўтди. Бухоро учун жанглар давомида Қутайба ҳар бир шаҳар ҳимоячисининг боши учун 100 дирҳам мукофот белгилади. Одам бошидан миноралар пайдо бўлди. Лекин бу ҳам халқнинг иродасини бука олмади. Шунда Қутайба турклар билан Суғд подшоси Тархун ўртасидаги ҳарбий иттифокни бузишга интилдди ҳамда бунга эришди⁸¹. Араблар Бухорони, сўнгра Насафни эгалладилар.

Тархуннинг арабларга ён босувчи сиёсати унга нисбатан мамлакат ичида сиёсий мухолифлар ҳаракатини кучайтириб юборди. Натижада у тахтдан тушиб (Ёқубийга кўра иниси Ғурак томонидан ўлдирилган), ўрнига Ғурак подшо бўлди.

Мовароуннаҳрдаги воқеалар орасида 712 йилда Хоразмда содир бўлган Хурзод исёни Қутайбанинг диққатини тортди. Қутайба дарҳол Хоразм шоҳининг ҳимоячиси сифатида бу ишга аралашиб исённи “бартараф” қилади. Хоразмшоҳ шу тариқа ватанпарварлар fronti билан бирлашишдан бош тортади ва ўз қўшинларп билан Қутайбага ёрдам беришга киришади. 712 йилдаги Самарқанд қамалида Бухоро ва Хоразм қўшинлари араблар томонида туриб жанг қилгани бунинг яққол мисолидир. Ихшид Ғурак Қутайбага шундай деган эди: “Сен менга қарши ўз биродарларимнинг, хонадоним одамларининг қўли билан жанг қиляпсан, қани менга қарши арабларингни қўй-чи!”⁸².

712 йили Ғурак араблар билан Самарқанд учун жуда оғир шартлар акс этган битимни имзолашга мажбур бўлади. Шартга кўра Самарқанд бир йўла 2 миллион дирҳам пул, 3 минг нафар катта ёшдаги кул, йилига эса 200 минг дирҳам тўлаши лозим эди. Бундан ташқари шаҳардаги ибодатхоналарнинг хазиналарини топшириш, уларни бузиб, ўрнига масжидлар

⁸¹ Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. Москва: Наука, 1970. С. 261-265.

⁸² Бартольд В.В. К истории арабских завоеваний в Средней Азии / Соч. Москва: Наука, 1964. Т. II (2). С. 380-388

куриш, Самарқандда қўшни тутмаслик каби шартлар ҳам кўзда тутилган⁸³.

Бундай мағлубият ҳам суғдийлар иродасини бука олмади. Самарқанд мағлуб ҳисоблангани билан унга тобе мулклар, айниқса Панжикент яна ўн йил давомида араблар билан кураш олиб борди. Шу кураш жараёнида Панжикент ҳокими Деваштичнинг фаолияти юқорида қисман қайд этилган эди. Деваштич Суғд подшоси Ғурак билан оппозицияда турган ҳолда ўзининг деярли мустақил сиёсатини олиб боришга интилди.

Қутайбанинг ўлимидан сўнг (715), арабларнинг Ўрта Осиёдаги мавқеи хавф остида қолади. Араб халифалиги учун эндиликда маҳаллий халқни бўйсундириш учун қаттиққўл саркарда ёки айёрона дипломатик маҳорат зарур эди⁸⁴. Шу нуқтаи-назардан олиб қараганда араблар дипломатик айёрлик олиб бориб, ўзларининг сиёсатлари таъсирини сездириш мақсадида Хуросон амирининг буйруқларига ҳамда Нижитак ва Кўрчи орқали юборилган оғзаки огоҳлантиришга Деваштичнинг кулоқ солишини таъминлашга ҳаракат қилишган⁸⁵. Буни яхши тушунган Деваштич ўзини ислом динини қабул қилган деб кўрсатишга ҳаракат қилган⁸⁶. Деваштичнинг ўзини мусулмон қилиб кўрсатиши ҳам тасодиф эмас эди. Унинг ислом динини ўз мақсади йўлида номигагина қабул қилиши, конфедерациянинг бир бутунлигини сақлаб қолишга ҳаракат қилганлигини ифодаларди. Мазкур ҳаракатлар орқали Деваштич 722 йилга қадар Самарқанд эгаллангандан кейин ўн йил давомида ўз дахлсизлигини сақлаб қолишга ҳаракат қилган.

Бу давр Турк хоқонлиги Фарғона ва Чоч билан ҳарбий иттифоқ тузишга ёки мавжуд иттифоқ шартлари бўйича айрим масалаларни қайта қараб чиқишга ҳаракат қилаётган бир палла

⁸³ Kurat A.H. Kuteybe bin Muslim'in Hvarizm ve Semerkend'I zebti (higri 93-94-miladi 712) / Ankara Universitesi Dil va Tarih – Gografiya dergisi. – 1948. Cilt VI. № 4. S. 387-430.

⁸⁴ СДГМ II. С. 200.

⁸⁵ Беленицкий А.М., Маршак Б.И. Древнейшее изображение осадной машины в Средней Азии / Культура Востока. Древность и раннее средневековье. Ленинград: Аврора, 1979. С. 215-221.


⁸⁶ Крачковский И.Ю. Древнейший арабский документ из Средней Азии. ... С. 185-186.

ҳисобланган. Шу маънода Деваштичнинг Чочга юборган элчиси Фатуфарн номидан ёзилган мактуб алоҳида диққатга сазовордир. Бу мактуб “Муғ архиви” ҳужжатлари орасида А-14 рақами билан рўйхатга олинган бўлиб, мазмунан ўша оғир йиллардаги ҳарбий сиёсий аҳвол ҳақида фавқулодда қизиқ маълумотлар беради. В.А.Лившиц фикрича, мактуб 717-719 йиллар орасида битилган деб тахмин қилинади⁸⁷. Чунки тарихда Суғд, Чоч, Фарғона ва Турк ҳоқонлиги ўртасидаги коалиция 715 йилгача давом этгани маълум.

Чочга етиб борган Фатуфарн иттифоқчилар тўғрисида қатор маълумотларни олиб қайтмоғи, шу билан бирга кучларни ёпирилиб келаётган истилочиларга қарши бирлаштириши лозим эди. Лекин у ўз хўжаси (Деваштич)га шундай ёзади: “Ҳоким жанобларига, буюк суянчимиз Суғд подшосига, Самарқанд ҳокими Деваштичга унинг камтарин кули Фатуфарндан мурожаатнома. Ҳоким жаноблари, сенга шон-шавкати буюк (ҳокимга) кўп иззат-ҳурмат йўллайман. Шундай килиб, мен бу ерга – Чоч ҳукмдори ҳузурига келдим. Хатларни ва оғзаки етказишим лозим бўлган (гапларни) топширдим, тўлалигича, ҳеч нарсани туширмай баён этдим – тудунга ҳам, (унинг) ёрдамчисига ҳам. Жаноб ҳоқонга ва Фарғона подшосига ҳам хатларни Фарғона тутуғи орқали жўнатдим. Жаноб мен янада нарироқ боролмадимки, овозаларга кўра ҳоқонни кўришнинг иложи йўқ эмиш. Жанобдан, тудундан ва унинг ёрдамчисидан хат ва жавобларни олдим. Апвартканга яқинлашганимда пастки ўлка ҳақида яхши хабарлар эшитмаяпман. Уструшана вилояти эса тўлиқ топширилган. Ва мен, жаноб, яккаю ёлғиз, ҳамроҳсиз, йўлда давом этишга журъат этолмаяпман. Шунинг учун, жаноб, мен Чочга яна қайтиб келдим. Бунинг учун сендан қаттиқ кўрқувдаман. Жаноб, тудун араблар билан сулҳга биноан чекинди. Битимга кўра Жамраваз ва форс лашкарбошиси қуйи томон кетдилар. Тудун Тарбанд билан битим тузди ва у ерларнинг ҳаммасини олди. Овозаларга қараганда ёрдамчи ҳам пастки ўлкадаги сулҳ

⁸⁷ Лившиц В.А. Согдийский посол в Чаче // СЭ. 1960, №2. С. 92-109.

туфайли жуда хафа эмиш ва сендан ёнингга боролмагани учун кўрқаётган эмиш. Бу хатларни жаноб Марвон орқали Қандга жўнатдим”.



А-14. “Суғд подшоси, Самарқанд хукмдори” Деваштичга йўлланган мактуб. 717-719 йиллар оралиғида ёзилган.

*Россия ФА Шарқ қўлёзмалари институтида сақланади
(Санкт-Петербург)*

Хатда Чоч подшоси, тудун, Фарғона подшоси, тутуғи, тудуннинг ёрдамчиси каби лавозимлар тилга олинади. Бу ўринда манбаларга асосланиб Чочда подшолик ҳокимияти ҳамда Шарқий турк хоқонлигининг назоратини амалга оширувчи вакил бўлган тудуннинг қўлида фуқаролик маъмурий ҳокимияти бўлганлиги ҳақида фикр юритиш мумкин. Ёрдамчи эса тудуннинг ўринбосари ва унинг номидан масъул шахс бўлган. Матнда бу лавозим “назтиғрив” деб берилганки, бунинг маъноси “ўзига яқин” шахс демакдир. Тутуқ сўзи орқали

Фарғона ихшидлигининг ҳарбий маъмурияти бошлиғи деган маъно ифодаланган. Бу сўз Қораболғасундан топилган суғдча матнда ҳам учраган эди ва хитойча *туо-туок* сўзининг туркий тилларга ўзлаштирилган шакли ҳамдир, деб кўрсатади тадқиқотчи.

Хоқон – Муғ ҳужжатларидаги хоқоннинг айнан ким эканлиги масаласи баҳсли. Айрим тадқиқотчилар уни Шарқий турк ҳукмдори Инал хоқон (716 й.) билан, айримлар эса арабларга қарши маҳаллий ҳукмдорларга бош бўлган Тургаш хоқони Сулу (717-738) билан тенглаштирадilar. Эҳтимол, у Ғарбий турк хоқонлари – Ашина Хян ёки Ашина Синлардан бири бўлиши ҳам мумкин. Қуйида кўриб ўтиладиганидек, В-18 ҳужжатда арабларга қарши Суғдга ўз иттифоқчи қўшинларини юборган “хун (турк) ва чин (хитой)”лар ҳақида гап боради. Бу пайтда Шарқий турк хоқонлари ҳам, Тургаш хоқонлари ҳам Хитойдаги Тан сулоласи билан асосан ўзаро душман кайфиятда бўлиб, Ғарбий турк хоқонларининг аксарияти эса Хитой томонидан тайинланувчи ёки қўллаб-қувватланувчи ҳукмдорлар эди⁸⁸.

Нима бўлган тақдирда ҳам Фатуфарн қайтиб Суғдга – Панжикентга келолдими – бу муҳим эмас. Лекин унинг Чочда “қамалиб” қолиши араб истилочиларининг 717-719 йилларда Ўрта Осиёда олиб борган истилочилик ҳаракатлари билан боғлиқдир. В.А.Лившицнинг кўрсатишича, Балазури ўзининг “Китоб футуҳ ал булдон” асарида “араб халифалигининг Хуросондаги ноиби Ал-Джарроҳ бин Абдуллоҳ лашкарбоши Абдуллоҳ бин Маъмар ал-Йашкурийни Мовароуннаҳрга юборди, у душман юрти (Ўрта Осиёнинг – И.М., Ғ.Б.) ичкарисига кириб борди, ҳатто Хитойга ҳам ўтмоқчи эди. Лекин арабларни турклар ўраб олдилар. Ал-Йашкурий товон тўлаб қутулди ва Шошга келди” деб қайд этади. Ал-Жарроҳ 717 йилнинг охиридан 719 йилнинг апрелигача Хуросонда ноиблик қилган. Демак, Ал-Йашкурийнинг ҳарбий юриши 718-719 йилларга тўғри келган ва Суғд элчиси Фатуфарн айнаи шу

⁸⁸ Исҳоқов М., Бобоёров Ғ., Кубатин А. Суғд тилидаги манбалар / Ўзбекистон тарихи. Хрестматия. 2/1. Тошкент: Фан, 2014. Б. 65.

воқеаларнинг гувоҳи бўлган. Элчилик миссияси юзасидан Чоч шаҳрида олинган дипломатик жавоб мактубларини ҳамда ўзининг ёзган хатини Фатуфарн Марвон исмли шахс орқали жўнатган. Марвон уларни дастлаб Кандга – илк ўрта аср Конибодомига, ундан Хўжандга ва Уструшана орқали Суғдга етказмоғи керак бўлган. Ҳамонки, Фатуфарннинг хати Деваштич архивида сақланган экан, Марвон қийин ва хавфли топшириқни садоқат билан охирига етказган ва хат ўз манзилига етказилган.


СУҒДИЁНАДА НАРХ-НАВО (товар-пул муносабатларининг хусусиятлари)

“Муғ архиви” ҳужжатлари орасида хўжалик ҳисоботи, кирим-чиқим ва статистик қайдлар билан боғлиқ мазмундаги ёдгорликлар кўп сонни ташкил этади. Бу туркум илк ўрта асрдаги Суғдиёна иқтисодиётининг аҳволи ҳақида, сарой хўжалиги ҳақида, қатор ижтимоий табақалар ва уларнинг ишлаб чиқаришда тутган ўрни ҳақида ер-мулкка эгалик муносабатлари ҳақида кўплаб қимматли маълумотлар беради. “Муғ архиви”нинг яна бир қимматли жиҳати шундаки, улар илк ўрта асрлардаги Суғд товар-пул муносабатлари, ишлаб чиқариш ва унда ижтимоий табақаларнинг иштироки, жамият моддий бойликларидан фойдаланиш шакллари каби қатор масалаларни ойдинлаштиради.

Архивдаги А-5 рақамли ҳужжатда подшо Деваштич саройи аёллари ва бир қанча бошқа шахслар учун сарф этилган турли буюмлар ва уларга харж этилган пулнинг реестр рўйхати акс этган: “Шундай қилиб Фисар бу драхм 27 (лар)дан 200 тасини от учун берди, Кажмонакка 32 (драхм), Махрга 12 (драхм), Ванга мол боққани учун 6 (драхм), бухороликка – 5, кушонияликка – 10, ҳужжатлар тузувчига (парвоначига) – 8, қассобга – 5, Вишйанга бошмоқ учун 2 (драхм), ҳокимга (Деваштич кўзда тутилади) дубулға учун 2 (драхм), бошмоқ учун 2 (драхм), қоғоз учун, Вардакат ёғи ва ипак учун 8 (драхм) ва ҳоказо. Бу рўйхатни агар нархлар бўйича кўчирилса қуйидаги нарх-навони кузатиш мумкин. Жумладан, ҳужжатлар тили билан айтганда, от – 200 драхм бошмоқ – 1-2 драхм чўпоннинг иш ҳақи – 6 драхм, қассобга – 5 драхм парвоначига (?) (ёки котиб) – 8 драхм дубулға – 2 драхм, қоғоз – 8 драхм ипак – 8 драхм, ёғнинг бир нави – 8 драхм, сигир – 11 драхм, том ёпиш учун ҳақ – 100 драхм, табибнинг иш ҳақи – 15 драхм, соқийнинг иш ҳақи – 15 драхм ва ҳоказо⁸⁹.

⁸⁹ СДГМ III. С. 51-54.

Рўйхатда бундан ташқари, кўпгина шахслар – турли касбдаги кишилар, лавозим эгалари, жумладан, боғбон, коҳин кабилар қаламга олинган. Шунингдек, Деваштичнинг шахсан буйруғи билан хазинадан турли шахсларга пул берилгани ҳам (бухоролик, фрамитонлик хотин учун) қайд этилган. Шуниси қизиқки, сарфиёт ҳақидаги бу ёзувлар сарой ва давлат хизматида кўпгина тўланадиган пул бевосита ҳоким назоратида бўлганини кўрсатади.



А-5. Молиявий ҳисобот

*Россия ФА Шарқ қўлёзмалари институтида сақланади
(Санкт-Петербург)*

Иккинчи томондан эса шунчалик қатъий ҳисобот хужжати билан иш кўрилганига қарамай тўловлар меъёрлаштирилгани ҳақида хулоса қилиш қийин. Масалан, Деваштич топшириқ билан бирор кишини жўната туриб, унга 10 драхма беришни

хазиначига буюриши мумкин ёки ёзги қароргоҳига кетгач, Деваштич ўша ердан туриб чўпон орқали буйруқ юбориши ва шу асосда Ғун, Футчак ва яна кимгадир 3 драхмдан пул берилиши мумкин. Шу жумладан бош коҳин 50, Вишак (қишлоғининг) ҳокими 10, Мит – 4, Читчит – 4, Хумдот – 4, ғупат – 50, Авдмахч (боғбон боши) 10 драхм ва ҳоказо пул олганлиги рўйхатга тушган⁹⁰.

А-5 хужжатдаги қатор шахсларнинг номи бошқа хужжатларда ҳам учрайди. Бу ҳол уларнинг саройдаги фаолияти билан боғлиқ бўлса керак. Масалан, Ревахшён, Читчит. Хужжатнинг айрим қаҳрамонлари, жумладан, *пардезбон* – боғбон, *друтпат* – табиб, *хишпан* – чўпон, *патхванак* – қассоб, *зутпат* – вино омборлари назоратчиси, *ғупат* – саройда молия ишлари мутасаддиси кабилар Суғд давлат уюшмаси ижтимоий ҳаётининг турли соҳаларида хизмат қилган кишилардир.

А-5 хужжати заминида бир қатор иқтисодий масалалар юзасидан ҳам маълумотлар топиш мумкин. Масалан, драхм пул бирлиги ва унинг курси масаласи диққатга сазовордир. Маълумки, Муғ хужжатларидан бир қанчасида (В-8, В-14, В-9, А-15, В-7, А-11) драхм сўзи пул бирлиги маъносида учрайди. Бундан ташқари, драхмнинг айрим сифатлари ҳам учрайдики, булар суғдий матнларида драхми динорий, нимик (ярим) драхма, накиртича драхма (кумуш драхма) тарзида қўлланган. Драхма тангалар зарб этишнинг айрим шаҳар билан боғлиқлиги ҳам баъзан матнларда учрайди. Масалан, “пухар драхма” ибораси VII аср охирлари ва VIII асрларда Бухоро ҳокимлари – бухорохудотлар томонидан зарб қилинган тангаларни кўзда тутлади.


Драхми динори деб номланган турдаги танга пуллар динор бирлигининг ҳам илк ўрта аср пул муомаласида ишлатилганидан далолат беради. Бу ўринда динорий сўзининг драхмага нисбатан аниқловчи-сифат ҳолатда қўллангани қизиқ. Муомаладаги динор сўзи суғдийчага таржима қилинган

⁹⁰ СДГМ II. С. 181-185.

христиан матнларида, моний дини матнларида олтин танга маъносида ишлатилган. Лекин Суғдда VII-VIII асрларда олтин танга зарби умуман йўқ эди. Шунга кўра драхми динорий Суғд пул тизимида энг тўлиқ вазнли, сифатли кумуш танга маъносида қўлланган бўлса керак, деган тахмин суғдшуносликда қайд этилган. Умуман тангаларнинг сифати ҳақида матнларда кўпинча қўшимча изоҳлар учрайди. Масалан шйр(а) – яхши сифатли, кирана – тоза, патсинча – тасдиқланган, амал қилишда ишончли (пул) кабилар шулар жумласига киради. Муғ хужжатларида мис, бронзадан зарб қилинган “пани” деб аталган майда чақа пуллар ҳам ишлатилган. Улар чакана савдода амал қилиб, кенг минтақаларга – жанубий Туркманистон, Ўзбекистоннинг барча ҳудудлари – Самарқанд, Бухоро, Тошкент воҳаси, Фарғона водийси, ҳозирги Қирғизистон ва Шарқий Туркистон бўйлаб тарқалган.

Муғ архиви пул харажатлари реестрларидан бир неча намуналарни сақлаган. А-11 хужжатида икки сигир учун 13 драхм пул берилгани ва қатор шахсларга 7, 4, 10, 5 драхмдан пул берилгани қайд этилган⁹¹. Бу ўринда 13 драхм баҳоланаётган икки сигир билан 11 драхмга сотиб олинган ва янги йилда ейилган сигир (А-5) нархлари Суғд бозорида сигирнинг ўртача нархи 8-10 драхм атрофида бўлган дейишга асос беради. Шунга нисбатан олганда отнинг нархи 200 драхм бўлиши, албатта, отнинг Панч мулки ва Суғддаги хизмати билан белгиланса керак.

⁹¹ Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика Средней Азии и Семиречья. Санкт-Петербург: Филологический факультет Санкт-Петербургского университета, 2008. С. 220–222.



А-11. Сарфиёт рўйхати

*Россия ФА Шарқ қўлёзмалари институтида сақланади
(Санкт-Петербург)*

Хужжатларда сотиб олинаётган нарсалар, кийим ва турли анжомлар оддий шахслар учун ҳам, подшо Деваштич учун ҳам бир хилда. Масалан, Деваштичга дубулға учун 2 драхм, бошмоқ учун 1 драхм сарфлангани ҳолда Вишйан исмли кишига ҳам бошмоқ учун 1 драхм сарфланган. Бу маънода подшо ва унинг хизматидаги зодагонларнинг ер-мулк ижтимоий муносабатларида тутган ўрни кўп фарқ қилмайди. Деваштич йирик мулкдор сифатида ҳамда Панжикент ҳокими, ҳатто Суғд подшоси сифатида иш кўрган. Лекин у мулкий муносабатларда чекланмаган ҳокимиятга эга эди дейишга асос йўқ. У ҳам Суғд жамиятининг фуқароси сифатида ўз тегирмонини ижарага бериши мумкин, хазинадан 2 драхмлик дубулға ёки 1 драхмлик бошмоқ олиши мумкин. Бу ҳол подшо моддий бойликдан кўп қатори фойдаланганини кўрсатади. Бунинг устига Деваштичнинг ўзи давлат миқёсидаги сарфу-харажат ишлари устидан назорат қилиб турган. Шунинг учун баъзан унинг ўзи хужжатлардан нусхалар олдиртирган ёки унинг буйруғи билан

берилган пул ёки буюмлар рўйхатларда алоҳида қайд этилган. Бу каби ҳолат Суғднинг маркази Самарқандга ҳам хос эди дейишга асос йўқ. У ерда подшо ҳокимиятининг ҳуқуқ меъёрлари ҳақида бирор далил бўлгулик ёзма ёдгорликлар топилган эмас. Лекин Афросиёбда топилган илк ўрта асрга оид ҳукмдор саройининг серҳашам хоналаридан биридаги тасвирий санъат обидалари Суғд ҳукмдорининг яшаш тарзи тамоили ўз ҳашами ва дабдабаси билан, шартли расмият шакллари билан вассал ҳокимликларга, жумладан, Панжикентга нисбатан кескин фарқ қилганидан далолат беради.

Хўжалик ҳужжатлари, пул сарфиёти рўйхатларида қайд этилган қатор исмлар шахсияти, уларнинг ҳазинадан ҳиссадорлиги, подшо билан муносабати, даража ва лавозимларнинг тақсимооти кабилар ҳам етарли изоҳланган эмас. Бундан ташқари қатор предмет номлари лексик-семантик изоҳ топтоғи лозим. Бу вазифалар Муғ тоғи ҳужжатларини янада чуқурроқ ўрганишни тақозо этади. Ушбу ўриндаги мулоҳазалар архив ҳужжатларининг тарихий таҳлили йўлидаги бир шингил холос.

ХУСНИХАТ ВА ХАТТОТЛАР

(“Муғ архиви” ҳужжатларининг муаллифлари)

Суғдий ёзувнинг тараққиётида бир неча ўзига хос босқич мавжуд экани маълум. Орамий ёзуви қадимги Эрон подшолигида эрамиздан аввалги биринчи минг йилликда кенг қўллангани билан бирга қўшни халқлар орасида ҳам ёйила бошлаган. Жумладан, милоддан аввалги III-II асрлардаёқ бу ёзув қадимги Парфия ва Суғдда ёйилган. Парфия давлатининг пойтахти Михрдаткирт (фанда Ниса номи билан машҳур) шаҳри вино омборхоналаридан топилган минглаб сопол парчаларидаги ҳисоб ёзувлари Ўрта Осиёда амал қилган орамий типидagi алифбонинг энг эски намуналаридандир⁹².

Бу ёзувларнинг асосий хусусияти график жиҳатдан ҳарфларнинг ўзаро уланмай ёзилганидандир, яъни Ниса котиблари ҳали лигатура усулидан, қолаверса, курсив ёзув усулидан фойдаланишган эмас. Тадқиқотчилар қўлида тўпланган маълумотларга кўра, ўрта эроний тиллар ёзма ёдгорликларининг барчасида ҳам курсив узлуксиз боғлиқ усулдаги ёзув эрамизнинг IV-VI асрларида шаклланган деб қаралади. Шу маънода парфия ёзувининг I-II асрга оид сопол идиш сиртига битилган намунаси (М.Е.Массон раҳбарлигидаги экспедиция эски Марв шаҳри харобаларидан топган) ўзининг асосига шаклан яқин туради ва кейинги курсив ва қадимги босқич ёзувлари оралиғини ташкил этади.

Суғдий ёзув ҳам шу каби дастлаб ҳарф белгиларининг бир-биридан айрим ёзилиши билан ажралиб турган. Эрамизнинг I асрларига оид тангалардаги суғд ёзуви ана шундай эди. Кейинчалик бу ёзув такомиллаша бориб курсив услубга яқинлаша борди. VII аср курсив ёзувининг юксак ҳуснихат шакллари билан дастлабки шакллар оралиғида IV аср бошлари ёдгорлиги “Кўҳна хатлар”нинг ёзув шакли туради. Суғдиёнада буддизм тарғиботи туфайли, хўжалик идора ёзув-чизувлари амалиётининг фаоллашуви туфайли қолаверса,

⁹² Дьяконов И.М., Лившиц В.А. Документы из Нисы I в. до н.э. Предварительные итоги работы. Москва: Издательство Восточной литературы, 1960. С. 5-8.

адабий ва турли ривоят матнларини ёзиб кўпайтиришга интилиш туфайли, дипломатик муносабатлар талаб эҳтиёжлари туфайли хат такомили, айниқса орамий алифбонинг бир шаклини давом эттирган Самарқанд ёзуви шакли тез такомиллаша борди. Бу ёзувда “Кўхна хатлар”дан бошлаб то қатор диний будда ривоят ва ҳадислари матнларигача бизга етиб келган. Масалан, Будданинг ўтмишда босиб ўтган ҳаёт йўли, унинг сабр-бардоши, чексиз саҳовати, азоб-уқубатлари ҳақида ҳикоя қилувчи китоб “Весантара жатака”, ахлоқий-диний трактат ҳисобланмиш “Қилмишларимизнинг сабаблари ва оқибатлари ҳақида сутра”, “Дхйака сутра” ва бошқалар ҳамда П.Пельо экспедицияси томонидан топилган суғдий-буддавий диний, ахлоқий матнлари, турли минераллар – тошлар ва уларнинг магик ҳамда даво хусусиятлари ҳақидаги матн парчалари шулар жумласидандир⁹³.

Булардан ташқари суғдий матнларнинг кўплаб парчалари Ленинградда сақланмоқда. Уларнинг катта қисмини А. Н. Рагоза махсус китоб ҳолида изоҳ ва луғатлар билан нашр қилди. Бу матнлардаги хат тури суғдий ёзувнинг қадимий карвон йўллари бўйлаб тарқалган Самарқанд ҳуснихат мактаби маҳсулоти эканлиги фанда тан олинган⁹⁴. Самарқанд ҳуснихат намуналарининг энг муҳим қисмини, мазмун жиҳатдан Суғддаги VII-VIII аср ижтимоий ҳаёти билан боғлиқ ёдгорликлардан иборат ноёб бир туркумини “Муғ архиви” ҳужжатлари туркуми ташкил этади.

Бу ҳужжатлар ҳам ёзув шаклига кўра турличадир. У ердаги ҳужжатлар ўнлаб шахслар томонидан битилган. Масалан, 1.I. рақамли ҳужжатнинг ёзув шакли суғдий ёзувнинг юксак каллиграфик намуналаридаи биридир. Бу ҳужжатдаги ҳарф белгиларининг график шакллари жуда текис, равон ва ниҳоят даражада тугаллиги ҳамда аниқлиги билан ажралиб туради. Шунга кўра 1.I. ҳужжати юксак маҳорат эгаси бўлган котиб томонидан ёзилган. Бундан ташқари, ҳужжат араб

⁹³ Исҳоқов М., Гойилов Б. Суғдий ёзув чизма шакллари археограмматологияси. Молдова Республикаси: GlobeEdit, 2023. Б. 67-68.

⁹⁴ Распопова В.И. Школы писцов в Пенджикенте VII-VIII вв. ... С. 25-28.

тилидан суғдий тилга таржима қилинган ва унинг тилида суғдий тили ёдгорликларининг бирортасида учрамаган грамматик шакллар қўлланилганки, бу котибнинг нафақат ўз касбининг устаси эканлигидан, балки унинг суғд тили имкониятларидан жуда усталик билан фойдаланганидан ҳам далолат бериб турибди. Шу жиҳати билан 1.I. ҳужжати VIII аср бошларигача шаклланган дипломатик ёзма нутқ стилистикасининг ҳам муҳим ёдгорлигидир.

Ҳуснихатнинг юксак намуналари сифатида юқорида зикр этилган никоҳ битими матнлари ҳам муҳимдир. Улар суғдий ёзувнинг расмий дунёвий ҳужжатларда акс этган гўзал намунасидир. Бу ҳужжатлар яна шуниси билан қимматлики, улар орқали биз суғдий котиблардан бирининг номини биламиз. Бу котиб Ромтиш Вгашфарн ўғлидир. Рамтишнинг моҳирлик даражаси ҳам унинг қўли гул котиб эканини кўрсатиб турибди. Хат унинг қалами остида ниҳоятда гўзал ва равон ёзилган. Ҳужжатлардан яна икки моҳир котибнинг номи маълум. Буларнинг бири ер олди-сотдисини расмийлаштирган В-8 ҳужжатининг котиби Ваненок, иккинчиси эса Деваштичнинг тегирмонини ижарага бериш ҳақидаги ҳужжатни тузган котиб Сийамич Тишич ўғлидир. Ваненок, афтидан бошқа котиблардан ёзувнинг анъанавий китобий шакллари эгаллашда бир поғона пастроқ турган. Шу сабаблидир, айрим ҳолларда “и” учун қўлланган ҳарф “н” ёки “а”ни ифодалайдиган белгиларга яқин. “Х” ҳарфининг шакли будда матнларидагига ўхшаш ва ҳоказо. Бундай “эхтиётсиз” услубни шу матнлар тадқиқотчиси В.А.Лившиц ёзувни босқич билан эмас, балки котибнинг шахсий маҳорати билан белгилаш керак, деб таъкидлайди. Лекин айрим шу каби нуқсонларига қарамай, Ваненокнинг ҳуснихати ҳам “Муғ архиви”нинг моҳирлик билан расмийлаштирилган ҳужжатлари қаторида туради. Муғ архивидаги қатор кундалик ёзув намуналаридан кескин ажралиб турган ушбу ҳуснихат ҳақида А.А.Фрейман “дастхати текис ва ҳафсала билан битилган” деб ёзган эди.

Сийамич Тишич ўғли дастхати ҳам услуб жиҳатдан Ваненок дастхатига ўхшаб кетади. Ҳатто баъзи ҳарфлари

архиақ шакллари билан ажралиб ҳам турадики, бу ҳам котибнинг шахсий кўникмаси билан боғлиқ бўлса керак. Бу ҳолни ҳозирги кунимиздаги мактаб ҳуснихат шакллариға қиёсаш мумкин. Масалан, илгариги услубда ҳарф элементларининг графикасига алоҳида эътибор берилган бўлса, ҳозир қўлни узмай ҳарфларни равон улаб ёзиш мақсадида ҳарф элементлари соддалаштирилган. Лекин ҳаётда ҳар икки давр ҳуснихати асосида савод чиқарган кишилар бир вақтнинг ўзида икки хат услубидан фойдаланиб келмоқдалар (кирилл ва лотин ёзувлари). Шу маънода суғдий ёзув услублари тараққиёти VIII аср бошларида ҳам давом этаётган жараён эди деб хулоса чиқаришға тўла асос бор.

“Муғ архиви” ҳужжатлари бизга шундай намуналарни ҳам етказганки, улар оддий кундалиқ турмуш давомидз турли даражада саводли кишилар томонидан ёзилган матнлардир. Уларнинг ҳуснихат талаблари билан муносабати ҳам ҳар хил. Масалан, В-2, В-5, В-7 каби ҳужжатлар дастхати эътибор билан ёзилмаганлиги кўриниб туради. Умуман суғдий ёзувнинг Муғ ҳужжатларидаги дастхат шакллари палеографик маънода тўлиқ ўрганилган эмас. Лекин тадқиқотчиларнинг бу борадаги фикрларини у ёки бу муносабат билан қатор илмий асарларда учратиш мумкин.

Хуллас, келтирилган далиллар Суғдда саводхонликнинг қадимдан юксак даражада эканлигини кўрсатади. Жуда кўп одамлар ёзув-чизувдан хабардор бўлганлиги табиийдек. Суғдда саводхонликка интилиш кучли бўлганлиги кўпинча суғдийларнинг халқаро савдода ўйнаган роли ва мураккаб ички ҳўжалиқ тизими билан изоҳланади. Бундан ташқари, Суғд давлат уюшмасининг ички иқтисодий тараққиёти ҳам саводхонликни талаб этарди. Шунинг учун ҳам Суғдиёнада савод ўргатиш мактаблари, котиблик санъати мактаблари бўлган. 1965 йили Панжикентдан топилган суғд алифбоси битилган машқ тахтачаси, Марвдан топилган сополға битилган котиб машқлари, Турфондан топилган ёзув машқи (Отани коллекцияси) матни бу фикрни исботлаши мумкин.

ЧАРМ, ЁҒОЧ, ТОШ, СОПОЛ ВА ҚОҒОЗ **(“Муғ архиви”нинг ёзув материаллари сифатида)**

“Муғ архиви” ёдгорликлари учун ишлатилган материаллар ёзув тараққиётини ўрганишда муҳим объектдир. Юқорида қайд этилганидек, суғдий ёзув ва бошқа Ўрта Осиё ёзувлари ёдгорликларининг энг қадимийлари металл предметлар юзасидан бизга қадар етиб келган. Уларда хатнинг шаклан энг содда турларидан тортиб юксак курсив ҳуснихат шакллариғача мавжуд. Суғдий ёзувнинг кейинги намуналари кўпинча ипакдек нафис ва пишиқ “хитой” қоғозларига битилган. Бундан ташқари Самарқанд қоғози ҳам тарихда кенг маълум бўлиб, тадқиқотчилар фикрича, VII-VIII асрларда бу ерда қоғоз ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилган. Лекин ишлаб чиқариш технологик жиҳатдан қийин бўлгани учун қоғоз етишмаган ва қиммат турган (А-5 ҳужжатидаги ипак 8 драхм тургани ҳолда қоғоз учун ҳам 8 драхм тўланганини эсланг). Шу сабабли кўпинча хўжалик ҳисоб ишларида кундалик эҳтиёжлар учун қоғоз билан бир қаторда ёғоч ҳам кенг кўламда қўлланган. Ёғоч толдан кесилган таёқчалар бўлиб (узунлиги 0,5 м ва ундан ортиқ) уларнинг пўстлоғи шилинган, кўпинча узунасига иккига бўлиб ишлатилган. Ёғочнинг бўртиқ ва текис юзаларига ёзилаверган. Муғ ҳужжатларининг 30 га яқини шу каби тол ёғочларга ёзилган.

Чармдан ёзувда фойдаланиш анъанаси ҳам жуда қадимий. Ҳатто ривоятларга кўра қадимий Авеста – зардуштийлар муқаддас китоби ҳам дастлаб 200 кийик терисига олтин ҳарфлар билан битиб китоб қилинган экан. Муғ ҳужжатларидан бир қанчаси чармга ёзилган.

Уларнинг сақлаиш даражаси ҳар хил. Лекин ёзув материали сифатида Суғдда кенг қўллангани шу топилмаларданоқ маълум. Булардан ташқари, суғдий ёзувнинг қатор намуналари сопол парчаларида идишларнинг сиртида, тошда етиб келганки, улар тарихий ва маданий ёдгорликлар сифатида катта илмий аҳамиятга эгадир (Қораболғасун, Буғут,

Афросиёб, Панжикент, Талас дарёси водийси топилмалари, Култўба эпиграфик материаллари ва ҳоказо).

Суғд ёзма ёдгорликлари узоқ ўтмишда Ўрта Осиё халқлари маданиятининг юксак даражасини кўрсатувчи муҳим далил сифатида қимматлидир. Ҳозир суғдшунослик соҳаси қадимги Суғд мамлакати тарихи, маданияти, тили, дини, тарихий иқтисодиёти кабиларни комплекс ҳолда ўрганишни давом эттириб, катта илмий ютуқларни қўлга киритмоқда.

СУҒД КОНФЕРАЦИЯСИНИНГ СЎНГГИ КУНЛАРИ

721 йилнинг баҳорида Саид ибн Абдулазиз (Ҳузайна) ўрнига Саид ал-Хароший ноиб этиб тайинланади. Бу даврга келиб Суғдда нотинч вазият ўзининг юқори чўққисига чиққан бўлиб, тинимсиз ҳарбий ҳаракатлар натижасида шаҳар ва қишлоқлардаги суғориш тизими ишдан чиққан, мамлакатда очарчилик ҳукм суларди. Бу ҳақда ўша даврда битилган Муғ тоғи суғдий ҳужжатларида ҳам маълумотлар келтирилган. Суғдийлар арабларга *жизя* солиғини тўламай қўйган эдилар. Ал-Хароший кўзғолончиларга қарши ҳарбий ҳаракат олиб боришдан олдин улар билан келишувга келишга, шартлашишга ҳаракат қилади. Балазурийнинг берган маълумотларига кўра, Ал-Хароший кўзғолончи суғдийларга қарши ўзининг элчиларини жўнатиб, уларни ислом динига ўтказишга ва бўйсиндиришга ҳаракат қилган⁹⁵.

Балазурий келтирган сиёсий жараёнларни тўлдирадиган моҳиятдаги маълумотлар Табарий асарида учраб, унга кўра, бу даврни тўлиқроқ тасвирлаш учун воқеалар жараёнида етакчилик қилган шахсларнинг исм маъноларини очиб бориш муҳим аҳамиятга эга эди.

Табарий ўз маълумотларини ал-Харошийнинг ноиб этиб тайинлагач, бунини эшитган суғдийларнинг ўз ватанларини ташлаб кетишга қилган ҳаракатларидан бошлайди. Табарийнинг ал-Мадоинийга таянган ҳолда келтирган яна бир маълумоти шуки, суғдийларнинг ўз ватанларини тарк этишларини эшитган Араб халифалигининг Ироқдаги ноиб **Умар ибн Ҳубайр** уларни бу йўлдан қайтаришга ҳамда кимнинг ноиб бўлишини хоҳласалар ўшани тайинлашини етказди⁹⁶. Амир Абдурахмон ибн Субҳнинг Деваштичга йўллаган мактубида суғдийларнинг кимни ноиб этиб тайинлашни хоҳлашлари борасида гап борган бўлиши ҳам

⁹⁵ Балазури. Извлечения из книги “Китоб футух ал-Булдон” / Перевод извлечений С.Волина в кн. Туркмены. Ашгабад, 1950. Том. I. С. 177.

⁹⁶ История ат-Табарий. ... С. 184-185

мумкин. Шунинг учун ҳам бу мактубнинг ёзилган даврини 721 йил деб айтиш мумкин.

Воқеалар ривожини қандай бўлишидан қатъий назар суғдийлар ўз она юртлигини ташлаб Хўжандга боришга қарор қилганликлари маълум. Уларни бу йўлдан қайтармоқчи бўлган ҳукмдорларининг (бу даврда Суғдда ҳукмрон бўлган) гапларига кирмайдилар. Таъкидлаш лозимки, 10 мингдан ортиқ араблар билан келишолмаган суғдийлар ўз ватанларини тарк этганлар. Қолганлари ўзлари учун хавфсиз деб ҳисоблаган Фарғонага боришга ва ўша ердан араблар билан музокаралар олиб бормоқчи бўлдилар.

Араблар билан келишувга келганидан сўнг, Деваштич вазиятини ўз қўлига олишга ва арабларга қарши мустақил ҳаракат олиб боришга киришади. Деваштичнинг *Хахсар* ҳукмдори Афшунга йўллаган мактубида унинг томонига ўтиб кетмаслигини олдини олиш мақсадида буйруқ берганлиги Муғ тоғи суғдий ҳужжатларидан маълум⁹⁷.

В-17 ҳужжатида Афшунга Панч ҳукмдори Деваштич буйруқ маъносида эмас, балки, уни тинчлантириш маъносида мурожаат этган. Бундан ташқари, бу ҳужжатда Деваштич ўзини “Суғд подшоси” эмас, балки оддий ҳукмдор *хwβw* (хуву) деб тилга олади. Афтидан мактуб Деваштичнинг мушкул ҳолатида ёзилган⁹⁸.

В-18 ҳужжатида эса Деваштич ўзини “Суғд ҳукмдори” деб кўрсатиб, Афшунга нисбатан буйруқ маъносидаги мурожаатини кўриш мумкин. Демак В-17 ва В-18 мактублари ёзилган сана орасида шароит ўзгарган. Афшун эса ўз навбатида Деваштичнинг қарши ўз ҳукмдори деб билган ва ўша қабул қилган қарорини эндиликда ҳар қандай вазиятда ўзгартиришнинг иложи бўлмаган.

Муғ тоғи архивида учрамаса-да тарихий манбаларда Афшун Суғд подшоси нинг укаси сифатида тилга олинганлиги қайд қилинади (Ан-Насафий. Қандия)⁹⁹.

⁹⁷ СДГМ II. С. 115, 123, 126; 129.

⁹⁸ СДГМ II. С. 116.

⁹⁹ Бартольд В.В. Работы по истории и филологии тюркских и монгольских народов / Соч. Москва: Наука, 1968. С. 305.

Деваштич В-17 ҳужжатида Афшундан ўзига содиқ қолиш маъносидаги талабни қўйган бўлса, В-18 ҳужжатда ўз мақсадига эришган, хотиржам, ҳар қандай вазиятда усиз (яъни Афшунсиз) мақсадига эриша оладиган маънода ўзини кўрсатиб, Афшунни сўроққа тутди¹⁰⁰. Панч ҳукмдори Деваштич нима учун айнан Хахсарга мактуб юборган ва Афшунни ўз измида тутишга ҳаракат қилган деган савол туғилиши табиий. Хахсар – Самарқанддан икки *фарсах* узоқликда бўлиб, ғарбдаги мулклар билан алоқа ўрнатишда муҳим аҳамиятли стратегик нуқта ҳисобланган¹⁰¹.

Деваштич ва Афшун ўртасидаги муносабатлар қандай ҳолатда бўлмасин, 722 йилда арабларга қарши **Қум қишлоғи** яқинидаги жангда Афшун Деваштич билан елкама-елка туриб жанг қилади. Деваштичнинг Афшун билан муносабатлар олиб боришда эҳтиёткорлигига асосий сабаблардан бири унинг аксинча иш тутиб, томонига ўтиб кетишининг олдини олиш бўлган¹⁰².

Араблардан муҳофозаланиш мақсадида иккига бўлинган суғдийларнинг бир гуруҳига Корзанч ва унинг жияни Чаланж ҳамда иккинчи гуруҳига Панч ҳукмдори Деваштич бошчилик қилади. Суғдийларнинг биринчи гуруҳи Суғдни тарк этиб Фарғона сари ҳаракатланадилар¹⁰³.

Шу ўринда Корзанч исмининг Деваштич ўлими билан боғлаш мумкин бўлган тахминни келтириш жоиз. О.И.Смирнова келтирган маълумотларга кўра, Табарий асарида *Корзанч* исми *كرزنج* очик урғусиз унли билан келтирилган. Шунинг ҳисобга олган ҳолда бу сўзни *کز رنج* - *Казуранч* шаклида ҳам ўқиш мумкин бўлиб, бу сўз суғдча *k'zwrnc* сўзининг араб алифбосида ифодаланган шакли бўлиши ҳам мумкин. Бу сўз форсчада *kazur* – “*матоба оҳор берувчи*” ёки “*тери ёғини тозаловчи*” (*тери ошлайдиган*) маъноларини беради. Шундай экан Корзанч *териға ишлов берувчи* ёки *матоба оҳор берувчи* усталарнинг бошлиғи бўлганлиги учун ҳам шу ном билан

¹⁰⁰ СДГМ II. С. 116.

¹⁰¹ СДГМ II. С. 116-117.

¹⁰² Отаҳўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари... Б. 127.

¹⁰³ Матбабаев Б.Х. К истории культуры Ферганы в эпоху раннего средневековья. Ташкент: 2009. С. 55.

аталган. Корзанч исми унинг ҳақиқий исми бўлмай балки таҳаллуси ёки лақаби бўлиши ҳам мумкин.

Шунингдек, Самъоний келтирган маълумотларда Самарқанд Суғдида *Карзан* деган жойнинг ҳам бўлганлигини ва бу қишлоқнинг тахминан ҳозирги Арбинжон ҳудудига тўғри келиши таъкидланган¹⁰⁴.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳозирги кунда ҳам Арбинжон ҳудудига яқин жойда йўл ёқасида *Хўжакарсон* деган жой номининг борлиги бу фикрга янада аниқлик киритишда асос бўлади.

Табарий асарида ҳам *Корзанч Иштихон ҳукмдори* деб келтирилиб, унинг Файй ва Иштихонлик бир гуруҳ суғдийлар билан биргаликда Уструшона орқали Фарғона томонга қараб йўналганлиги келтирилади¹⁰⁵.

Шундай экан *Карзан* (Арбинжон) ҳунармандлари ҳам кўзғолонда муҳим ўринга эга бўлганлар. Бу эса Деваштичнинг айнан Арбинжонда қатл қилинганлиги тасодиф эмас деган хулосага келишга сабаб бўлади. Деваштич қўлга тушгач, Саид ал-Хароший Корзанч ва унинг тарафдорлари билан музокаралар олиб бориш учун Арбинжонга келган ва унинг бир гуруҳ кўзғолончилар билан бирга Фарғонага кетиб қолганлигини билгач, унинг шериги бўлган Деваштични айнан Арбинжонга келтириб қатл этиш орқали кўзғолончилардан қасд олмоқчи бўлган.

Табарий келтирган маълумотлар қандай бўлишидан қатъий назар, Саид ал-Хароший ноиб этиб тайинлангунига қадар норозилик ҳаракатлари бутун Суғдга ёйилиб улгурган бўлиб, унинг ўчоқлари Миёнқол ва Панч бўлган. Миёнқол ҳудудидаги кўзғолонлар араблар томонидан бостирилгач, кўзғолон маркази Суғднинг энг чекка ҳукмдорлиги бўлган Панчга кўчган эди.

Манбаларда Панчдаги кўзғолончиларга Самарқанд, Хахсар, Руст ва бошқа ҳудудлардан норозилик ҳаракати

¹⁰⁴ Камалиддинов Ш.С. «Китаб ал-ансаб» Абу Саъда Абдалкарима ибн Мухаммада ас-Самъани как источник по истории и истории культуры Средней Азии. Ташкент: Фан, 1993. С. 89.

¹⁰⁵ История ат-Табарий. ... С. 185.

вакилларининг келиб қўшилганлиги тўғрисида маълумот келтирилмайди. Фақатгина буни Муғ тоғи суғдий хужжатлари орқали тахмин қилиш мумкин.

Воқеалар жараёнидан шу нарса маълум бўладики, қўзғолоннинг дастлабки даврида Деваштич Панжикент шаҳрига бориб, ўша ердан араблар билан музокаралар олиб боришга мажбур бўлган. Унинг Панжикентда эканлигини билгач, араблар шаҳарни қамал қилганлар ва кейинчалик унга ўт қўйганлар. Натижада шаҳарни тарк этган Деваштич учун тоғ йўли орқали Кштут, Мадм, Қум, Хшикат ва Шаҳристон довони орқали Хўжандга йўл очик эди. Лекин Деваштич Қумга етиб борганида Араб халифалиги кучлари унинг орқасидан етиб келган бўлиб, у Абаргар қалъасида ҳимояланишга мажбур бўлади¹⁰⁶. Деваштич Абаргардан ташқари **Мадрушкатдаги** мустаҳкам қалъада ҳимояланиши мумкин эди. Лекин бу ердаги чўққида жойлашган қалъадан араблар билан музокаралардан кейин чиқиб кетиш амри маҳол эканлигини Деваштич тахмин қилган кўринади. Деваштич тахмин қилган тоғ қалъаларидан фақатгина Абаргарда арабларга қарши кўпроқ вақт қаршилиқ кўрсатиб туриш мумкин эди. Деваштич эса вақтни чўзиш ҳамда иложи топилганда Хўжанд сари йўналишни тадбир қилган.

Деваштич ҳеч кимдан мадад кучларининг етиб келмаслигига кўзи етгач, ўзининг яқинлари билан Абаргар қалъасига яшириниб, ҳимояланишга мажбур бўлган. Чунки у Корзанч бошчилигидаги қўзғолончиларга ўз кучини қўша олмайди ва Абаргарда қамалиб қолади. Агарда довон орқали Корзанч ва Деваштич кучлари бирлашганда эди балким воқеалар ривожини бошқача тус оларди.

Деваштич билан бирга қалъада юздан ортиқ хонадоннинг (асосан зодагонлар) ҳам бўлганлиги маълум. Қўзғолончилар қалъадан чиқиб кетишга улгурмай уни Сулаймон Абу-с-Сорий қамал қилади. Унинг қўл остида мажбуран араб қўшинига қўшиб олинган ва жангларда илғор (авангард) қисм сифатида фойдаланилган. Бухоро, Хоразм ва бошқа Ўрта Осиёлик

¹⁰⁶ Крачковская В.И. и акад. Крачковский И.Ю. Древнейший арабский документ из Средней Азии. ... С. 66.

аскарлардан ташкил топган кучли бўлинма ҳаракатланарди. Арабларга ал-Хароший томонидан ёрдамчи кучлар ҳам жўнатишган¹⁰⁷. Қамалнинг қанча вақт давом этганлиги маълум эмас. Афтидан кўп вақт давом этмаган. Биринчидан, Деваштич қўл остида араблар кучларига қарши турадиган кучлар нисбати тенг эмасди. Иккинчидан, қалъа жойлашган ҳудуд узоқ вақт жиддий ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш учун ноқулай эди. Натижада буни ўз вақтида тушунган Деваштич ўзини фақатгина ал-Хароший ҳукмига олиб борсалар таслим бўлишини айтади¹⁰⁸. Деваштич ал-Харошийнинг шафқатидан умидвор бўлган.

Ал-Хароший ҳузурига юборилган Деваштични у ўзи билан бирга Кешга олиб кетади¹⁰⁹. Ундан сўнг Арбинжон сари ҳаракатланди. Ал-Хароший қаерга бормасин Деваштични ўзи билан бирга олиб юрган.

722 йилда Деваштич ал-Хароший шартларини (манбаларда бу шартлар тўғрисида маълумот келтирилмайди) қабул қилгач, хуфя тарзда ўлдирилади. Ўша давр ғолибларининг анъанасига мувофиқ унинг боши Ироққа халифа Умар ибн Ҳубайрга, чап қўли эса Тоҳаристонда жанг қилаётган саркарда Сулаймон Абу-с-Сорийга жўнатилади. Танаси эса зардуштийлар остадонлари қўйиладиган қурилма – наус тепасига қўйилади.

Суғд конфедерациясининг инқироzi Араб халифалигининг Ўрта Осиёга бостириб келиши билан боғлиқ бўлиб, арабларнинг Мовароуннаҳрга биринчи юришлари VII асрнинг ўрталарига тўғри келади. Бу даврда Суғдда ихшид Вархуман (655) ҳукмронлик қилган¹¹⁰.

Сосонийлар давлатини босиб олган Араб халифалиги қўшинлари 651 йилда Марвни қўлга киритиб, Амударёдан нариги томондаги ерларни босиб олишга ҳаракат бошлайдилар. Улар икки йўналишда, Пойкент ва Бухоро ҳамда жанубда Кеш орқали мамлакатнинг ичкарасига кириб боришга ҳаракат

¹⁰⁷ Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. ... С. 253.

¹⁰⁸ История ат-Табарий. ... С. 189.

¹⁰⁹ Крачковская В.И. и акад. Крачковский И.Ю. Древнейший арабский документ из Средней Азии. ... С. 65.

¹¹⁰ Альбаум Л.И. Живопись Афрасиаба. Ташкент: Фан, 1975. С. 28-31.

қилишган¹¹¹. Бу ҳақда Хитой йилномалари ва мусулмон тарихчиларининг асарларида қарийб бир хил маълумот келтирилганлигини кузатиш мумкин.

Арабларнинг Ўрта Осиё ҳудудига уюштирган дастлабки ҳарбий ҳаракатлари даврида Суғд конфедерациясининг маркази Кешдан Самарқандга кўчган давр ҳисобланиб, конфедерацияси маркази Самарқанд атрофида Панч, Маймурғ, Иштихон, Кушония, Фай, Кабудон, Кеш ва Нахшаб каби ҳукмдорликлар бирлашган эди.

Турк хоқонлари ички низолар натижасида конфедерациянинг ишларига аралаша олмасди. Хоқонликдаги ички вазиятнинг беқарорлигига қарамай Суғд конфедерацияси айни шу йиллар (660 – 680 йиллар) давомида хоқонликка содиқ қолган¹¹². Қолаверса, сиёсий жараёнлар кучайган бу паллада Суғд конфедерацияси учун бошқа паноҳ излаш манфаатли эмасди. Ғарбий Турк хоқонларининг тез-тез алмашинуви натижасида VII асрнинг 50-70 йилларида хоқонлик тахтида Ашина Алп (651 – 658), Ашина Мише (658 – 662), Ашина Бўрқин (662 – 666) ва Ашина Тўрчи (671 – 679) каби хоқонлар турганлар¹¹³. Айниқса, Ашина Мише ҳукмронлиги даврида бундай норозилик ҳаракатлари тобора кучайиб хоқонлик ички низолар гирдобидида қолди ва ўз васаллари ички ишига аралаша олмай қолди. Мана шу даврда конфедерация тахти учун курашлар авж олган бир паллада турк хоқонларининг бу жараёнга аралашган ёки аксинча эканлиги маълум эмас. Ғарбий турклар давлатининг салоҳияти пасайиб, сиёсий вазиятни назорат қилиш сустралди. Бу эса арабларнинг Ўрта Осиёга юришларини тезлаштирувчи омил эди. Натижада Суғд конфедерацияси инқирозини келтириб чиқарган турли сабаб ва омиллар вужудга келди.

Бу борада Суғд конфедерациясининг тўла инқирозга юз тутган даврини аниқлаш ва шу асосда муаммони тадқиқ этиш лозим бўлади. Хусусан, А.Асқаров Суғднинг турклар

¹¹¹ Пардаев М. IX-X асрларда Жиззах – ғозийлар шаҳри // Тарих ва қадриятлар. Тошкент, 2015. Б. 33-38.

¹¹² Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. ... С. 275.

¹¹³ Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. ... Б. 109.

таъсиридан араблар қўлига ўтганлигини 737 йил воқеалари билан боғлаб, далил сифатида туркашларнинг араблар томонидан мағлуб этилганлигини келтиради¹¹⁴. Лекин ва ундан сўнг унинг ўғли Турғар 750- йилларга қадар Иштихондан туриб араблар қўл остида танга зарб эттириб¹¹⁵, мамлакатни идора қилган бўлса, Кешда ҳам 760- йилларга қадар ал-Ихрид Таран тахт тепасида турган¹¹⁶. Панч Араб халифалиги қўшини томонидан 720 йилдаги қўзғолон бостирилаётганда ёндириб юборилган¹¹⁷. Шаҳарда ёнғин юз бериб, уйлар ёниб кетади. Шаҳар аҳолиси атрофга тарқоқ ҳолда қочиб яшай бошлаган. 740 йилга келиб панжикентлик суғдийларнинг Ўрта Осиёдаги араб халифасининг ноиб бўлган Наср ибн Сайёр (739 – 748) билан келишувлари натижасида одамлар шаҳарга қайта кўчиб ўта бошлаган ва илгариги шаҳар қайта тикланади¹¹⁸. Фақатгина Муқанна қўзғолони (769 – 783) давридаги ҳарбий ҳаракатлар натижасида Панжикент вайрон қилинган ва қайта тикланмаган¹¹⁹. Айни шу даврдан (VIII асрнинг 70- йиллари охирлари) бошлаб Суғд конфедерациясидаги ҳукмдорлар манбаларда эслатилмайди. Муқанна қўзғолони жараёнлари Суғд конфедерациясининг сиёсий жиҳатдан ўз мавжудлигини йўқотишига олиб келган омиллардан бири бўлди.

Бу ҳолат конфедерациянинг таназзулини тезлаштирди. Аммо шу билан бирга Суғд конфедерациясининг инқирозига сабаб бўлган бошқа бир қатор омиллар ҳам мавжуд бўлганлигини эътиборга олиш лозим. Бу қуйидагиларда намоён бўлади:

Биринчидан, араблар босқини арафаси ва босқин жараёнларида Суғд конфедерацияси ҳукмдорлари бир-бирларига душманлик кайфиятида бўлиб, уларнинг марказ тахти учун курашлари конфедерация таназзулига олиб келган асосий омиллардан биридир. Масалан, арабларга қарши кураш

¹¹⁴ Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. Тошкент: Ўзбекистон, 2015. Б. 382.

¹¹⁵ Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. Бронза. Москва: Наука, 1981. С. 191.

¹¹⁶ Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. ... С. 180, 182.

¹¹⁷ Распопова В. Жилища Пенджикента. Ленинград: Наука, 1990. С. 53, 173.

¹¹⁸ Большаков О. Отчет о раскопках северо-восточной части объекта III // МИА. Москва, 1964. №124. С. 119.

¹¹⁹ Ғойибов Б. Суғд конфедерациясида Панчининг ўрни. Тошкент: Наврўз, 2013. Б. 78.

ва тахтга даъвогарлик қилган Деваштич даврида янада кескин тус олди¹²⁰. 719 йилнинг бошларида Марказий Суғд ва Бухоро ҳукмдорлари Хитойга хат ёзиб, ҳарбий кўмак сўрайдилар. Бу даврда суғдийлар арабларга қарши бош кўтариб, ислом динидан қайтиб, яна қўзғолон бошлайдилар¹²¹. И.Якубовичнинг француз олими Ф.Гренэ фиркларига асосланган ҳолда келтиришича, араб халифалигининг Иштихондаги армияси ни қаттиқ назорат қилган. Уни уй қамоғида сақлаган ва у воқеаларга фаол қатнаша олмаган. Бу эса Деваштичнинг тахт учун курашларида қўл келган¹²². Мазкур бошбошдоқликларда Суғд ҳукмдорларининг тахт учун курашларини авж олишига сабаб бўлди. Айниқса, Панч ва марказ Самарқанд ўртасидаги муносабатлар жуда кескин тус олган. Араблар бундан фойдаланишга ҳаракат қилишган. Чунки 715 йилда Қутайба ибн-Муслимнинг Фарғонада ўлдирилиши Суғдда араблар ҳокимиятини заифлаштира бошлаган эди. Натижада арабларга уларнинг йўриғи билан иш кўрадиган киши зарур бўлди. Мазкур бошбошдоқликлар арабларга қўл келди ва улар Деваштич қарамоғида бўлган Тархуннинг ўғиллари ҳомийлари баҳонасида ҳаракат қилишган¹²³.

Мамлакат ичида тартибсизликнинг вужудга келиши бошқарувга салбий таъсир кўрсатган ва натижада арабларнинг ўз бошқарувларини ёйишларига йўл очилган. 721 йилнинг баҳорида Саид ибн Абдулазиз (Ҳузайна) (719 – 720) ўрнига Саид ал-Хароший (721 – 723) ноиб этиб тайинланади. Бу даврга келиб Суғдда нотинч вазият ўзининг юқори чўққисига чиққан бўлиб, тинимсиз ҳарбий ҳаракатлар натижасида шаҳар ва қишлоқлардаги суғориш тизими ишдан чиққан, мамлакатда очарчилик ҳукм суларди. Бу ҳақда ўша даврда битилган Муғтоғи суғдий ҳужжатларида ҳам маълумотлар келтирилган¹²⁴. Давлат мусулмон бўлмаган фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиши, уларни ташқи ва ички тажовузлардан сақлаши

¹²⁰ Отахўжаев А. Илк ўрта асрларда Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. ... Б. 142.

¹²¹ История ат-Табари. ... С. 175-176.

¹²² Якубович И. Проблемы согдийской этимологии. ... С. 141.

¹²³ Крачковский И.Ю. Древнейший арабский документ из Средней Азии. ... С. 53-56.

¹²⁴ СДГМ II. С. 103.

лозим бўлган. Шунинг эвазига улардан махсус солиқ ундирилган. Бу солиқ асосан пул ва натура тарзида ундирилган *жизя* (жон солиғи) бўлиб, суғдийлар арабларга жон солиғини тўламай қўйган эдилар. Ал-Хароший кўзғолончиларга қарши ҳарбий ҳаракатар олиб боришдан олдин улар билан келишувга боришга, шартлашишга ҳаракат қилади. Балазурийнинг берган маълумотларига кўра, ал-Хароший кўзғолончи суғдийларга қарши ўзининг элчиларини жўнатиб, уларни ислом динига ўтказишга ва бўйсундиришга ҳаракат қилган. Шу йўл орқали араблар босиб олган ҳукмдорликларда маҳаллий бошқарувни йўқ қилиб, ёки маҳаллий кишилардан ноиб қўйиб, ўзлари жорий этган бошқарувни амалда қўллайдилар. Бу эса араблаштириш ниқоби остида амалга оширилди ва маҳаллий конфедератив бошқарув тизимининг ўрнини қаттиққўл бошқарув эгаллади. Араб халифалиги маъмурияти маҳаллий сулолаларни йўқ қилиб, бошқарувни ўз қўлларига олишган¹²⁵;

Иккинчидан, араб халифалиги кучларининг ҳарбий юришлари Суғд конфедерациясидаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётга жиддий салбий таъсир этди. Бу даврда Суғдда маҳаллий аҳоли ва аслзодалар солиқ тўламаслик учун оммавий равишда ислом динини қабул қила бошладилар. Лекин аҳолининг исломни қабул қилиши номига бўлиб, улар яна ўз динларига қайтганлар¹²⁶. Натижада, халифалик хазинасига келадиган тушум камайиб кетади. Бу эса халифалик маъмуриятининг Суғдда исломга ўтувчилар учун янги шартларни белгилаш ёки ишлаб чиқишни тақозо этарди. Янги жорий қилинган шартлар аҳолининг норозилигига сабаб бўларди ва мамлакатда яна уруш ҳаракатлари бошланарди. Дастлаб ислом динини қабул қилмаган аҳолидан *жизья* солиғи, деҳқон, савдогар ва ҳунармандлардан эса *хирож* солиғи олинган¹²⁷. Кейинчалик Умар II (717 – 720) давридан бошлаб ислом динини қабул қилган аҳоли қатлаמידан *жизья* солиғи олинмаган. Одамлар ислом дини номига қабул қилиб, аслида ўз динларида

¹²⁵ Отахўжаев А. Илк ўрта асрларда Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. ... Б. 122-123; 140-142.

¹²⁶ Исоҳов М. Унутилган подшоликдан хатлар. ... Б. 7.

¹²⁷ Кадырова Т. Из истории крестьянских восстаний в Мавераннахре и Хорасане. ... С. 65-67.

қолвердилар. Эндиликда ислом динига ўтиш учун *хатна* қилдириш ва қуръон сураларини ёд олиш шарт қилиб қўйилди. Алоҳида минтақаларда ислом динига ўтиш учун маҳаллий ноибларнинг ўз мақсадлари йўлида баъзи қўшимча шартларни ҳам жорий қилганликлари эҳтимолдан холи эмас. Мазкур ҳолатлар мавжуд вазиятни янада чигаллаштириб маҳаллий аҳолининг асоратга солинишига олиб келарди;

Учинчидан, араблар босқинидан кейин суғдий тил ўрнини арабий ва форсий тил эгаллаб, бу ижтимоий ҳаётда яққол сезила бошланди. Марказий Осиё минтақасида ўтган минг йил давомида суғдийлар, эфталийлар, чочликлар, фарғоналиклар, турклар ёнма-ён яшашига қарамай суғдий тил ва ёзув асосий мулоқот воситаси бўлиб келган. Ҳатто дастлабки турк хоқонлари даврида ҳам давлат бошқарувида суғдий тилдан фойдаланишган. Аммо араблар истилосидан кейин суғдий тил аста-секин истеъмолдан чиқиб кета бошлади. Лекин суғдий тил тўла йўқолмаган эди. Муқаддасий суғдий тил борасида қуйидаги маълумотни қолдирган: “Суғдда (Зарафшон воҳаси) ўзига хос бир тил мавжуд бўлиб, у Бухоро шаҳри аҳолисининг тилига ўхшаб кетади”. Бу эса шундан далолат берадики, ўша даврда форсий тили фақатгина шаҳарларда ишлатилган¹²⁸. Аҳоли орасида суғдий тилга нисбатан арабий ва форсий тилни биладиган кишилар қатлами кўпая борди. Бу жараён Суғд конфедерациясининг нафақат сиёсий ёки иқтисодий жиҳатдан, балки ижтимоий ва маданий томондан ўз мавжудлигини йўқота бораётганлигини кўрсатарди;

Тўртинчидан, конфедерация таназзулини тезлаштирган яна бир омил бу дин билан боғлиқ бўлган. Маълумки, араблар босқини арафасида Суғдда зардуштийлик, буддавийлик, христианлик, монийлик каби диний қарашлар мавжуд бўлган. Турли динларда бўлган кишиларнинг мавжуд вазиятга баҳо беришлари турлича бўлиб, бу эса Ислом динининг барқарор дин сифатида ўзини намоён этиши ва кишиларни ягона ғоя атрофида бирлашишларига асос бўлиб хизмат қилган;

¹²⁸ Зухра Заршинос. Суғд тилига умумий бир нигоҳ / СИНО илмий-адабий, фалсафий-ирфоний, маънавий-маърифий журнал. 2010. 37-38-39-40 сонлари. – Б. 7.

Бешинчидан, Суғд устида ўз ҳукмронлигини ўрнатишга ҳаракат қилган араб халифалиги маъмурияти бу ердаги юқори табақа вакиллари билан тил бириктириш йўлини тутган. Маҳаллий бойлар араблар билан келишиш учун дастлаб пул тўлаб, ўз эркинликларини сотиб олган бўлсалар, кейинчалик арабларнинг ўзларига жамиятда ўз мавқеига эга кишилар керак бўлган. Масалан, суғдийларнинг Корзанч бошчилигида арабларга қарши кураш олиб бораётган қисми Фарғона подшоси Алутар (700 – 720) билан шартлашиб, Хўжанд орқали Фарғонага ўтиши керак эди. Аммо Алутар Корзанчга хиёнат қилади, уни ҳамда одамларини арабларга тутиб беради ва тинимсиз жангларда ҳориган суғдийлар арабларга қарши охирги нафасларигача курашадилар. Мана шу тарзда суғдийлар ва Корзанчнинг ҳарбий ҳаракатлари фожеавий якун топган. Фақатгина 400 бадавлат хонадон араблардан ўзининг хунини сотиб ола олган¹²⁹. Бундай кишилар, ҳаттоки, тахт талашувларда ҳам араб ҳукмдорларини қўллаб-қувватлашган. Кейинчалик ташкил топган Тоҳирийлар давлати (821 – 873) ҳам дастлаб Араб халифалиги маъмуриятининг ҳомийлигида ташкил топган эди.

Хуллас, Суғд конфедерациясининг таназзулига араб халифалиги кучларининг юришлари восита бўлди. Суғд конфедерацияси таназзули Ўзбекистон тарихидаги динамик ўтиш даври бўлиб, бу даврга келиб конфедерация шаҳарлари аҳолиси суғдийликдан ўзбек ва тожик этник ҳолатига ўтиши билан боғлиқ турли ижтимоий жараёнларни ўз бошидан кечирди. Бу пайтда Ислом дини ва маданияти бутун дунёга турли йўллар ҳамда усуллар орқали, шиддат билан кириб келаётган бир пайтда, эскича таъбир билан айтганда кучли сиёсий тарқоқлик юз берган, майда давлатларга бўлиниб кетаётган, Турк хоқонлиги қудрати хитойликлар томонидан синдирилган Мовароуннаҳрда бундан бошқача тарихий тақдир бўлиши қийин эди.

¹²⁹ Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. ... С. 256-258.

ХУЛОСА

Марказий Осиё ҳудудида кечган давлатчилик тарихида Суғд тарихий маданий ўлкасининг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Давлатчилигимиз тарихининг муҳим ва мураккаб босқичини ўз ичига олган Суғд конфедерациясининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий масалаларини ўрганишда суғдий ёзма ёдгорликлар муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Ўрта аср тарихчи, географларининг асарлари ҳам бу масала юзасидан қимматли маълумот берувчи манбалар ҳисобланади. Ушбу манбаларнинг лингвистик таҳлили бир қанча тадқиқотларда амалга оширилгани ҳолда уларнинг тарихий таҳлили ва талқини бугунги кунда амалга оширилиши лозим бўлган муаммолар сирасига киради. Бу ҳолат мулкчилик муносабатлари юз берган ва давлатчилик асослари юзага чиққан илк ўрта асрлар тарихининг моҳиятини кўрсатиб беради.

Зеро Ўзбекистон халқларининг илк ўрта аср босқичи тасвирий санъати, ҳайкалтарошлик, мисгарлик ва кандакорлиги, ўймакорлиги, меъморчилигининг гуллаб-яшнаши Ўрта Осиё халқлари маданий-тарихий тараққиёти узлуксиз жараёнининг меваси сифатида рўёбга чиққан эди. Фаёзтепа, Болаликтепа, Оқ бешим, Қува, Ажинатеп, Афросиёб, Варахша, Панжикент, Кофирқалъа ва қатор бошқа меъморий иншоотлар, шаҳар ва қасрлар харобалари, улардаги нодир ёдгорликлар мазкур даврнинг маданий даражасини дунё аҳамиятига эга бўлган инсоният цивилизацияси босқичлари қаторига қўяди. Машҳур тарихчи олим Н.И.Конрад Ўрта Осиё уч марта дунё цивилизациясининг марказига айланган, деб таъкидлаган эди. Бу антик қулдорлик даври, кушонлар даври ва темурийлар даври. Шу рўйхатга ишонч билан илк ўрта асрни ҳам, яъни, V-IX асрларни ҳам киритиш мумкин. Бу цивилизация хусусиятлари орасида суғдий ёзув ва унинг ажойиб қўлёзма ёдгорликлари алоҳида эътиборга лойиқдир.

ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

Вып.	– Выпуск.
ИАН	– Известия АН СССР.
ИВЛ	– Издательство восточной литературы.
Изд.	– Издательство.
Л	– Ленинград.
ЛО	– Ленинградский отдел.
М	– Москва.
МИА	– Материалы и исследования по археологии СССР.
МИЦАИ	– Международный институт Центральноазиатских исследований.
НАА	– Народы Азии и Африки.
ППВ	– Письменные памятники Востока.
Сб. Тр.	– Сборник трудов.
СВ	– Советское востоковедение.
СЭ	– Советская этнография.
СДГМ	– Согдийские документы с горы Муг.
СС	– Согдийский сборник.
СПб	– Санкт-Петербург.
Соч.	– Сочинения.
Т.	– Том.
УМЭД	– Университет мировой экономики и дипломатии.
ЎзМЭ	– Ўзбекистон миллий энциклопедияси.
ЭВ	– Эпиграфика Востока.
BGA	– Bibliotheca Geographorum Arabicorum.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

МАНБАЛАР

1. Белазури. Извлечения из книги “Китоб футух ал-Булдон” / Перевод извлечений С.Волина в кн. Туркмены. Ашгабад, 1950. Том. I.
2. Беруний Абу Райхон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар / А. Расулов тарж. Танланган асарлар. 1-жилд. Тошкент: Фан, 1966.
3. Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах обитавших в Средней Азии в древние времена. Москва-Ленинград: АН СССР, 1950-1953: Том. II. 1950.
4. Камалиддинов Ш.С. «Китаб ал-ансаб» Абу Саъада Абдалкарима ибн Мухаммада ас-Самъани как источник по истории и истории культуры Средней Азии. Ташкент: Фан, 1993.
5. Каталог памятников согдийской письменности в Центральной Азии (Catalogue of sogdian writings in Central Asia) (Составители: Б.Гойибов, П.Лурье, А.Бегматов, В.Распопова, Г.Бобоёров. Самарканд: МИЦАИ, 2022.
6. Махмуд ал-Кашгари. Дўвāн Лугāt ат-Турк / перевод, предисловие и комментарии З.А.М. Ауэзовой. Индексы составлены Р. Эрмерсом. Алматы: Дайк-Пресс, 2005.
7. Мухаммад Наршахи. История Бухары / перевод с персидского Н.Лыкошинь. Ташкент, 1897. С. 15-17.
8. Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. Бронза. Москва: Наука, 1981.
9. Согдийские документы с горы Муг. Вып. I / Чтение, перевод и коммен. А.А. Фреймана. Описание, публикации и исследование документов с горы Муг. Москва: ИВЛ, 1962.
10. Согдийские документы с горы Муг. Вып. II / Юридические документы и письма / Чтение, перевод и комментарии В.А. Лившица. Москва: ИВЛ, 1962.

11. Согдийские документы с горы Муг. Вып. III / Хозяйственные документы / Чтение перевод и комментарии М.Н. Боголюбова и О.И. Смирновой. Москва: ИВЛ, 1962.

12. История ат-Табарий / Перевод с арабского В.И. Беляева. Ташкент: Фан, 1987.

13. Bibliotheka geograforum arabikorum edidit M.J.De.Goeje. I-III. Lugduni Batavorum, I, Viae regnorum. ... auctore Abu Ishak al-Istakhri, 1870; III, Descriptio imperii moslemiki auctore. ... Al-Mokaddasi, 1877.

ТАДЖИҚОТЛАР

14. Альбаум Л.И. Живопись Афрасиаба. Ташкент: Фан, 1975.

15. Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. Тошкент: Ўзбекистон, 2015.

16. Бартольд В.В. К истории арабских завоеваний в Средней Азии / Соч. Москва: Наука, 1964. Т. II (2).

17. Бартольд В.В. Работы по истории и филологии тюркских и монгольских народов / Соч. Москва: Наука, 1968.

18. Беленицкий А.М. Монументальное искусство Пенджикента. Живопись, скульптура. Москва: Искусство, 1973.

19. Беленицкий А.М., Маршак Б.И. Древнейшее изображение осадной машины в Средней Азии / Культура Востока. Древность и раннее средневековье. Ленинград: Аврора, 1979.

20. Бобоев Ю.А. Абурайхон Беруни - основоположник согдологии // Номаи Донишгоҳ. Хучанд. №4 (45) 2015.

21. Большаков О. Отчет о раскопках северо-восточной части объекта III // МИА. Москва, 1964. №124.

22. Дьяконов И.М., Лившиц В.А. Документы из Нисы I в. до н.э. Предварительные итоги работы. Москва: Издательство Восточной литературы, 1960.

23. Зухра Заршинос. Суғд тилига умумий бир нигоҳ / СИНО илмий-адабий, фалсафий-ирфоний, маънавий-маърифий журнал. 2010. 37-38-39-40 сонлари.

24. Ильясов Дж.Я. Об этнической принадлежности правителей Пенджикента // Нумизматика Центральной Азии. Вып. VIII. Ташкент, 2004.
25. Исҳоқов М. Уч алфавитли ёзув // Фан ва турмуш. Тошкент, 1983. №3.
26. Исҳоқов М. Суғдиёна тарих чорраҳасида. Тошкент: Фан, 1990.
27. Исҳоқов М. Унутилган подшоликдан хатлар. Тошкент: Фан, 1992.
28. Исҳоқов М.М. Суғдшуносликнинг айрим масалалари // Марказий Осиё тарихи: манбашунослик ва тарихнавислик изланишлари. Илмий тўплам. Тошкент, 2009.
29. Исҳоқов М. Никоҳ битими янгиликми? // Ҳуқуқ ва бурч. 2011. №1.
30. Исҳоқов М. Суғдиёнада ернинг нархи қанча бўлган? // Ҳуқуқ ва бурч. 2011. №2.
31. Исҳоқов М., Бобоёров Ғ., Кубатин А. Суғд тилидаги манбалар / Ўзбекистон тарихи. Хрестматия. 2/1. Тошкент: Фан, 2014.
32. Исҳоқов М., Ғойибов Б. Туркий ва суғдий ёзувлар яратилишининг тарихий бирлиги асослари / O'zbekiston tarixi. 2023 йил 2-сон.
33. Кадырова Т. Из истории крестьянских восстаний в Мавераннахре и Хорасане в VIII – начале IX в. Ташкент: Фан, 1965.
34. Камалиддинов Ш.С. Из истории Арабских завоеваний в Средней Азии: к биографии Сулеймана ибн Абу-с-Сари / Цивилизация скотоводов и земледельцев Центральной Азии. Самарканд-Бишкек: МИЦАИ, 2005.
35. Крачковская В.И. и акад. Крачковский И.Ю. Древнейший арабский документ из Средней Азии // Согдийский сборник. Ленинград, 1934.
36. Крачковская В.А. Эволюция куфического письма в Средней Азии / Эпиграфика Востока. Москва: Изд. АН СССР, 1949. Вып: 3.

37. Крачковский И.Ю. Избранные сочинения. Над арабскими рукописями. Москва-Ленинград: Наука, 1955. Том. I.
38. Лившиц В.А. Согдийский посол в Чаче (Документ А–14 с горы Муг) // СЭ. Москва, 1960. №2.
39. Лившиц В.А. Правители Панча (тюрки и согдийцы) / НАА. 1979. №4.
40. Лившиц В.А., Хромов А.Л. Согдийский язык / Основы иранского языкознания. Среднеиранские языки. Москва: Наука, 1981.
41. Лившиц В.А. Согдийские «Старые письма» (I, III) // ППВ. Москва, 2008. № 1 (8).
42. Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика Средней Азии и Семиречья. Санкт-Петербург: Филологический факультет Санкт-Петербургского университета, 2008.
43. Мамадалиев Х. М. Этническое положение в Средней Азии в IX – XII вв. (на основе материалов арабоязычных источников): Автореф. дисс. на соиск. учен. степ. канд. ист. наук. Ташкент, 2010.
44. Маршак Б.И., Распопова В.И. и др. Отчет о раскопках городища Древнего Пенджикента в 2001 г. Санкт-Петербург: Государственный Эрмитаж, 2002.
45. Матбобоев Б.Х. Раннесредневековая культура Ферганы (на основе анализа археологических источников V-VIII вв.): Автореф. дисс. доктора ист. наук. Самарканд, 2009.
46. Матбабаев Б.Х. К истории культуры Ферганы в эпоху раннего средневековья. Ташкент: 2009.
47. Моисеева К. Тайна горы Муг. Москва: Детская литература, 1964.
48. Нудельман Р.Э. Загадки Кумрана // Библейская археология. Научный подход к тайнам тысячелетий. Феникс, Неоглори, 2008.
49. Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. Тошкент: ART-FLEX, 2010.

50. Пардаев М. IX-X асрларда Жиззах – ғозийлар шаҳри // Тарих ва қадриятлар. Тошкент, 2015.
51. Распопова В. Жилища Пенджикента. Ленинград: Наука, 1990.
52. Распопова В.И. Школы писцов в Пенджикенте VII-VIII вв. Санкт-Петербург: Политех-пресс, 2019.
53. Смирнова О.И. О титуловании согдийских правителей. Москва: ИВЛ, 1962.
54. Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. Москва: Наука, 1970.
55. Сулейманов Р., Исхаков М. Древний Самарканд. Ташкент: Фан, 1980.
56. Якубович И.С. Проблемы согдийской этимологии: диссертация на соиск. ученой степени кандидата филологических наук. Москва, 2009.
57. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2002.
58. Ғойибов Б. Деваштич. Тошкент: Наврўз, 2012.
59. Ғойибов Б. Суғд конфедерациясида Панчининг ўрни. Тошкент: Наврўз, 2013.
60. Begmatov A. Sogdian Textual Materials from Central Asia: A Critical Re-edition of the Documents from Mount Mugh. Unpublished dissertation. Kyoto, 2020.
61. Grenet F., Vaissière de la É. The last days of Panjikent // Silk Road Art and Archeology. Kamakura, 2002. VIII.
62. Gibb H.A.R. The Arab conquests in Central Asia. – London, 1923.
63. Gershevitch I. A grammar of Manichaen Sogdian. Oxford, 1954. – I–X, 2-ed. Oxford, 1961.
64. Gershevitch I. Sogdians on a Frogplain // Mélanges linguistiques offerts à Émile Benveniste. Louvan, Paris, 1975.
65. Hansen O. Zur soghdischen Inschrift auf dem dreisprachigen Denkmal von Karabalgasun // Journal de la Société Finno-Ougrienne, XLIV, 3. Helsinki, 1930.

66. Henning W.B. The date of Sogdian Ancient Letters // BSOAS. 1948. vol. 12. P. 601-615.

67. Kurat A.N. Kuteybe bin Muslim'in Hvarizam ve Semerkend'i zabti (higri 93-94 – miladi 712) // Ankara Universitesi Dil ve Tarih – Goprafiya dergesi. Cilt VI. №4.

68. Livshits V.A. Sogdian epigraphy of Central Asia and Semirech'e / tr. from the Russian by T. Stableford. Ed. by N. Sims-Williams. London: School of oriental and African studies, 2015. (Corpus inscriptionum iranicarum. Part II: Inscriptions of the Seleucid and Parthian period and of Eastern Iran and Central Asia. Vol. III: Sogdian).

69. Xavier Trembley. Pour une histoire de la Serinde (Le manicheisme parmi les peuples et relegions d'Asie Centrale d'apres les sources primaires). WIEN: DER ÖSTERREICHISCHEN AKADEMIE DER WISSENSCHAFTEN, 2001.

70. Yakubovich I. Mugh I. 1. revisited // Studia Iranica, T. 21. 2002. Fasc. 2.

МУНДАРИЖА

СУЎЗОШИ

МУҒ ТОҒИ СИРИ

ДЕВАШТИЧ ИСМИ – АРХИВНИНГ “КАЛИТИ”

СУҒДА ҚЎШҲОКИМИЯТЧИЛИК (Деваштичнинг Суғд тахтига даъвоси масаласи)

МАСЛАҲАТЧИНИНГ ПЎПИСАСИ (Абдурахмон ибн-Субҳнинг мактуби)

ЧАТА ВА УТТЕГИН (Бугунги никоҳ шартномасининг тарихий асослари)

ИЖАРАГА БЕРИЛГАН ТЕГИРМОН (ер-мулк муносабатларининг ёрқин намунаси)

ХИЛХОНА УЧУН СОТИЛГАН ЖОЙ (Суғда ернинг нархи масаласи)

ДЕВАШТИЧНИНГ КИНОЯСИ ВА КАНИЗАКЛАР ИЧАДИГАН МАЙ (Ижтимоий ҳимоя ва ичкилик борасидаги эҳтиётсизлик масаласи)

СУҒДИЁНА ЭЛЧИСИ ФАТУФАРН ҚАДИМГИ ТОШКЕНТДА (Суғд бошчилигидаги коалиция тузиш ҳаракатлари)

СУҒДИЁНАДА НАРХ-НАВО (товар-пул муносабатларининг хусусиятлари)

ҲУСНИХАТ ВА ХАТТОТЛАР (“Муғ архиви” ҳужжатларининг муаллифлари)

ЧАРМ, ЁҒОЧ, ТОШ, СОПОЛ ВА ҚОҒОЗ (“Муғ архиви”нинг ёзув материаллари сифатида)

СУҒД КОНФЕРАЦИЯСИНING СЎНГГИ КУНЛАРИ

ХУЛОСА

ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

ҲОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ